

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSİYALAR VAZIRLIGI

TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK UNIVERSITETI

Dilshod RO'ZIQULOV
Ruxsora ELMURATOVA

FAVQULODDA VAZİYATLAR JURNALİSTİKASI

O'quv qo'llanma

*Ta'lif yo'naliishi: 60320100 – Jurnalistika
(Xalqaro jurnalistik)*

Toshkent – 2023

UDK 070

BBK 76.01

P 86

Ro‘ziqulov D., El‘muratova R.

Favqulodda vaziyatlar jurnalistikasi (o‘quv qo‘llanma). – Toshkent: Fan va texnologiyalar, 2023. – 142 b.

Mas’ul muharrir:

Xayrulla HAMIDOV – filologiya fanlari doktori, dotsent

Taqrizchilar:

M.SALIEVA, f.f.n., Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti dotsenti

B.MUSLIMOV, t.f.n., Favqulodda vaziyatlar vazirligi akademiyasi dotsenti

A.OCHILOV, “Vatanparvar” birlashgan tahririyati bosh muharriri

Ushbu o‘quv qo‘llanma jurnalistika tizimida ilk bor bakalavr ta’lim yo‘nalishi talabalariga taqdim etilmoqda. Ommaviy axborot vositalarida keng qo‘llaniladigan tahririy va media texnologiyalariga tegishli favqulodda vaziyatlar jurnalistikasining umumiyligi ilmiy talqini bilan tanishtiradi. O‘quv qo‘llanmada keng joriy etiladigan nazariy va ilmiy jihatdan ishlab chiqilgan holda, terminologik manbalarga kengroq murojaat qilinadi. O‘quv qo‘llanma oliy ta’lim yo‘nalishidagi davlat ta’lim standartlariga moslashtirilgan holda o‘zbek tilida ilk bor tayyorlandi.

Mazkur o‘quv qo‘llanma Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti kengashining 2023 yil 10 iyuldagisi 158-UM-sonli buyrug‘iga asosan nashrga tavsiya etilgan.

© D.Sh.Ro‘ziqulov, R.S.El‘muratova, 2023.

©Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti, 2023.

MUNDARIJA

So‘zboshi.....	3
I BOB. FAVQULODDA VAZIYATLAR JURNALISTIKASIGA KIRISH	
1.1. Favqulodda vaziyatlar tushunchasi, tasnifi va turlari.....	4
1.2. Zamonaviy mediada favqulodda vaziyatlar mavzusining yoritilishi.....	16
1.3. O‘zbekistonda favqulodda vaziyatlar jurnalistikasining taraqqiyoti.....	24
II BOB. DAVRIY MATBUOTDA FAVQULODDA VAZIYATLAR VA IJTIMOIY XAVFSIZLIK MAVZUSI YoRITILISHINING ASOSIY YO‘NALISHLARI	
2.1. Xorijiy mass-medialarda favqulodda vaziyatlar va ularning oldini olish mavzusini yoritishdagi tajribasi tahlili.....	38
2.2. O‘zbekiston matbuoti favqulodda vaziyatlar, ularning profilaktikasi hamda aholi xavfsizligini ta’minlashning muhim omili sifatida.....	47
2.3. Matbuotda terrorizm harakatlari va boshqa ijtimoiy xavfli holatlarni yoritish tamoyillari.....	56
III BOB. BOSMA OMMAVIY AXBOROT VOSITALARIDA FAVQULODDA VAZIYATLARNI YoRITIShDA KASBIY MAHORAT, TIL VA USLUB MASALALARI	
3.1. Favqulodda vaziyatlar mavzusini yoritishda jurnalistning kasbiy kompetentsiyalar.....	68
3.2. Matbuotda favqulodda vaziyatlar mavzusidagi materiallaring tili va uslubiy jihatlari.....	77
3.3. Janriy rang-baranglik – mavzuni samarali yoritish omili.....	85
So‘ngso‘z o‘rnida.....	97
Ilova.....	105
GLOSSARIY.....	129
FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR.....	130

SO‘ZBOSHI

Jahonda sodir bo‘layotgan tabiiy, texnogen favqulodda vaziyatlar hamda global ekologik muammolar sonining oshib borishi kuzatilayotgan bir davrda ommaviy axborot vositalarida favqulodda vaziyatlar haqidagi xabarlarning tezkor, to‘g‘ri va shaffof yoritilishi muhim ahamiyatga ega. Ayni shu sharoitda ommaviy axborot vositalari, xususan, davriy matbuotda favqulodda vaziyatlar bilan bog‘liq axborotlarni yoritish faoliyatini qayta ko‘rib chiqish, ularni zamonaviy talablar asosida axborot yig‘ish, tahlil qilish va tarqatish jarayoniga ushbu sohadagi ilg‘or tajribalarni tatbiq qilish zaruriyatini yuzaga keltirmoqda.

Dunyo ayvonida tabiiy ofatlar, sanoat korxonalarining atrof-muhit va inson salomatligiga salbiy ta’siri, diniy ekstremizm hamda terrorizm kabi xavfli holatlarni ommaviy axborot vositalari, xususan, matbuotda yoritishda atamalar va janrlarning qo‘llanilishi, bu boradagi mavjud muammolar hamda favqulodda vaziyatlar jurnalistikasining rivojlanish tendentsiyalarini o‘rganish g‘oyatda muhimdir. Shu nuqtai nazardan, matbuot sahifalarida favqulodda vaziyatlar mavzusini yoritish sohasidagi mavjud muammolarni o‘rganish, mavzuni yoritish jarayonida uning aholiga psixologik ta’siri, targ‘ibot-tashviqot tadbirlarining aholi xavfsizlik madaniyatini rivojlantirishdagi ahamiyati, tahririyatlarning favqulodda vaziyatlarga oid axborotlarni to‘plash hamda tarqatish orqali jamiyatda xavfsizlikni ta‘minlashning nazariy va amaliy asoslarini, bu borada rivojlangan horij mamlakatlarida olib borilgan ilmiy-tadqiqotlar, amaliy tajribalar, zamonaviy ilmiy yondashuvlar va usullarni o‘rganish dolzarb ahamiyatga ega.

Muallifdan

I БОБ. ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ЖУРНАЛИСТИКАСИГА КИРИШ

1.1. Фавқулодда вазиятлар тушунчаси, таснифи ва турлари

Режа:

1. Фавқулодда вазиятларга оид тушунчаларнинг моҳияти
2. Фавқулодда вазият тушунчасининг шаклланиш тарихи
3. Фавқулодда вазиятлар ҳақида ахборот узатиш тартиби ва шакллари
4. Фавқулодда вазиятларда оммавий ахборот воситаларининг роли

XXI асрга келиб, дунё мамлакатларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларининг юксалиши, ахборот технологияларининг ривожланиши ва интернетнинг жаҳон микёсида “ўргимчак” тўри каби ёйилиши натижасида жаҳон медиа оламида ахборот тарқатиш билан боғлиқ жараёнлар мисли кўрилмаган даражада оммалашиб кетди. Бу оммавий ахборот воситалари (кейинги ўринларда ОАВ)нинг ахолига ахборотларни етказишида турли воситалардан фойдаланишга кенг имкониятлар яратиб берди. Хусусан, анъанавий воситалар телевидение, радио ва матбуот билан бир қаторда интернет орқали онлайн нашрлар, ижтимоий тармоқлар (Facebook, Twitter, Telegram, Instagram ва бошқалар) орқали дунёда содир бўлаётган воқеа-ходисалар ҳақида ёритиб борилмоқда. Хусусан, ОАВ томонидан жамият ҳаётида содир бўлаётган турли фавқулодда вазият (кейинги ўринларда ФВ)лар билан боғлиқ мавзулар тобора кўпроқ ёритилмоқда.

ФВлар мавзусига оид материалларнинг ОАВда ёритилиши давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш ҳамда аҳолини турли фавқулодда вазиятлардан огоҳ этиш соҳасидаги муҳим омиллардан бири ҳисобланади. ОАВ фаолиятини қузатар эканмиз, улар орқали тарқатиладиган хабарлар ва янгиликлар ичида аҳолини ўзига кўпроқ жалб этадиган мавзулардан бири ФВлар билан боғлиқ ҳодисалардир. Журналистлар томонидан ФВлар мавзусига доир материаллар тайёрлаш жараёнида энг кўп қўлланиладиган тушунчалар ҳақида тўхталиб ўтамиз¹.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва илмий қўлланмаларда асосий қўлланиладиган тушунчалардан бири фавқулодда вазият атамасидир. Ўзбекистон Республикасида 1999 йил 20 августда қабул қилинган “Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасида қуйидагича таъриф берилган: **“фавқулодда вазият — одамлар курбон бўлишига, уларнинг соғлиғи ёки атроф табиий муҳитга зарар етишига, жиддий моддий талафотлар келтириб чиқаришга ҳамда одамларнинг ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли**

¹ Бошқа атамаларнинг тўлиқ тавсифи ўкув қўлланманинг илова қисмида келтирилган.

табиий ходиса, табиий ёки бошқа оғат натижасида муайян ҳудудда юзага келган ҳолат” деб таъриф берилган². Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 октябрдаги “Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида”ги 455-сонли қарорига кўра, ФВ келиб чиқиш сабабларига кўра табиий, техноген ва экологик хусусиятли ФВларга бўлинади (1-жадвал)³.



1-жадвал. Фавқулодда вазиятлар таснифи.

Табиий, техноген ва экологик ФВлар содир бўлганда одамлар сонига, моддий зарарлар миқдорига ва кўламларига (худудлар чегараларига қараб локал, маҳаллий, республика ва трансчегараий турларига бўлинади⁴:

Локал ФВлар - ФВ натижасида 10 дан ортиқ бўлмаган одам жабрланган, ёхуд 100 дан ортиқ бўлмаган одамнинг хаёт фаолияти шароитлари бузилган, ёхуд моддий зарар ФВлар пайдо бўлган кунда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ

² Ўзбекистон Республикаси “Ахолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида Т.: 2010 й. www.Lex.uz

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 октябрдаги “Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида”ги 455-сонли Қарори. www.Lex.uz

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 октябрдаги “Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида”ги 455-сонли қарори. www.Lex.uz

бўлмаган миқдорни ташкил этадиган ҳамда ФВ вазият зонаси ишлаб чиқариш объекти ёки ижтимоий мақсадли объект худуди ташқарисига чиқмайдиган ФВга тегишли бўлади.

Махаллий ФВлар - ФВ натижасида 10 дан ортиқ, бироқ 500 дан кўп бўлмаган одам жабрланган, ёхуд 100 дан ортиқ, бироқ 500 дан кўп бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган, ёхуд моддий зарар ФВ пайдо бўлган кунда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқни, бироқ 0,5 миллион бараваридан кўп эмас, ФВ зонаси аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят ташқарисига чиқмайдиган ФВга тегишли бўлади.

Республика даражасидаги ФВлар - ФВ натижасида 500 дан ортиқ одам жабрланган, ёхуд 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган, ёхуд моддий зарар ФВ пайдо бўлган кунда базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 миллион бараваридан ортиқни ташкил этадиган ҳамда ФВ зонаси вилоят ташқарисига чиқадиган ФВга тегишли бўлади.

Трансчегаравий ФВлар – ФВ оқибатлари мамлакат ташқарисига чиқадиган ёхуд ФВ чет элда юз берган ва Ўзбекистон ҳудудига дахл қиласидан вазиятга тегишли бўлади⁵.

Мамлакатимизда ФВнинг билан келиб чиқиши, унинг содир бўлиши, инсон ва жамият ҳаётига хавф солишидан келиб чиқиб, “ФВ” атамаси ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсақ, ФВларнинг келиб чиқиши, сабаблари ва оқибатлари олимлар томонидан тадқиқ қилиниб, мазкур атамага таърифларни беришган. Хусусан, профессор А.Нигматовнинг фикрича, “ФВ - табиий, антропоген ёки аралаш турдаги воқеа, жараён ва ҳодисалар натижасида технотизимларда кутилмаган тарзда юзага келган салбий ҳолат” сифатида таъриф берган бўлса, ФВларнинг олдини олиш тушунчасини куйидагича изоҳлайди: “Технотизимларда аҳоли ва унинг яшаш муҳитини кутилмаган табиий, антропоген ёки аралаш турдаги воқеа, жараён ва ҳодисалар натижасида юзага келиши мумкин салбий ҳолатлардан сақлаш профилактикасига оид чора-тадбирлар тизими”⁶. А.Нигматов томонидан ФВларнинг тарқалиши куйидагича таснифланган (2-жадвал).

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 27 октябрдаги “Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида” ги 455-сонли қарори. www.Lex.uz

⁶ А.Нигматов, С.Ташпулатов, Ш.Мухамедов, Н.Хасанова. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экологик менежмент. Дарслик.- Т., 2015. Б: 113.



2-жадвал. Фавқулодда вазиятларнинг тарқалиши.

Республикамиздаги яна бир социолог олим Э.Икрамов эса “ФВлар - одамлар курбон бўлиши, уларнинг соғлиғи ёки атроф-муҳитга зарар етиши, жиддий моддий талофатлар келтириб чиқариши ҳамда одамлар ҳаёт фаолияти, турмуш шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса ёки бошқа табиий оғатлар натижасида муайян ҳудудда юзага келган ижтимоий-сиёсий, техноген, экологик ҳолатлар ифодасидир” дея талқин қиласиди⁷. Яъни жамиятда табиий ва техноген ҳодисалар оқибатида инсон ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи ва ўлимга олиб келувчи, шунингдек жамият учун салбий ижтимоий-сиёсий, техноген ва экологик ҳолатларни юзага келтирувчи аспект сифатида баҳолайди.

Илмий адабиётларда ФВ атамаси билан биргаликда экстремал вазият тушунчаси ҳам ишлатилади. Бу атама ҳақида олимлар Т.Турагалов ва З.Ильясова қуйидагиларни таъкидлаб ўтган: “Экстремал вазият - инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид мавжуд бўлган ҳамда бошқа одамлардан ёрдам эҳтимоли чекланган ёки йўқ бўлган вазият (шароит). Бошқача қилиб айтганда, вазиятнинг экстремаллигини инсон ҳали мослашиб улгурмаган ва ушбу шароитларда ҳаракат қилишга тайёр бўлмаган омиллар аниқлаб беради.

⁷ Икрамов Э. “Ижтимоий хавфли ҳолатлар ва фавқулодда вазиятлар шароитида жамоатчилик фикрини шакллантириш ва бошқариш”. Социол.фан.номз... дисс. - Тошкент, 2003. Б. 21.

Экстремаллик даражаси бу омилларнинг кучи, давомийлиги, янгилиги, ноодатий намоён бўлиши билан белгиланади”⁸.

Экстремалликни аниқловчи омиллар сифатида қўйидагилар қаралиши мумкин:

1. Вазиятнинг хавфлилиги, мушкуллиги, янгилиги, масъулиятлилиги билан боғлиқ турли ҳиссий таъсирлар.

2. Зарур ахборотнинг етишмаслиги ёки қарама-карши, яъни ҳақиқатга зид ахборотнинг ўта ортиқчалиги.

3. Ҳаддан ортиқ руҳий, жисмоний, ҳиссий зўриқиши.

4. Нохуш иқлимий шароитларнинг таъсири: жазирама, совук, кислород етишмаслиги ва ҳ.к.

5. Очлик, ташналиқ ҳолатининг мавжудлиги.

Экстремал вазият инсондаги (соғлиқ ёки ҳаётга таҳдид) мавжуд хавфсизликни сезиш туйғусини, ҳаёт маълум бир тартибга мувофиқ ташкил этилганлигини ва унинг назорат қилинишига бўлган ишончни жиддий равишда бузиб юборади, касаллик ҳолати – шикастланиш билан боғлиқ ҳолда ва шикастланишдан кейинги стресс, бошқа невротик ва руҳий касалликларнинг ривожланишига олиб келиши мумкин. Инсон ҳаётида юзага келувчи ҳар қандай вазият руҳшунослар томонидан мураккаб субъектив-объектив воқелик сифатида қаралади. Бундай вазиятларнинг кўплаб таснифлари мавжуд. Мутахассислар бир таснифда оддий, қийин ва экстремал; бошқа таснифда – нейтрал ва низоли вазиятларга бўлишса, учинчи гуруҳ таснифда – кундалик ва муаммоли; тўртинчисида эса – жисмоний хавфли ва номаълумлик вазиятлари; бешинчи гуруҳ таснифда – эркин танланган ва мажбуран қабул қилинган вазиятларга ажратишади.

Ушбу ёндошувлар умумлаштирилса, вазиятларнинг тўртта асосий турини ажратиш мумкин бўлади:

1. Оддий (кундалик), унда шахс учун ҳамма нарса одатий ва меъёрий режимда содир бўлади.

2. Кескин, таранг (хавфли).

3. Мураккаб (фавқулодда).

4. Экстремал, унда шахсга қўйилган талаблар “меъёр” чегарасидан ташқарига чиқиб кетади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида барча турдаги ҳодисалар табиий офатлар, авариялар, ёнғинлар, портлашлар, ҳалокатлар умумий ФВ атамаси билан кўлланилади. ФВлар юқорида келтирилган (*1-жадвал*) таснифга кўра таснифланади. Экстремал вазиятлар тушунчаси миллий қонунчилигимизда кўлланилмаган. Бу атама

⁸ Турагалов Т., Ильясова З. “Фавқулодда вазиятлар” энциклопедик луғат. Т.ФМИ.2016. Б. 120-121.

кўпроқ илмий адабиётларда учрайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, экстремал вазият атамасини, шунингдек бундай вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этишга оид нормаларни “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни ва “Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида” ги қарорга киритиш зарур.

Энди мазкур атамаларнинг хориж мамлакатлари олимлари томонидан ўрганилганлигини тадқиқ қиласиз. Хориж мамлакатларида, жумладан, россиялик олим Р.Айзман ФВ атамаси ҳақида қуидаги фикрларни билдиради: “ФВ - ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган хавфли ҳодисалар мажмуи”. Олим фикрича, ФВларнинг келиб чиқиши “хавфли вазиятлар” сабабли содир бўлади. Хавфли вазиятлар - нохуш омилларнинг йигилиши, унинг мавжуд тизимга таъсири натижасида тизимнинг нормал ишлаши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган ҳамда хавфли омилларни пайдо қиладиган нокулай ҳолат. Барча турдаги ҳодисалар, авариялар, ҳалокатлар ва ФВларнинг юзага келишидан олдин хавфли омиллар тўпланиб боради, хавфли вазиятни юзага келтиради. Тўғри ҳаракатлар ва зарурий ҳимоя чоралари натижасида хавфли вазиятлар бартараф қилиниши мумкин. Хавфли омилларнинг тўпланиши, хавфли вазиятларнинг ривожланиб бориши экстремал вазият ва ФВни келтириб чиқаради (3-жадвал)⁹.

Хавфли омиллар + хавфли омиллар → Хавф → Хавфли вазият → Экстремал вазият → Фавқулодда вазият

3-жадвал. Фавқулодда вазиятнинг пайдо бўлиши.

Олим Р.Айзман томонидан ФВларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва содир бўлиш хавфи билан боғлиқ жараёнлар тўлиқ таърифлаб берилган. Шу билан бирга Р.Айзман томонидан экстремал вазиятлар атамаси ҳам тадқиқ қилинган. Унга кўра “Экстремал вазият – инсонга кучли руҳий-ҳиссий, хавфли ва заарли омиллар сабабли салбий таъсир кўрсатувчи ҳолат. Масалан, ишлаб чиқаришдаги жароҳатлар, ёнғин, портлаш. Ҳорижий адабиётларда эса инсон ўлимига олиб келмайдиган баҳтсиз ҳодиса сифатида тушунилади”¹⁰.

Россиялик олимлар Г.Арапова, С.Кузеванов М.Ледовских ва Б.Пантелеевнинг “Освещение журналистами экстремальных ситуаций”¹¹ номли маълумотнома-луғатда экстремал вазиятлар тушунчасига шундай таъриф беради: Экстремал вазиятлар – ҳаётнинг меъёрдаги оқимига қарама-қарши, кутилмаганда содир бўладиган, аҳоли саломатлигига ва ҳаётига жиддий хавф туғдирадиган турли авариялар,

⁹ Айзман Р. Теоретические основы безопасности жизнедеятельности. Новосибирск: АРТА, 2011. Стр.26-27.

¹⁰ Ўша манба. Б.39.

¹¹ Арапова Г., Кузеванова С., Ледовских М., Пантелеев Б. Освещение журналистами экстремальных ситуаций. Воронеж. «Элист», 2012. С. 8.

табиий офатлар, фожиалар, фалокатлар, ҳарбий тўқнашувлар, террористик актлар, оммавий тартибсизликларга айтилади. Экстремал вазиятлар шартли равища иккига бўлинади:

1. Табиий, техноген характерга эга бўлган экстремал вазиятлар (авариялар, фалокатлар, стихияли оммавий кўриниши ва бошқалар);
2. Инсон омили билан боғлиқ (ҳарбий тўқнашувлар, террористик харакатлар, оммавий тартибсизликлар) экстремал вазиятлар.

Охирги йилларда ФВлар журналистикаси соҳасида тадқиқот олиб борган россиялик тадқиқотчилардан бири А.Мельникова ФВлар ва экстремал вазиятлар атамаларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш жараёнида қуйидаги фикрларни билдиради: Россия Федерацияси журналистикасида экстремал вазиятлар тушунчасини конкретлаштириб, журналистлар табиий ва техноген фавқулодда вазиятлар йўналиши бўйича ўз вазифаларини бажариб келишмоқда. Масалан, Москва давлат университети доцентлари ва ўқитувчилари жамоаси «Журналист в экстремальных ситуациях» (Экстремал вазиятларда журналист) фанининг ўкув дастурининг тузувчилари И.Денисова, М.Крашенинникова, М.Лукин, А.Ширяева ва А.Раскинлар экстремал вазиятлар журналистикасини турли хил экстремал вазиятларда журналистларнинг фаолияти деб кўрсатади. Бундай вазиятларга ҳарбий операция, террористик ҳужумлар, техноген фалокатлар, табиий офатлар, кўча тартибсизликлари, спорт мухлисларининг ижтимоий хатти-харакатлари, шунингдек тинчлик давридаги инқизозли вазият (масалан, оиласиий зўравонлик ҳолати) киради. Бу назарияни ўтказилган таҳлил асосида қуйидагича баён қиласиз: ФВ экстремал вазиятнинг бир тури бўлиб, техноген ва табиий ФВларда журналист ўз касбий фаолиятини амалга ошириш шартларининг ўзига хос намунасидир. Шуларни ҳисобга олган ҳолда биз ФВлар журналистикасини журналистиканинг мустақил йўналиши сифатида таъкидлаш зарурлигини кўрамиз. Унинг доирасида Россия ФВВ матбуот хизмати, идоравий ОАВ мутахассислари, ФВ соҳасидаги идораларнинг журналистик таркиби мустақил равища, ОАВ ва федерал ОАВ билан биргаликда вазирлик фаолиятини, қутқарув ишларининг олиб борилиши ва профилактик ахборотлаштириш ишларини ёритади, шунингдек, ҳодисалар, офатлар ва ФВлар ҳақида шов-шувли репортажларни тезкор тайёрлаш ва уларни маълум бир мақсад асосида жамиятда кескин акс-садо беришини амалга оширади¹². ФВ доимий равища катта қийинчиликлар, хавф билан боғлиқ бўлиб, муҳим қарор қилишни талаб этади.

¹² Мельникова А. Особенности российской журналистики чрезвычайных ситуаций (1986 – 2018 гг.) Диссертация на соискание учёной степени кандидата филологических наук. Москва.Российский университет дружбы народов.2019 г. С.17-18.

ФВлар кутилмаган жиддий вазиятлардан келиб чиқиши мумкин бўлиб, турли шаклларда ёнгин, тошқин, зилзила, авиаҳалокат ва ҳоказолар шаклида бўлиши мумкин.

Россиялик олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда ФВ тушунчаси экстремал вазиятнинг бир тури сифатида кўрсатилган. Чунки ФВ атамаси асосан табиий оғатлар, техноген авариялар, портлашлар ва экологик ҳалокатлар содир бўлишига кўлланилади. Экстремал вазиятларга эса сиёсий ва ижтимоий муаммоли вазиятлар (террористик ҳаракатлар, оммавий норозиликлар, ҳарбий операциялар бошқалар) кириши кўрсатилган. Шунинг учун ҳам россиялик олимлар томонидан ишлаб чиқилган адабиётларда ФВлар экстремал вазиятларнинг бир тури сифатида эътироф этилади.

Америка мутахассислари томонидан ФВнинг бир неча тушунчаси берилган. Биринчиси, ФВ ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида кишилар томонидан белгиланган вазифани бажарилишини хавф остига қўяди. Экстремал ҳолатлар қарор қабул қилиш жараёнларига эмоционал таъсир кўрсатиб, ҳар томонлама “пишилган” хulosаларга келишга халал бериб турди. Экстремал вазиятларнинг ўзигина эмас, балки бундай вазиятни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар ҳам фуқаролар учун кутилмаган бўлади. Иккинчиси, фавқулодда ҳолатларни бошқарув органларининг аҳоли ҳаёт тарзини барқарорлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни бажарилишини хавф остига қўядиган ҳар қандай вазият деб тушуниш. Бундай ҳолатда юксак самара берадиган асосий услуб-илмий асосланган авторитар бошқарув саналади. Учинчиси, фавқулодда ҳолатларни давлат манфаатларига, аҳолининг турли қатламларига, худудларга ва хавфсизлик тизимига хавф туғдириб қуролли кучларни ишга туширилишини талаб этувчи ҳар қандай вазият сифатида талқин этишдан иборат¹³. АҚШлик олим С.М.Фуллер фикрича, “Экстремал вазият – кишиларга салбий жисмоний, ижтимоий-психологик ва моддий таъсир кўрсатадиган ҳолат”дир. Олимнинг фикрича, экстремал вазиятлар табиий ва инсон таъсирида юзага келади¹⁴.

АҚШлик олимлар экстремал вазиятни ФВнинг бир тури сифатида таснифлаган. Мазкур атамалар турлича таърифланган бўлса ҳам, уларнинг маъноси бир-биридан деярли фарқ қилмайди. ФВлар ва экстремал вазиятларни вужудга келтирадиган омилларнинг концептуал тавсифлари орасида мазкур вазиятларнинг таснифи алоҳида ўринга эга.

Ҳозирги замон журналистикасига оид адабиётларда ФВ ва экстремал вазиятларнинг таснифи юзасидан ягона тасаввур мавжуд эмас. Бунинг сабабини икки хил

¹³ Икрамов Э. Ижтимоий хавфли ҳолатлар ва фавқулодда вазиятлар шароитида жамоатчилик фикрини шакллантириш ва бошқариш. Соц.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Ўзбекистон Миллий Университети. Ўзбекистон Миллий Университети. 2003 й. Б.43-44.

¹⁴ Fuller C. Emergency management leadership response to extreme events in higher education settings. University of Phoenix, 2015. P 45.

маънода тушунтиришимиз мумкин: биринчиси, ҳар бир давлат ўз миллий қонунчилиги ва давлат сиёсатидан келиб чиқиб, мазкур атамаларни шакллантирганигидир; иккинчиси, ФВ ва экстремал вазиятлар тўғрисида ягона илмий тушунчанинг йўқлиги, қолаверса, бундай вазиятларнинг содир этилиши ҳодисаларининг бир қолипга солишнинг мураккаблигидир. ФВга оид тушунчалар ҳақида ҳар бир мамлакатнинг ўз қонунчилиги, ФВларнинг турлари ва жамият учун хавфлилигидан келиб чиқиб, тадқиқ қилинган. Таҳлиллар натижасида шуни айтиш мумкинки, экстремал вазият атамаси барча ҳодисаларни ўзида мужассам этган кенг тушунча сифатида қўлланилган бўлса, ФВ тушунчаси айнан давлат ва жамият учун хавф туғдирадиган табиий оғатлар, ёнгинлар, портлашлар, транспорт ва ишлаб чиқаришдаги авариялар, экологик ҳалокатлар каби ҳодисаларни ўз ичига олган атама сифатида қўлланилади.

Давлат ва жамият учун ижтимоий хавфли ҳолатларни келтириб чиқарадиган вазиятлардан бири бу терроризмдир. Терроризм тушунчасига миллий қонунчилигимизда, хусусан, 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунда қуйидагича таъриф берилган: терроризм — сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий обьектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, ҳалқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, ҳалқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, худудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб иғвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар¹⁵. Шу билан бирга бу атаманинг моҳияти ҳақида адабиётларда турли назария ва қарашлар мавжуд. Хусусан, терроризмнинг тарихи ва омиллари ҳақида мамлакатимиз олимлар томонидан бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан сиёсатшунос олим Ш.Фойибназаров террор сўзини қуйидагича таърифлайди: “Террор” - душманни жисмоний зўравонлик йўли билан қўрқитиш, ҳатто уни жисмонан йўқ қилиш, бўлса. “Терроризм” эса террор амалиётидир¹⁶. Файласуф олим А.Очилдиев эса бу ҳақда қуйидаги таърифни беради: “Терроризм - жамиятда бекарорлик келтириб чиқариш, аҳолининг кенг қатламларида ваҳима ва қўрқув уйғотишга қаратилган сиёсий курашнинг

¹⁵Ўзбекистон Республикаси“Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонун. <https://lex.uz/docs/29526>

¹⁶Фойибназаров Ш. Ҳалқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи. – Т.: “Ўзбекистон” 2009. Б.10

ўзига хос усулидир”¹⁷. У яширин (консператив) руҳдаги ташкилотлар томонидан бекарорлик келтириб чиқариш орқали давлат ҳокимиятини эгаллаш мақсадида кўлланилади дейди. Бундан кўриниб турибдики, террор ёки террорчилик сиёсий муаммоларни куч ишлатиш усули билан ҳал қилиш усулидир. Террорчилик харакатининг мақсади ҳокимият, ахоли, ҳорижий давлатлар ва ҳалқаро ташкилотлар вакилларини кўркувга соладиган усуллар воситасида таъсир қилиш йўли билан ҳокимиятни ўзгартиришга ва уни қўлга олишга уринишdir.

Рус олими С.И. Ожегов эса “террор - сиёсий мухолифларга нисбатан жисмонан йўқ қилишга қадар жисмоний зўрлик ишлатишдан бошқа нарса эмас,” деган фикрни илгари сурган¹⁸. Америкалик олимлар В.Маллисон ва С.Маллисон террорчилик жинояти ҳақида сўз юритиб, “террор - бу оммавий ёки сиёсий мақсадларга эришиш учун мунтазам равишида ашаддий зўрлик ишлатиш ва зўрлик ишлатиш билан қўрқитишидир” деб таъкидлайди¹⁹. Швейцариялик олим мутахассис Г.Деникер “терроризм - сиёсий, мафқуравий ёки социал-революцион мақсадлар ҳамда интилишларга эришиш учун ҳукуматларни, ахоли доираларини мунтазам қўрқитиб туриш” деган назарияни илгари суради²⁰.

Терроризмнинг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари ҳақида олимлар томонидан турли фикрлар билдирилган ва уларнинг қарашлари ҳам бир-биридан фарқ қиласи. Яъни ҳар бир мамлакатдаги сиёсий, ҳуқукий ва ижтимоий жараёнлардан келиб чиқсан ҳолда, бу борада ягона назария мавжуд эмас. Бизнинг фикримизча, қонунчилигимизда белгиланган терроризм сўзининг таърифи тўлиқ ўз аксини топган. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, терроризм – давлатга, жамиятга ва бутун инсониятган қарши қўрқитиши, ваҳима уйғотиш ва давлат органларига бўлган ишончни йўқ қилиш орқали ҳокимиятни эгаллаш учун ҳаракат қиласидан уюшган жиноий гурухлар фаолиятидир. Ўзбекистонда 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонуннинг 8-моддасига кўра терроризмга қарши кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти каби

¹⁷ Очилдиев А. (масул мұхаррирлиги остида).Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий- маърифий асослари Ўқув кўлланма - Т.: “Тошкент ислом университети” 2008. Б.103.

¹⁸ Тошлонов Т., Қаюмов Ў., Аъзамхўжаев И. Диний экстремизм ва терроризм: асосий тушунчалар ва таҳдидлар – Т.: “Ижтимоий фикр” 2006. Б.9.

¹⁹ Ражабова М. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг жиноий ҳуқукий муаммолари. (юридик фанлар доктори узвони олиш учун ёзилган диссертация) – Т.: 2002 .Б.119.

²⁰ Фойибназаров Ш. Ҳалқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи. – Т.: “Ўзбекистон” 2009. Б.9.

давлат органлари фаолият олиб боради. Терроризмга қарши курашда иштирок этаётган давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек кўйиш ва унинг оқибатларини минималлаштириш борасида хамкорликда ҳаракат қилишларини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати томонидан амалга оширилади.

Бугунги кунда хукуматимиз терроризм қарши кураш соҳасида шахс, жамият ва давлатни хавфсизлигини таъминлаш, давлатнинг суверенитетини ва худудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни сақлаш учун фаол ички ва ташқи сиёsat юритиб келмоқда. Мамлакатимиз матбуот нашрларини қузатадиган бўлсак, терроризм мавзусига оид кўплаб материаллар чоп этилган.

Ўтилган мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Фавқулодда вазият нима?
2. Фавқулодда вазиятлар қандай пайдо бўлади?
3. Фавқулодда вазиятлар одамларга ва атроф-муҳитга қанақа таъсир кўrsатади?
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра бизнинг минтақада нечта хил ФВ турлари тасдикланган?
5. Табиий тусдаги фавқулодда вазиятларга қанақа турдаги хавфли ҳодисалар киради?
6. Техноген тусдагидаги фавқулодда вазиятларга қанақа турдаги вазиятлар киради?
7. Экологик тусдаги фавқулодда вазиятларга қанақа тусдаги ФВлар киради?
8. Фавқулодда вазиятлар тарқалиш миқёсига кўра нечта гурухга бўлинади?
9. Фавқулодда вазиятлар хавфнинг тарқалиш тезлигига кўра қанақа гурухларга бўлинади?
10. Журналист фавқулодда вазиятларнинг қайси турларини қандай шаклларда ёритади?
11. Фавқулодда вазиятларда оммавий ахборот воситаларининг роли қандай?

Адабиётлар:

- 1. Введение в политологию Пугачев В.П., Соловьев А.И. – М.: Аспект пресс, 1999.**
- 2. Конфликтология А.Я. Анцупов, А.И Шипилов М.: Юнити, 1999.**
- 3. Лукасик А. Психология бизнеса//“Потребитель”, № 13. М., 1999.**

4. Политология (хрестоматия) под ред. М.А. Василика М.: Гардарики, 1999.

5. Психология национальной нетерпимости сост. Ю.В. Черняевская Мин.: Харвест, 1998.

1.2. Замонавий медиада фавқулодда вазиятлар мавзусининг ёритиши

Режа:

1. Медиада фавқулодда вазиятлар мавзуси ёритишишининг хуқуқий асослари
2. Фавқулодда вазиятлар содир бўлган ҳудудлардан журналистик материал тайёрлаш
3. Фавқулодда вазиятлар мавзусини ёритишида ОАВнинг хуқуқ ва эркинликлари

Бугунги кунда ОАВнинг фаолияти халқаро ҳамжамият томонидан қабул қилинган бир қатор меъёрий-хуқуқий хужжатларда, жумладан, “Инсон хуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”, “Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт”²¹, “Халқаро электр алоқа Конвецияси ва Низоми”²², “Радиоэшиттиришлардан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида”ги Женева Конвецияси²³, ЮНЕСКОнинг “Оммавий ахборот воситаларини тинчлик ва халқаро бир-бирини тушунишни мустаҳкамлаш, инсон хуқуқларини ривожлантириш ва ирқчилик, апартеид ҳамда уруш қўзғашга қарши кураш иши ҳиссасига оид асосий тамойиллар тўғрисида”ги Декларацияси²⁴ ва бошқа хужжатларда ОАВнинг хуқуқ ва эркинликлари, вазифалар ҳамда мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Масалан, “Инсон хуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”нинг 19-моддасига кўра “Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш хуқуқига эга: бу хуқуқ ҳеч бир тўсиқсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва ғояларни ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатъий назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади” деб белгилаб қўйилган. Аммо ушбу хужжатнинг 29-моддасида: “Ҳар бир инсон ўз хуқуқи ва эркинликларидан фойдаланишда ўзгаларнинг хуқуқ ва эркинликларини демократик жамиятда етарли даражада бўлишини ҳамда ҳурмат қилинишини таъминлаш, ахлоқ, жамоат тартиби, умум фаровонлигининг одилона талабларини қондириш мақсадидагина қонунда белгиланган чекланишларга риоя этиши керак” деб белгилаб қўйилган²⁵. Бундай чекланишларга бир неча омиллар мезон бўлиши

²¹Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт <https://lex.uz/docs/2640479>

²² Халқаро электр алоқа Конвецияси. <https://lex.uz/docs/350135>

²³https://en.wikipedia.org/International_Convention_concerning_the_Use_of_Broadcasting_in_the_Cause_of_Peace

²⁴ Declaration Fundamental Principles concerning the Contribution of Mass Media to Strengthening Peace and International Understanding, to the promotion of human rights and the fight against racism. <https://www.oas.org/dil/1978>

²⁵ Инсон хуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. <http://constitution.uz/uz/pages/humanrights>

мумкин: улар қонун билан белгиланган бўлиши лозим, улар фақат бошқаларнинг ҳуқук ва эркинликларини лозим даражада тан олиниши, ҳурмат қилиниши ҳамда аҳлоқ, жамоатчилик тартиби ва демократик жамиятдаги умумий фаровонликнинг адолатли талабларини таъминлаш мақсадидагина белгиланиши мумкин²⁶.

Ўзбекистон Республикаси мустақиликка эришгач, мамлакатимиз ОАВ фаолиятининг ҳуқук ва эркинликларини таъминлашнинг пойдевори кўйилди. Хусусан, ОАВнинг фаолияти соҳасидаги ҳалқаро меъёрий-ҳуқук нормалар Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган. Давлат ва жамиятда ОАВнинг фаолияти жараёнида уларнинг ҳуқук ва эркинликлари, журналистларнинг хавфсизлиги ҳамда дахлсизлигини таъминлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий-ижтимоий ислоҳотлар натижасида очиқлик, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, шунингдек, ОАВни ҳақиқий "тўртинчи ҳокимият" сифатида фаолият юритишини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ОАВ фаолиятининг ҳуқук ва эркинликларини таъминлаш соҳасида бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, бош қомусимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XV боби 67-моддасида: "ОАВ эркинdir ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди"²⁷ деб белгилаб қўйилган. Бош қомусимиз асосида Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги "ОАВ тўғрисида" ги қонуни²⁸, мазкур қонуннинг янги таҳрири 2007 йил 15 январ қабул қилинган, 1997 йил 24 апрелдаги "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"²⁹, 2021 йил 26 ноябрдаги "Ноширлик фаолияти тўғрисида"³⁰, 1993 йил 3 сентябрдаги "Матбуот ва ОАВ ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги³¹ қонунлар қабул қилинди. Мамлакатимизда ОАВ фаолиятини демократлаштириш ва эркинлаштириш, уларнинг демократик, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнидаги кенг иштирокини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 ноябрдаги "Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондини ташкил этиш

²⁶ Ҳалқаро ҳуқук. Дарслик.Масъул мухаррир ю.ф.н.проф.Юлдашева Г. //Муаллифлар жамоаси.- Т.:ТДЮУ нашриёти, 2018 й. Б.140-142.

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. [Www.Lex.uz](http://www.lex.uz).

²⁸ Ўзбекистон Республикаси "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ти қонуни. [Www.Lex.uz](http://www.lex.uz).

²⁹ Ўзбекистон Республикаси "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ти қонуни. [Www.Lex.uz](http://www.lex.uz).

³⁰ Ўзбекистон Республикаси "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ти қонуни. [Www.Lex.uz](http://www.lex.uz).

³¹ Ўзбекистон Республикаси "Матбуот ва ОАВ ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ти қонуни. [Www.Lex.uz](http://www.lex.uz).

тўғрисида”ги ПФ-3680-сонли фармони³², Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “ОАВни янада ривожлантириш учун қўшимча солик имтиёzlари ва афзалликлар бериш тўғрисида”ги ПҚ-1672-сон қарори³³, ОАВнинг фаолияти учун максимал даражада қулай шароитлар яратиш, давлат ва жамият ўртасида сифатли мулоқотни йўлга кўйиш, ахолига ислоҳотларнинг мақсади, вазифалари ва натижалари ҳақида тезкор, холис ва тўлиқ ахборот етказиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимиyati органлари фаолияти шаффоғлигини ошириш, шунингдек, уларнинг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ва ахборот хизматлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан яхшилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги “ОАВ мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4366-сонли қарори³⁴ қабул қилинди. Мазкур қарорга мувоғиқ бу соҳада янги тизим яратилди. Хусусан, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш мақсадида ўтган бир йил давомида кўплаб вазирлик ва идораларда ахборот хизматлари замон талаблари асосида қайтадан, 201 та туман ва шаҳар ҳокимликларида эса биринчи марта ташкил этилди. Ана шу хизматлар томонидан ижтимоий жараёнлар ҳақида ишончли ахборот бериш мақсадида, матбуот анжуманлари, брифинглар, медиатурлар ташкил этилмоқда, ҳаётимиздаги муаммо ва ходисаларга тезкор муносабат билдирилмоқда, уларнинг веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар, мобиъл мессенжерлардаги саҳифалари янгилаб борилмоқда. Охирги йилларда мамлакатимизда катта аудиторияга эга бўлган қарийб 290 та хусусий ва идоравий интернет нашрлари ташкил этилди. Улар бошқа материаллар қаторида энг муҳим расмий ахборотлар, норматив-хуқуқий хужжатларни ўзбек, рус ва инглиз тилларида тарқатмоқда³⁵.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси³⁶ни амалга ошириш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг

³² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини кўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-3680-сонли фармони. [Www.Lex.uz](http://www.lex.uz).

³³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ОАВни янада ривожлантириш учун қўшимча солик имтиёzlари ва афзалликлар бериш тўғрисида”ги ПҚ-1672-сонли қарори. [Www.Lex.uz](http://www.lex.uz).

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ОАВ мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4366-сонли қарори. [Www.Lex.uz](http://www.lex.uz).

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табриги. http://uza.uz/oz_26.06.2020.

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон фармони. [Www.Lex.uz](http://www.lex.uz).

қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, улар фаолиятини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, кадрлар салоҳияти ва рақобатбардошлигини янада ошириш, журналистика соҳасини ривожлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-294-сон қарори³⁷ қабул қилинди.

Жаҳон медиа оламида содир бўлаётган жараёнлар, тарқатилаётган хабарларни кузатар эканмиз, ҳозирги кундаги дунёда кечеётган мураккаб шароитда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий мавзулар доирасида ФВ билан боғлиқ долзарб муаммолар юзага чиқмоқда. Айниқса, табиий оғатлар, техноген авариялар ва экологик муаммолар билан боғлиқ ФВлар сонининг кўпайиб бораётганлиги ОАВда ФВлар мавзусига оид материаллар сонининг ошишига олиб келди. Республикаизда ОАВ томонидан ФВ мавзусини ёритиш масалалари қуидаги меъёрий-хуқуқий хужжатлар билан мустахкамланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 17 августдаги “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли ФВдан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг **5-моддасига қўра:** “Давлат ҳокимият ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, шунингдек корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари аҳолининг ва ҳудудларнинг ФВлардан муҳофазаланиш ҳолати ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан кўрилган чоралар ҳакида, олдиндан башорат килинаётган ва рўй берган ФВлар тўғрисида, улардан аҳолини муҳофаза қилишнинг усул ва йўллари ҳакида ОАВ ҳамда бошқа каналлар орқали аҳолини ўз вақтида ва ишончли тарзда хабардор этишлари шарт. Мансабдор шахслар томонидан аҳолини ва ҳудудларни ФВлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ахборотнинг яширилиши, ўз вақтида тақдим этилмаслиги ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этилиши уларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлигига сабаб бўлади” деб белгилаб қўйилган³⁸.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Аҳолини ФВда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 754-сонли қарорининг “Аҳолининг ФВларнинг олдини олиш ва ёнғинлар профилактикаси бўйича тайёргарлигини ошириш ҳамда фаол иштирокини таъминлаш” деб номланган 4 бобнинг 9 бандида “ОАВ орқали ахборот-таҳлилий ва мавзули телекўрсатувлар эфирга узатилади, соҳага оид долзарб

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-294-сон қарори. www.lex.uz.

³⁸ Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 17 августдаги “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни. www.lex.uz.

масалалар бўйича давра сухбатлари ўтказилади, радиоэшиттиришлар узатилади ва мақолалар чоп этилади” деб белгиланган. Каорда ОАВнинг аҳолини ФВлардан муҳофаза қилиш ҳамда ФВ ва фуқаро муҳофазаси бўйича билим ва малакаларини шакллантириш, ривожлантириш соҳасидаги вазифалари кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 августдаги “Ўзбекистон Республикаси ФВДТ янада такомиллаштириш тўғрисида” ги 515-сонли қарорида вазирликлар ва идоралар ҳамда бошқа ташкилотларнинг ФВДТ функционал қуий тизимида аҳолини ва худудларни ФВдан муҳофаза қилиш бўйича Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг қуидаги вазифалари белгилаб қўйилган:

- Радиоэшиттириш станциялари ва телевидение орқали ФВ хавфи ва юзага келганлиги тўғрисидаги ахборотни аҳолига етказиш;
- (ФВДТ) нинг манфаатдор функционал ва худудий қуий тизимлари билан биргаликда аҳоли ўртасида ФВ зонасида қолган одамларнинг биринчи навбатдаги ҳаракатлари тўғрисида тушунтириш ишларини ташкил этиш;
- Ўзбекистон Республикаси ФВВ, ФВДТнинг худудий қуий тизимлари раҳбарлари буюртманомалари бўйича аҳоли ва худудларни ФВлардан муҳофаза қилиш масалаларига оид телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни ташкил этиш;
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти билан биргаликда аҳолини дастлабки тиббий ўзаро ва ўзига ўзи ёрдам кўрсатишга ўқитиши бўйича ихтисослаштирилган эшиттиришларни ташкил этиш³⁹.

Ўзбекистон жаҳон ахборот маконига шиддат билан интеграциялашмоқда. Мамлакат фуқаролари бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти томонидан тўпланган маълумот ва ахборотларни чексиз равишда олиш имкониятига эга. Биз оладиган ва фойдаланадиган ахборотнинг сифати бизнинг ҳаётий танловимизга, ижтимоий-сиёсий фаолиятимизга катта таъсир кўрсатади. Бугун ахборот муҳитидаги ислоҳотлар, матбуот билан ҳамкорлик муносабатларининг устувор жиҳатларини тўғри белгилашга ва ОАВ фаолияти устидан назорат қилишнинг иқтисодий механизmlари, ахборот манбаларининг ёпиқлигини, шунингдек, таҳририятларга ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмалар томонидан бўлаётган маълум даражадаги босимларни бартараф қилишга қаратилган. Шу ўринда парламент томонидан ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг, юртимизда амалга

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги 515-сонли қарори. [Www.Lex.uz](http://www.lex.uz).

оширилаётган ислоҳотларнинг, давлат ички ҳамда ташқи сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлайдиган бир қатор қонунларни қабул қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, 2014 йил 5 май куни республикамизда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ти қонун қабул килинди. Мазкур қонун миллий ахборот маконининг янада шаффоф бўлишига, унинг кенгайишига ҳамда глобал ахборот маконида Ўзбекистон имижининг, миллий контент мазмуни, шакли ва усулларининг бойишига хизмат қилиши шубҳасиз. Сўнгги йигирма йил давомидаги техника ва технологиялар тараққиёти ОАВ, ахборот манбалари ва ахборот етказиб берувчилари (кутубхоналар, архивлар, интернет ва б.) фаолиятининг беқиёс кенгайишига олиб келиб, фуқароларга унинг улкан ҳажмидан фойдаланиш ва алмашиниш имконини яратди. Пировард натижада, фуқаролар ушбу ахборотнинг ишончли эканлигини баҳолаш, ўз фикрини эркин айтиш борасидаги хуқуқларини тўлақонли амалга ошириш имкониятига эга бўлмоқда. Бугунги кунда ахборот технологияларининг юксак даражада ривожланиши натижасида ОАВ жамиятнинг барча қатламларига ахборотларни турли воситалар (телевидение, радио, матбуот, интернет ва ҳоказо) орқали тарқатилаётган бир даврда бу тушунча билан бир қаторда “оммавий коммуникация” тушунчаси ҳам фаол қўлланилмоқда. “Оммавий коммуникация” сўзи ҳозирги замон лисоний жараёнларнинг марказидан жой олган янгича борлиқdir. У миллий тилнинг ҳозирги замондаги модели ҳисобланиб, унда адабий ва ноадабий соҳалар доимий ўзаро таъсиrlашув ҳолатида бўлади. Бундай шароитларда оммавий коммуникация турли тил воситаларининг ўзаро бир-бири билан таъсиrlashiшига имкон берувчи ўзига хос полигонга айланади, деб ҳам бемалол айтиш мумкин. Оммавий коммуникация табиатан сингувчан ва сингдирувчан бўлгани учун ижтимоий аҳамиятли мавзу ва сюжетларни ҳамда ижтимоий баҳолаш маъноларини касб этган лисоний воситаларнинг барчасини ўз ичига олади⁴⁰. Оммавий коммуникация ўз ичига нафақат ахборот тарқатилиши, балки ахборот манбалари ҳамда уларнинг истеъмолчилари ўртасидаги ўзаро алоқаларни, яъни жавоб ахборот алоқасини бериш маъносида қўлланилмоқда. Бунда фуқаролар нафақат ахборот олиш балки жамиятдаги бўлаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий жараёнларга ўз муносабатини билдириш, яъни кенг жамоатчилик фикрининг шаклланиши ва ривожланишига катта таъсиr кўrsатмоқда.

Бугунги кунда республикамизда фаолият юритаётган ОАВнинг ФВлар мавзусини ёритиш борасидаги хуқуқ ва эркинликлари амалдаги меъёрий-хуқуқий хужжатлар асосида таъминланмоқда. Лекин шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, журналистларнинг ФВлар содир бўлган ҳудудларга ҳеч бир

⁴⁰ Бакиева Г, Тешабаева Д. Медиамаконда матн. Монография.-Т.: Turon-Iqbol, 2019. Б.3.

чекловсиз кириб бориши, масъул органлардан маълумот олиши ҳамда журналистик суриштирув ўтказиш борасидаги ҳукуқ ва мажбуриятларини қайтадан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасида ОАВнинг ФВлар мавзуси ёритилишининг ҳукукий асослари ҳақида олимлар Н. Тошпўлатова ва Х.Сайдов қуйидаги фикрларни билдиради: “Ўзбекистон Республикаси ОАВ қонунчилиги журналистларда ФВларда ўз профессионал фаолиятини амалга оширишга имкон яратиб беради. Аммо бу жараёнда журналистларнинг фаолияти аниқ кўрсатиб берилмаган. Факат Ўзбекистон Республикасининг “ОАВ тўғрисида”ги қонунининг “Расмий хабарлар, ахборот ва эълонларни эълон қилиш номли 35 моддаси 2 бандида шундай келтирилиб ўтилади: “ФВ тўғрисидаги шошилинч хабарлар ёки давлатнинг ваколатли органлари томонидан омма эътиборига зудлик билан етказиш мақсадида берилган хабарлар барча ОАВда эълон қилинади” дейилади холос. Яъни бу ерда журналистларга авариявий талофатлар юз берган маҳсус кўриқланувчи жойлардан репортаж олиб узатишлари учун қонуний рухсат берувчи модда қайд этилмаган. Бу эса журналистларнинг ФВ ҳақида ахборот етказишларига тўсқинлик қиласи ёки факатгина журналистларнинг ФВВнинг Матбуот хизмати тарқатган хабарлар билан чекланиб қолишига олиб келади”⁴¹.

Юқоридаги келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, республикамида ОАВнинг ФВлар мавзусини ёритиш борасида ҳукуқ ва эркинликларини таъминлашда “ОАВ тўғрисида” ги қонунга қуйидаги қўшимчаларни киритиш лозим:

- журналистларнинг авариялар ва ФВ зонасига киришга доир ҳукуқ ва эркинликларини таъминлашни тегишли ташкилотларга мажбурият сифатида киритиш;
- авария ва ФВ содир бўлган ҳудудларда тегишли ташкилотлар ахборот хизматлари билан ҳамкорликда иш олиб боришни ташкил этиш масалаларига оид қўшимчалар киритиш;
- авариялар ва ФВ зонасида иш олиб боришга юборилган журналистларнинг ҳаётини муҳофаза қилишнинг кафолатланиши;
- авариялар, ФВ ҳудудида жароҳатланган ёки ҳалок бўлган журналистларнинг ижтимоий муҳофаза масалаларини аниқ белгилаб қўйилиши.

Шу билан бирга ОАВнинг ҳукуқ ва эркинларини таъминланиши борасида қуйида вазифаларни амалга оширишимиз зарур:

⁴¹ Тошпўлатова Н., Сайдов Х. Журналистиканинг ҳукукий асослари. Дарслик. Т.:O`zkitobsavdonashriyoti, 2020. Б.88-89.

Биринчидан, ОАВда берилаётган хабарлар тезкор, шаффоф, очик ва аниқ бўлишини доимий таъминлаш, ахборот эркинлигининг тўлиқ хукуқий таъминланиши, турли хил босимларга йўл қўймаслик.

Иккинчидан, давлат ва нодавлат органлари матбуот хизматлари фаолиятини янада ривожлантириш: ҳар қандай янгилик ва хабарлар матбуот хизматларида биринчи эълон қилиниши зарур.

ОАВ фаолиятини кузатар эканмиз, кўпгина хусусий сайтларда расмий матбуот хизматлари маълумотидан аввал ишончли манбаларга таянган хабарлар етакчилик қилмоқда. Яъни айтмоқчи бўлганимиз, матбуот хизматларидан кўра, сайтларнинг ўз ишончли манбалари фаолроқ кўринмоқда⁴².

Учинчидан, масъул вазирлик ва идоралар матбуот хизматлари билан ОАВ ўртасида доимий ҳамда тизимли ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ҳар бир жамиятда ОАВ жамиятнинг кўзгуси ҳисобланади. Ушбу кўзгуда жамиятнинг ютуқлари билан бирга камчиликлари ҳам акс этиши табиийдир. Шундан келиб чиқиб, жамиятда ОАВ фаолиятида тўлиқ эркинликни таъминлаш, уларнинг хукуқий химояланишини кафолатлаш ҳамда жамиятда содир бўлаётган ҳар бир ҳодисани очик ва шаффоф етказилишини таъминлаш лозим. Бу борада жамиятимизда учраб тураётган мавжуд камчиликларни барчамиз ўз функционал вазифаларимиздан келиб чиқиб, вижданан, ахлоқ-одоб, касб этикаси каби қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга ошириб боришимиз зарур. Шундай экан мамлакатимизда ахборот оламида содир бўлаётган жараёнлар нафақат республикамизда балки, ҳориж мамлакатлари ОАВ томонидан доимо кузатилишига жиддий эътибор берган ҳолда жамиятда ОАВнинг ФВлар мавзусига оид хабарларни ёритиш борасидаги тез-тез кўзга ташланаётган камчиликлар хукуқий жиҳатдан тўлиқ тартибга солиниши лозим. Бу эса мамлакатимизнинг жаҳон ахборот оламидаги имиджининг ошишига хизмат қиласди.

Экстремал журналистика – журналистиканинг соҳаларидан бири бўлиб, унда оммавий ахборот воситаларида нашрлар тайёрлаш учун маълумотлар тўплаш ва таҳлил қилиш бевосита жанговар зоналарда, этник-диний ва бошқа қуролли можароларда, фавқулодда вазиятларда, табиий ва техноген хусусиятга эга бўлган (офатлар) худудларда амалга оширилади. Шу билан бирга, журналистнинг иши унинг касбий бурчини бажараётган вазият, шунингдек, унинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдириши билан мураккаблашади.

⁴² Маматова Я., Сулайманова С. Ўзбекистон медиатаълим тараққиёти йўлида. Ўқув қўлланма. – Т.: Extremum-press, 2015. Б.94.

Ўрганилаётган мавзунинг аҳамияти ва долзарбилигини тушуниш учун професионаллар лекционида ва рус олимларининг тадқиқотларида пайдо бўлган экстремал журналистика деб аталадиган атама доирасига кирувчи муаммолар қаторини ажратиб кўрсатиш керак.

Юқоридаги таърифга мувофиқ, табиий ва техноген оғатларнинг оқибатларини ёритишида журналист фаолиятининг қасбий жиҳатларини ўрганади. Бир қатор манбалар, шу жумладан 2004 йилда ташкил этилган Экстремал вазиятларда журналистика маркази ҳам жиноий журналистикани экстремал деб таснифлайди, аммо уни тергов сифатида таснифлаш тўғрироқ кўринади ва тақдим этилган курсда у ҳисобга олинмайди. Экстремал вазиятлар журналистикаси рус журналистикасида чуқур анъаналарга эга.

Экстремал вазиятлар журналистикаси - бу маҳсус билим, кўникма, маълумот тўплаш, текшириш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг маҳсус усусларини эгаллаш, шунингдек, юзага келадиган таҳдидларни минималлаштириш қобилиятини талаб қиласидан журналистиканинг мустақил соҳаси деган хуносага келишимизга имкон беради.

Ўтилган мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Фавқулодда вазиятларга тааллуқли қанақа хукуқий-меъёрий хужжатлар бор?
2. ОАВда фавқулодда вазият мавзусини ёритишга доир қандай қонунчилик хужжатларини биласиз?
3. Фавқулодда вазиятларда аҳолини ҳимоя қилишнинг қанақа принциплари ва услублари бор?
4. Фавқулодда вазиятларда аҳолини ҳимоя қилишнинг қанақа воситалари бор?
5. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йиил 17 августдаги “Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунида фавқулодда вазият зонаси атамасига қандай таъриф берилган?
6. Фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги ёритилган журналистик материалларни топиб, тадқимот қилинг.
7. Оммавий ахборот воситаларида фавқулодда вазиятлар мавзусининг ёритилишини амалий мисоллар орқали қандай таҳлил қилиш ва баҳолаш мумкин?

1.3. Ўзбекистон фавқулодда вазиятлар журналистикасининг тараққиёти

Режа:

1. Фавқулодда вазият журналистикасининг тарихий аспектлари
2. Ўзбекистон фавқулодда вазият журналистикасининг ривожланиш тенденциялари
3. Фавқулодда вазият ОАВнинг бош мавзуларидан бири сифатида

Ҳамма даврларда жамиятда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисалар ўз даврининг буюк фан намоёндалари томонидан ёзиб қолдирилган манбалар орқали бизгача етиб келган. Хусусан, ўтмишда юз ФВлар ҳақидаги воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотлар, хабарлар ўша даврдаги ёзма ахборот манбаларда кўрсатилган. Ушбу манбаларда мамлакатимиз тарихида рўй берган ФВлар ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган. Бу манбаларни журналистикада публицистик жанрдаги материаллар сифатида баҳолаш мумкин. Ўзбекистон худудида содир бўлган ФВлар ҳақида илк ёзма манбалар Абу Саид Гардизийнинг “Китоби Зайнал-Ахбор” асарида маълумотлар келтирилган. Унда 838-839 йилларда Фарғонада кучли зилзила содир бўлганлиги натижасида кўплаб иморатлар вайронага айланганлиги ҳақида маълумотлар учрайди⁴³.

Улуғ ватандошимиз буюк давлат арбоби, шоир, публицист, тарихчи ва географ Захриддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида ўз отаси Умаршайх Мирзо тўғрисида қуйидаги воқеани баён этадилар: “Бу аснода ғарib воқеа даст берди, мазкур бўлуб эдиким, Аҳси қўргони баланд жар устида воқеъ бўлубдир, иморатлар жар ёқасида эрди. Ушбу тарихда душанба куни рамазон ойининг тўртида Умаршайх Мирзо жардин кабутар ва кабутархона била учуб, шункор бўлди⁴⁴”. Асарда Захриддин Муҳаммад Бобур отаси Умаршайх Мирзонинг Аҳси шаҳрида содир бўлган кўчки ҳодисаси оқибатида ҳалок бўлганлигини батафсил баён қилган.

Муҳаммад Тоҳир ибн Абдул Қосим “Ажойибот Табокат” асарида 1620 йилда Фарғона водийсининг Аҳсикент шаҳрида бўлган кучли зилзила ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Аҳси вилоятида шундай кучли ер қимиrlадики, ҳатто дарёning (Сирдарё) сувлари қирғоқларга урилиб, атрофдаги бутун даштни босиб олди. Қирғоққа чиқариб ташланган балиқлар ўзларини ҳар томонга уриб ҳалок бўлди. Дараҳтлар қулай бошлади. Кучли тебраниш уйларни бир зумда теп-текис қилди ва кўп одамлар ана шу вайроналар тагида қолиб кетди. Бу воқеа 6 ойгача давом этиб, кучли тебранишларнинг сони 70 тага етди”. “Шуниси қизиққи, - деб ёзади бу зилзилани бошидан кечирган тарихчи, - энг даҳшатли тебраниш Аҳси қалъасида бўлди, ундан бир фарсанг (8 км) масофада зилзила кучи деярли сезилмади”. “Аҳси зилзиласи” тўғрисидаги бу маълумот зилзиланинг кучи IX баллга етганлигини ва тебраниш “ўчоги” (Ер силкинишларининг пайдо бўлган жойи зилзила ўчоги ҳисобланади) унча чуқур эмаслигини кўрсатади⁴⁵.

⁴³ Р.Иброҳимов “Солнномалар ҳикояси” Фавқулодда вазиятлар тарихидан: Зилзила. Тўплам/Тузувчилик Абдуллабеков Қ.Н., Ильясова З.Ф. – Т.: ФМИ, 2016. Б.34.

⁴⁴ З.М. Бобур “Бобурнома” Т.Фан, 1978 йил. Б.23.

⁴⁵ Иброҳимов Р. “Солнномалар ҳикояси” Фавқулодда вазиятлар тарихидан: Зилзила. Тўплам/Тузувчилик Абдуллабеков Қ.Н., Ильясова З.Ф. – Т.: ФМИ, 2016. Б.34.

Мұхаммад Ёкуб ибн Мұхаммад Даниалбий ўзининг “Гулшанам-Мулк” қўлёзма асарида 1797-1798 йилда Моварауннаҳрда кучли ер қимирлаш бўлганлиги ҳақида қимматли маълумот келтиради. Бу зилзиладан Самарқанд яқинидаги Ургут қўрғонида ҳамма курилишлар шундай вайронага айланганки, ҳатто яримсир (1600 гр) келадиган бир бўлак девор кесагини ҳам топиш амри маҳол бўлган⁴⁶. Яна бир манбалардан бири – Мұхаммад Ҳакимхон Тўранинг “Мунтахаб ат-Таворих” номли қўлёзма асаридир. Асарда 1822-1823 йилларда Фарғонада содир бўлган кучли зилзила тўғрисида баъзи бир маълумотларни учратиш мумкин. Ер қимирлаш оқибатларининг жонли гувоҳи бўлган муаллиф кўрганларини қўйидагича тасвирлайди: “Бундай даҳшатни асрлар бўйи ҳеч ким кўрмаган ва сезмаган. Иморатлар бузилиб, кўп кишилар харобалар тагида қолиб ҳалок бўлди. Аҳоли қамишлардан капалар ясадб яшади, тоғда эса кўп оиласларни ер ютди. Ер ёрилиб, у жойдан кучли товуш билан қоп-қора буғ отилиб чиқди. Ариқлардаги сув бўлса, гўё қозондагидек қайнаб ҳар томонга тошиб кетди. Тебраниш ва силкинишлар 6 ой давомида бир неча кунлаб қайталаб, такрорланиб турди”⁴⁷.

Журналистика тарихининг ривожланиш тенденцияларини кузатар эканмиз, ОАВ пайдо бўлган даврлардан бошлаб, у жамиятда рўй берадиган воқеа-ходисалар ва мавжуд муаммоларни ёритиб келган. ОАВнинг тарихий ривожланиш босқичларини босиб ўтишда матбуотнинг ўрни бекиёсdir. Бу борада таниқли олим М.Худойқуловнинг қўйидаги фикрлари дикқатга сазовордир: “ОАВнинг вужудга келиш асослари аввало матбуотнинг моҳияти, унинг инсоният жамиятида тутган ғоятда муҳим ўрни билан боғлиқdir. Маълумки, матбуот ижтимоий ҳаётни акс эттириш шаклларидан бири, воқеликни билиш, тадқиқ этиш ва унга қайтадан таъсир этишнинг муҳим воситасидир. Ижтимоий информация йиғиши ва тарқатишдан иборат бўлган улкан функцияни бажарувчи матбуот инсоният тарихида, жамият ҳаётида нақадар муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга эканлигини унинг тараққиёти давомида турли хил қўринишлар касб этганлигига ҳам яққол кўринади”⁴⁸. Ўзбекистон журналистикаси тарихида ФВлар мавзусини ёритиш жараёнларининг бевосита ривожланиши матбуот нашрлари билан боғлиқdir. Бунга мисол сифатида қўйидаги маълумотларни келтириш мумкин: “XIX аср охири – XX бошларида “Туркестанские ведомости” ва “Туркистон вилоятининг газети” да Туркистон ўлкасида содир бўлган ФВлар ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар ёритилган. Газеталарда Туркистон аҳолиси орасида кенг тарқалган касалликлардан бири безгак (малярия) билан касалланганлар ҳақида, улар орасида ўлим ҳолатлари ҳамда уларни даволаш усувлари

⁴⁶ Ўша манба.Б.35.

⁴⁷ Ўша манба.Б.35.

⁴⁸ Худойқулов М.. Журналистикага кириш. Т.:2005 й.Б.60.

тұғрисида батафсил маълумотлар келтириләди⁴⁹. Бу күрсатгич ёз фаслига келиб, янада ошиб кетган. Баъзи вақтларда безгак эпидемияга айланиб, вабо ва ўлат (чума) касалликлари каби кўплаб инсонларнинг ёстигини қуритган. Масалан, Сирдарё вилоятида 1891 йилда 44.004 bemордан 8.908 киши безгак (малярия) билан оғриган⁵⁰. Бундай эпидемиялар ҳақида Туркистон генерал-губернаторлигининг расмий ҳисоботларида янада аниқроқ маълумотлар келтирилган: “1884 йил охирида Еттисувдан Сирдарё вилояти худудига дифтерия касаллиги тарқалиши оқибатида 10 киши шу касаллик билан ўлганлиги, 1885 йил ҳисоботида қайд этилган”⁵¹. “1889-1891 йилларда Жizzах уездиде безгак эпидемияси тарқалган. 1889 йилда шифохонага 16.986 bemор, 1891 йил 30.809 bemор шундай касаллик билан мурожаат қилган”⁵².

“Туркистон ўлкаси матбуотида Тошкентдаги 1892 йилдаги вабо эпидемияси ҳақида қуйидаги хабарлар берилган: Тошкент шаҳрида 1892 йилнинг 7 июнидан 18 августига шифокор назоратига даволанган 669 кишидан 307 bemор вафот этган, бундан ташқари шифокор назоратида 93 bemор бўлган бўлса, шулардан 44 нафари вафот этган, шифокор назоратида бўлмаган 2.412 нафар киши вабодан вафот этган”⁵³. Мамлакатдаги оғир санитар-эпидемиологик ҳолат ҳамда ФВларни бартараф этиш соҳасида етарлича ишлар олиб борилмаган. Шунга қарамай, газеталарда турли касалликлар ва эпидемияларнинг олдини олиш борасидаги мақолалар чоп этиб борилган. Масалан, “Туркестанские ведомости” газетасининг 1893 йил чоп этилган мақоласида императорлик рус техник жамияти Туркистон бўлимининг котиби Н.Габбиннинг маъruzаси асосида тайёрланган мақолада жаҳон тажрибаларидан мисол келтириб, аҳолини сифатли сув билан таъминлаш ҳисобига кўпгина соғлиқни сақлаш борасидаги муаммоларни ҳал қилиш мумкинлиги, сув қувурлари ва канализация қувурлари ўтказилган мамлакатларда аҳоли орасида ўлим миқдори кескин камайганлиги, чунки мазкур давлатларда бу ишга керакли иш деб қаралиши, шу йўл билан одамлар соғлиғи ва ҳаёти сақлаб қолинаётганлиги айтилади. Бунга мисол сифатида Парижда сув фильтрлари ўрнатилганидан кейин ич терлама касали бўйича ўлим ҳолати З баробарга камайганлиги аниқланганлигини кўрсатади⁵⁴. “Матбуот саҳифаларида эпидемиологик ФВларнинг олдини олиш соҳасида амалга оширилган тадбирлар ҳақида ҳам хабарлар берилган. “Шу билан бирга ўша даврдаги Туркистонда

⁴⁹ Ковалевский И. “Борьба с малярией крупного скота в Ташкенте”. Туркестанские ведомости. 1907 г. № 124.

⁵⁰ Гейер М. “От Ташкента до Гавы”. Туркестанские ведомости. 1894 г. № 92;

⁵¹ Ураков Д.Ж. Туркистонда Россия империяси маъмуриятининг расмий ҳисоботлари – тарихий манба сифатида (XIX аср охири – XX аср бошлари). тарих фанлари доктори диссер. автореферати.- Т-2006 й. Б.17.

⁵² Туркестанские ведомости. 1893 г. № 91.

⁵³ Шульгин К. “Холерная эпидемия” в Туркестанском крае в 1892 г. Туркестанские ведомости. 1893 г. № 101

⁵⁴ Габбин Н. “О рациональном водоснабжении г. Ташкента”. Туркестанские ведомости. 1893 г. № 65, 69.

содир бўлган фавқулодда ҳодисалар ёки табиий оғатлардан бири бўлган чигирткаларга қарши кураш бўйича материаллар чоп этилган”⁵⁵.

“XX аср бошида тарихга “Андижон фожиаси” деб муҳрланган Андижон зилзиласи 1902 йил 3 декабрда содир бўлган рўй берган”⁵⁶. “Бу зилзила ҳақида матбуотда кенг маълумотлар ёритилган. Андижонни ер билан яксон қилди. Ҳатто темир йўл изларидаги паровоз ва вагонларни ҳам улоқтириб ташлади, излар бўлса эгилиб-букилиб жойидан кўзғалиб кетди. Ҳатто адирлардаги ер ёрилиб, ундан бир неча дақиқа нефть, газ ва сизот сувлар қум аралаш отилиб турган. Зилзила оқибатида 50.000 киши яшайдиган Андижон бир неча сонияда вайронага айланди ҳамда табиий оғат натижасида маҳаллий аҳолидан 4.570 киши, рус миллатига мансуб аҳолидан 6 киши қурбон бўлди”⁵⁷. “Андижон фожиасини бошидан кечирган шоир Адоий бу воқеани қуйидагича тасвирлайди:

Тебраниб кўп ер, кўнгулга қўйди юз минг доғлар,
Колмади айвони, айвон ром ила равоқлар.
Лоақал қолмади иморат тарихидан ўчоқлар,
Сочиб бошиға надоматдин ҳамма тупроқлар,
Оlamон ёраб на бу, на замон бўлди дариг!

Адоийнинг шеърида келтирилган маълумотлар зилзила кучини аниқлашда катта ёрдам берди. Андижон зилзиласининг кучи IX баллга етган эди”⁵⁸.

“XIX асрнинг 90-йилларида келиб Туркистонда матбуот соҳасида бурилиш юз берди. Бу даврда ўлкада рус тилидаги дастлабки хусусий газеталар пайдо бўла бошлади. Дастлаб Самарқандда, кейин Тошкентда 1890-1907 йилларда чоп этилган “Окраина” газетаси, 1898-1907 йилларда Тошкентда чоп этилган “Русский Туркестан” газеталари шулар жумласидандир. Мазкур газета фаолиятида Н.Ликошин, Н.Хаников ва А.Диваев фаол иштирок этишган. Бу газеталар универсал бўлиб, унинг саҳифалари ўлканинг тарихи, географияси, иқтисодий ҳаёти ва маданий-маърифий масалалари мунтазам ёритиб борилган. 1904 йилда “Ташкентский листок” газетаси чоп этила бошлаган эди, унда телеграммалар, эълонлар ва маҳаллий хроникалар ҳам бериб борилган. Ушбу газета 1906 йилдан “Ташкентский курьер”, 1908 йилдан эса “Туркестанский курьер” номи остида чиққан”⁵⁹. “Мазкур газеталарда Туркистонда безгак (“малярия”) касаллигининг тарқалиши ҳақидаги маълумотлар ёритиб борилган”⁶⁰.

⁵⁵ Нурматов А., Дўстқораев Б., Мўминов Ф., Саидов Х., Тошпўлатова Н., Махсумова Н. Журналистика назарияси тарихи ва тараққиёти. Ж.1:-Т:“Ўзбекистон” НМИУ, 2019 й.Б.139.

⁵⁶Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Ж:1. 2000 й. Б.503.

⁵⁷ Русская мысль.1903. № 6-7.Туркестанский сборник.Т. 438. С.126.

⁵⁸ Абдуллабеков К., Ильясова З.Фавқулодда вазиятлар тарихидан: Зилзила. Т.: ФМИ, 2016. Б. 36-37.

⁵⁹ <https://shosh.uz/xix-asrning-ikkinchi-yarmi-xx-asr-boshlarida-toshkent-matbuoti>.

⁶⁰ Малярия в Ташкенте // Окраина. – 1896. – № 88;

Россиядаги 1905 йилги инқилобий ҳаракатлардан ларзага келган Чор империяси Россияда фуқароларнинг хукуқ ва эркинликлари, сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш тўғрисидаги ҳужжатни қабул қилди. Мана шу сиёсий, ижтимоий вазият Туркистонда миллий матбуот соҳасининг пайдо бўлиши ва ривожланишига туртки бўлди. Ўша вактларда жадидлар томонидан “Тараққий” (1905 й.), “Хуршид” (1906 й.), “Шуҳрат” (1907 й.), “Ойна” (1913 й.), “Самарқанд” (1913 й.), “Садои Туркистон” (1914 й.) ва бошқа бир қанча даврий матбуот нашрлари ташкил қилиниб, фаолият олиб бора бошлади. Мазкур газета ва журналлар ичida айнан ФВлар билан боғлиқ ҳодисалар асосан “Садои Туркистон” газетасида чоп этилган. Масалан, газетанинг 1914 йил 20 майдаги 11-сонида “Пермь шаҳридаги диний мактаб бутхонасида кечки ибодат вактида ўт чиқиб, кўп одамларга зарар етибдур. 27 киши хастахонага солибдурлар, ўлганлар ҳам бор” деган хабар чоп этилган”⁶¹.

Жадидчилар ҳаракатининг буюк намоёндаларидан бири илгор маърифатпарвар, педагог, шоир, таржимон ва публицист Ҳожи Муин томонидан “Ойна” журналининг 1914 йил 33 сонида чоп этилган “Тибб ва ҳифзус-сихҳатда риоятсизлигимиз” номли мақоласида ўша даврда Туркистон шаҳарларидағи санитария-гигиеник шароитнинг ёмонлиги натижасида турли касалликлар ва эпидемияларнинг тарқалиши сабабини кўрсатиб, қуйидаги фикрларни келтиради: “Сув ичармиз ва аниңг микруб (майда курт)лари ва нопоклигига диққат этмаймиз. Ҳолбуки, аксар ховузлардаги сувнинг ярми курт бўлуб, ранг, бўй ва мазаси ҳам тағийир тобгандур. Мундай сувнинг қўб дардларга сабаб бўлиши маълумдур. Бухоро аҳолисининг аксарият ила (дардчил ва ришта) хасталиги мубталоликлари ифлос сувларни ичмоқдан бўлса керак”⁶². Туркистонда совет ҳокимияти (1917-1924 йилларда) ўрнатилгандан кейин октябрь инқилоби вактида ўз фаолиятини тиклаган миллий матбуот нашрлари тўлиқ коммунистик мафкура қоидаларига бўйсундирилди. Ошкоралик, озодлик ва демократик тарзда фаолият олиб боришига ҳаракат қилган нашрларнинг барчаси “ёпилди”. Шундай сиёсий ва иқтисодий оғир вазиятларга қарамасдан миллий матбуотимиз ўша даврда жамиятдаги ижтимоий муаммоларни, хусусан, аҳоли хавфсизлигига хавф солувчи ФВ мавзусини ёритиб борган. Масалан, “Бухоро ахбори” газетаси - Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси хукумати газетаси. 1920 йил сентябрдан - 1923 йил июлгача ўзбек тилида чиқкан. Газета 1923 йил июлда Шўро ҳокимияти томонидан таъқиқланган. Газетага Фитрат, Чўлпон, Сайд Аҳрорий, Зиё Усмоний, Кори Йўлдош ва бошқа жадидчилик намоёндалари

⁶¹ Ҳалимова С. Садои Туркистон” газетаси: тил йўналиши, тил, услуг, ва жанр хусусиятлари. Ф.ф.н дисс. Т.2007 й. Б.24.

⁶² Муин Ҳожи Тибб ва ҳифзус-сихҳатда риоятсизлигимиз. “Ойна” журнали 1914 йил 33-сон. <https://ziyouz.uz>.

муҳаррирлик қилган. 1923-1930 йилларда “Озод Бухоро” номи билан чиқа бошлаган. “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида “аҳоли турмуш даражаси ва ҳаётининг оғир аҳволи, ичимлик суви муаммоси, баҳор ва ёз ойларидаги ўта иссиқ гармселли обҳаво, кишида эса иситиш шароитларининг умуман йўклиги, амирлик даврида соғликни сақлаш тизимининг умуман ривожланмаганлиги сабабли Бухорода вабо, иситма, ришта (тери ости куртлаши), безгак, чечак, бўғма каби касалликлар оқибатида кўплаб эпидемиялар бўлиб турган”⁶³.

СССР ташкил топгач, Ўзбекистонда янги сиёсий йўналишдаги газета ва журналлар чиқа бошлаган. Унинг дастлабки намунаси рус тилида чоп этила бошлаган “Наша газета” эди. У 1917 йил апрелидан то 1919 йилгача шу номда, 1919 йил апрелидан “Известия” номида, 1922 йилдан “Туркестанская правда”, 1924 йилдан эса ҳозиргача “Правда Востока” номида чиқиб келади. Мазкур газетада республикамида содир бўлган ФВ ҳақида хабарлар ёритиб борилган. “Ўзбек тилидаги миллий Совет матбуотининг тўнгичи “Иштироқион” (Коммунист) газетасидир. 1921-1922 йилларда бу газета “Қизил байрок”, 1922-1924 йилларда “Туркистан”, 1924-1964 йилларда “Қизил Ўзбекистон”. 1964-1991 йилларда “Совет Ўзбекистони” номларида нашр этилди. Ўзбекистон ССР ташкил этилгандан сўнг республикада кўплаб янги газета ва журналлар ташкил этилди.

Ўзбекистонда содир бўлган ФВ мавзуси бўйича таҳлилий ва ахборий хабарлар асосан 1966 йилги Тошкент зилзиласи рўй берган даврдан бошланган. Бу давргача республикада йирик кўламдаги ФВ содир бўлмаган. Бундай тенденция деярли республикадаги барча матбуот нашрларида кузатилади. Яъни, 1966 йилгача бўлган даврда республика матбуоти асосан ҳорижда рўй берган табиий ва техноген ФВларни ТАСС ахборот агентлиги манбалари асосида қисқа хабарлар рукнида чоп этган. Хусусан, ““Совет Ўзбекистони” газетасининг 1966 йил 27 апрелдаги 94 (13.356)-сонида “Тошкентдаги зилзила ҳақида” хабарномасида Тошкентда содир бўлган зилзила тафсилотлари ва зилзила оқибатларини бартараф қилиш учун ҳукумат комиссияси тузилганлиги ҳақида қисқача хабар берилган. Газетанинг шу сонида, “Л.Брежнев ва А.Косигин Тошкентда” номли хабар ҳам чоп этилган. Хабарда Тошкентдаги зилзила оқибатларини бартараф этиш комиссия фаолиятини ташкил қилиш учун Ўзбекистонга Москвадан давлат раҳбарлари ташриф этаётганлиги ёритилган”⁶⁴. Ўша даврдаги матбуот нашрларида Тошкент зилзиласини бартараф этиш тадбирлари, Иттифоқ таркибидаги барча мамлакатлардан келган қурилиш ташкилотларининг Тошкентдаги қурилиш ишлари

⁶³ Бухоро ахбори. 89 сон.1922 йил 8 июль. “Вабо касалига қарши”. Бухоро ахбори. 94 сон. 1922 йил 3 август, “Иситма балоси”.. Озод Бухоро 8-сон.1923 йил 6 ноябрь. “Термизда чечак касали”, Озод Бухоро 13-сон.1923 йил 18 ноябрь.”Чечак касали”.

⁶⁴ Совет Ўзбекистони газетаси. № 96 (13.358) 30 апрель 1966 й.

батафсил ёритиб борилган. Аммо зилзила оқибатида ахоли орасидаги курбонлар сони ва етказилган заарлар микдори деярли ёритилмаган.

Республикадаги бошқа матбуот нашрлариға қараганда “Совет Ўзбекистони” газетасида рукнлар сони жиҳатидан устун турган. ФВ мавзусига доир материаллар газетанинг деярли барча сонларида ёритиб борилган. Масалан, газетанинг 1966 йил 15 майдаги 107 (13.369) сонида ТАСС (Телеграфный Агенства Советского Союза) ахборот агентлигининг “Новгородда сув тошқини” мавзусидаги хабари босилиб чиқкан. “Хабарда Россиянинг Новгород шаҳрида ёғингарчилик натижасида Волхов дарёси сувининг сатҳи 7 метрга кўтарилиши оқибатида шаҳарда сув тошқини юзага келганлиги, ишлаб чиқариш обьектлари фаолияти тўхтаб қолганлиги, аҳолини туар жойларига катта зарап етганлиги, лекин ахоли орасида ҳеч ким жабрланмаганлиги, СССР Мудофаа вазирлигининг кўшинлари томонидан қутқарув ва аҳолини эвакуация қилиш ишлари олиб борилаётганлиги ҳақида маълумотлар келтирилади”⁶⁵.

Собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистонда ОАВ фаолияти Коммунистик партиянинг кучли назорати остида бўлган. Телевидение, радио каби матбуот нашрларида ҳам чоп этиладиган ҳар бир мавзу, шу жумладан, ФВлар мавзуси “ғалвирдан” ўтказилган. Фақат республика миқёсида содир бўлган ФВлар ҳақидаги хабарлар эълон қилинган. Локал (объект) ва маҳаллий даражадаги ФВлар тўғрисида хабарлар ОАВда деярли ёритилмаган. Ушбу берилган хабарлар ҳам партия органларининг назорати билан расмий хабарлар сифатида амалга оширилган.

XX асрнинг 90-йилларга келиб, коммунистик тузумнинг инқирозга юз тутишиши натижасида Совет Иттифоқи парчаланиб кетди. Ўзбекистон ўзининг арий орзуси мустақиликка эришди. Ўзбекистон халқи мустақил, хуқуқий демократик жамият қуриш йўлини танлади. Айни шу сиёsat натижасида мамлакатимиз ўзининг арий демократик қадриятлари, миллий мафкураси, қонунчилигига асосланган “Тўртинчи ҳокимият” мақомига эга бўлган ОАВларига эга бўлди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида аҳолини ва худудларнинг ФВлардан муҳофаза қилиш соҳасида янги тизим Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш Давлат тизими (ФВДТ) ташкил қилинди. Мазкур тизимда ОАВ асосий содир бўлаётган ФВларга оид янгиликлар, хабарларни ҳамда профилактик тарғибот тадбирларини ёритувчи асосий институт ҳисобланади. ОАВ фаолиятини кузатар эканмиз, республикамиз ОАВда ФВлар мавзусини ёритиш долзарб ва ривожланиб бораётган соҳалардан бири эканлигига амин бўламиз. Бу борада ОАВ томонидан олиб борилаётган тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтсак, хусусан, телевидение соҳасида “Ўзбекистон”

⁶⁵ Совет Ўзбекистони № 94 (13.358) 27.04. 1966 й.

телеканалининг “Ахборот”, “Ўзбекистон 24” телеканалининг “Ахборот 24” ва “Хабарлар”, “News 24” “Ёшлар” телеканалининг “Янги давр”, “Тошкент” телеканалининг “Янгиликлар 24”, “Севимли” телеканалининг “Замон”, “Менинг юртим” телеканалининг “Марказий студия”, “ЗўрТВ” телеканалининг “Бу кун”, “Маҳалла” телеканалининг “Диёр янгиликлари”, “УзРепорт” телеканалининг “Янгиликлар” ахборот-таҳлилий кўрсатувлари ва худудлардаги барча маҳаллий телеканалларнинг ахборот-таҳлилий янгиликларида, “Ўзбекистон”, “Ўзбекистон 24”, “Маҳалла”, “Ёшлар”, “Ўзбегим таронаси”, “Водий садоси”, “Пойтахт ФМ”, “Наврӯз”, “Орият доно”, “Гранд” ва бошқа радиоканаллар, матбуотда “Халқ сўзи”, “Янги Ўзбекистон”, “Правда востока”, “Ўзбекистон овози”, “Миллий тикланиш”, “XXI аср”, “Хукук” ва бошқа газеталарда, интернет нашрлар “Кун.уз”, “Дарё”, “Хабар.уз”, “Қалампир”, “Газета.уз” ва бошқаларда ФВлар мавзуси кенг ёритилиб борилмоқда.

Республикамизда содир бўлган ФВлар, амалга оширилган куткарув ишлари, профилактик тадбирлар, шу жумладан қўмондонлик-штаб, махсус-тактик ўқув машғулотларининг тафсилотлари бўйича ОАВда кенг ёритиб борилмоқда. 2020 йилда республикамиз ҳудудида юзага келган фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги 250 га яқин ахборотлар вазирлик ва бошқа ахборот манбаларида ёритилди. Жумладан, Ўзбекистон Миллий телерадио-компаниясининг марказий ва вилоят телеканалларида республикамизда содир бўлган ФВ тафсилотлари информацион дастурлар орқали эфирга бериб борилди. Шу билан бирга мазкур телеканалларда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш профилактикасига оид “Инсон хавфсизлигини қўриқлаш”, “Ўзбекистон Гидрометеорология хизмати”, “Сувда хавфсизлик”, “ФВларнинг оқибатларини бартараф этишда суғуртанинг ўрни”, “Табиий газдан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш”, “Ис газидан огоҳ бўлинг!”, “Сувда хавфсизлик қоидалари” мавзуларидаги туркум фильм, кўрсатув ва роликлар оммавий ахборот воситаларида эфирга узатилди. Шу билан бирга соҳада амалга оширилаётган тадбирлар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими бўйича “Ўзбекистон 24 ” каналининг “Халқаро Пресс-клуб” кўрсатувида “Туризмни ривожлантириш”, “Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” ва “Сув объектларини муҳофаза қилиш” мавзуларida ҳамда “Ўзбекистон” каналининг “Муносабат” кўрсатувида “Тошкент шаҳрида экологик мувозанатни барқарорлаштиришда каналларда олиб борилаётган ишлар”, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги”, “Ижтимоий соҳа обьектлари ҳамда аҳоли турар жойларини куз-киш мавсумига тайёрлаш”, “Ис гази билан боғлик фавқулодда вазиятларни олдини олиш”, “Овқатдан заҳарланиш” ва бошқа мавзуларда жами 50 дан ортиқ кўрсатувлар тайёрланиб, ФВВ мутасаддилари билан тўғридан-тўғри эфирлар орқали билан дебатлар ташкил қилиндиди.

Ёш авлодни мард, жасур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида ўтказиладиган “Ёш қутқарувчи” мусобақасининг республика босқичининг тафсилотлари барча марказий ва вилоят телеканаллар ҳамда радиоканаллар орқали эфирга берилди.

2020 йилда ОАВда берилган ФВ мавзусига оид асосий янгиликлар ва хабарларни таҳлил қиласиган бўлсак, жорий йил 27 апрель куни Қашқадарё, Бухоро ва Навоий вилоятларида кучли шамол-ёмғир ҳамда Сирдарё вилоятидаги “Сардоба” сув омборида содир бўлган ФВ тафсилотлари республикамиздаги барча ОАВ томонидан кенг ёритиб борилди. Хусусан, “Ўзбекистон 24” телеканалининг “Ахборот 24” ахборот-таҳлилий қўрсатувининг 2020 йил 28 апрелдаги сонида қуйидаги хабарлар берилди: 2020 йил 27 апрель куни республикамиз ҳудудига кириб келган кучли шамол Бухоро, Навоий, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида аҳоли ҳаёти, инфратузилма тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги экинларига катта зарап етказган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу табиий оғат оқибатларини кўздан кечириш, зарур чора-тадбирларни белгилаш ҳамда аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш мақсадида бугун Бухоро вилоятига жўнаб кетди⁶⁶. 2020 йил 29 апрель куни қўрсатувнинг кечки сонида “Оғатдан кейинги кун...”, “Бухоро вилояти қурилиш масканига айланмоқда” мавзусидаги хабарда Бухоро вилоятида ФВДТ киравчи ташкилотлар томонидан штаб тузилиб, аҳоли турар жойлари, ижтимоий соҳа обьектларида қайта қурилиш ва тиклаш ишларининг ташкил қилинаётганлиги батафсил ёритиб борилди⁶⁷. Бундан ташқари ҳозирги даврда нафақат республикамизда, балки глобал экологик муаммога айланган Орол дengizininинг қуриши билан боғлиқ экологик вазиятни барқарорлаштириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар юзасидан “Ўзбекистон 24” каналининг “Халқаро Пресс-клуб” қўрсатувида, Ўзбекистон каналининг “Муносабат” қўрсатувида тўғридан-тўғри эфирлар оммавий ахборот воситалари орқали узатилди. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига ФВлар ва уларнинг олдини олиш мавзусига бағишлиланган матбуот анжуманлари ташкил этилган.

Бухоро вилоятида содир бўлган кучли шамол билан боғлиқ табиий хусусиятли ФВлар ва уларни бартараф этиш ишларининг олиб борилиши тўлиқ ёритиб борилди. Мазкур воқеадан озгина вақт ўтиб, 2020 йил 1 май куни Сирдарё вилояти “Сардоба” сув омборидаги тўғоннинг бузилиши оқибатида юзага келган ФВ тўғрисида ОАВ томонидан ҳалокатнинг юзага келиш сабаблари, аҳолини хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилиш,

⁶⁶ Ўзбекистон 24” канали “Ахборот 24” ахборот-таҳлилий қўрсатуви. 28.04.2020.

<https://www.youtube.com/watch>.

⁶⁷ “Оғатдан кейинги кун...Бухоро вилояти қурилиш масканига айланмоқда”. Ўзбекистон 24” канали “Ахборот 24” ахборот-таҳлилий қўрсатуви. 29.04.2020 й. www.youtube.com/watch?v=EvHE30NMLxE&t=19s

уларнинг озиқ-овқат, кийим-кечак ва дори-дармон воситалари билан таъминланиши, ФВларни бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ёритиб борилди. ФВнинг келиб чиқиш сабаблари, унинг оқибатлари ва олиб борилаётган қутқарув ҳамда таъмирлаш тиклаш тўғрисида журналистлар жойларга борган ҳолда материаллар тайёрладилар. Мазкур материаллар 2020 йилда ОАВнинг бош мавзуларидан бири сифатида ёритиб борилди. Масалан, “УзРепорт” телеканалининг “Янгиликлар” ахборот-таҳлилий кўрсатуvida Сардоба сув омборидаги техноген ФВ бўйича журналист Ё.Бобожоновнинг ҳодиса жойида тайёрлаган ахборот-таҳлилий репортажи бошқа каналлар томонидан берилган ахборот материалларга қараганда кенг ва объектив ёритилган⁶⁸.

“Ўзбекистон 24” телеканалининг кунлик “Янгиликлар” дастурида Сардебадаги техноген ФВни бартараф этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Сирдарё вилоятига ташрифи тафсилотлари, давлат раҳбарининг хукумат вакиллари ва ҳалқ билан учрашуви, худудда амалга оширилаётган қурилиш бунёдкорлик ишлари ҳамда республикамизнинг барча вилоятларидан Сирдарёга юборилган инсонпарварлик ёрдамининг етказилиши билан боғлиқ материаллар доимий равища бериб борилди. Шу билан бирга мазкур телеканалда журналист Ш.Қудратхўжанинг “Халқаро пресс клуб”нинг Сардоба сув омборидаги авария бўйича “Сардоба-2020:синов, бирдамлик, меҳнат, сифат” мавзусидаги сессиясида Сардоба сув омборининг қурилиши, унинг республика учун аҳамияти, авариянинг келиб чиқиш сабаблари, амалга оширилаётган қутқарув ишлари, инфраструктурани тиклаш бўйича режалаштирилаётган ва амалга ошириши белгиланган вазифалар тўғрисида тегишли давлат органларининг масъул раҳбарлари билан савол-жавобларнинг ташкил қилиниши, нафақат республикамиз, балки хорижий мамлакатлар ОАВ журналистлари ва кенг жамоатчилик учун ҳам очиқ, шаффоф ва объектив маълумотлар берилган ахборот оламидаги катта аҳамиятга эга бўлган сессия бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим⁶⁹.

Республикамиз ҳамда хорижда содир бўлаётган ФВлар тўғрисидаги янгиликлар интернет сайтларидаги ахборот порталларида кенг, батафсил, очиқ ва тезкорлик билан аниқ статистик маълумотлар асосида ёритилмоқда. Мазкур жараёнларни “Кун.уз” сайти фаолиятида кўрадиган бўлсак, “Кун.уз” сайтининг 2020 йил 28 апрелдаги “Бухородаги кучли шамол оқибатида жароҳатланганлар сони 41 кишини ташкил қилмоқда” мавзусидаги мақолада куйидаги аниқ статистик маълумотлар келтирилди: “Бухорода 28

⁶⁸ UZREPORT TV Sardobagi vaziyatni joyidan o'rgandi.02.05.2020 й. <https://www.youtube.com/watch>.

⁶⁹ Ш.Қудратхўжа “Халқаро пресс клуб: “Сардоба-2020:синов, бирдамлик, меҳнат, сифат” мавзусидаги сессия. 16.05.2020 й. <https://uzreport.news/live>

апрелга ўтар кечаси кузатилган кучли шамол оқибатида 41 нафар киши тан жароҳати олган. Бу ҳақда Бухоро вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси маълумотида келтирилган. Шундан, 32 нафарига енгил, 7 нафарига ўрта ва 1 нафар фуқарога оғир тан жароҳати етди, дейилади Бухоро вилояти ҳокимлиги ахборотида. Енгил ва оғир тан жароҳати етган 8 нафар фуқаро тиббиёт муассасасига ётқизилган. 32 нафар фуқарога биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб, уйга жавоб берилди. Дастлабки хабарларда ҳодиса оқибатида камида 30 киши жароҳатланганлиги ва бир киши вафот этгани ҳақида хабар берилди. Шунингдек, етказилган талофатни ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тезкор вилоят штаби тақдим қилган дастлабки маълумотларга қўра, вилоят бўйича жами 5.293 та объектнинг 378.238 кв.метр том қисмida шифер қопламалари, 1.630 кв.метр бино ва деворлари, 15.415 дона эшик ва деразаларига шикаст етди. Бундан ташқари, 82 ҳолатда табиий газ таъминотида, 120 ҳолатда электр энергияси таъминотида узилиш ва авария ҳолатлари қайд қилинди. 450 дона электр темир бетон таянчлари йиқилган бўлса, узилиб ерга тушган симларнинг узунлиги 51 кмни, ишдан чиққан трансформаторлар сони 25 тани ташкил этади. Кучли шамол ва ёғингарчилик оқибатида вилоят бўйича 42.400 дона йирик дарахтлар синиши ва қулаши қайд қилинди. Бинолар остида ва дарахтлар остида қўйилган юридик ва жисмоний шахсларнинг 415 та автотранспортга жиддий зиён етди⁷⁰. Мазкур сайт орқали ФВ оқибатларини бартараф этиш ва издан чиққан ижтимоий инфраструктура объектларидағи амалга оширилаётган тиклаш ва бунёдкорлик ишлари тўғрисида 2020 йил 27 апрелдан – июнь ойига қадар жами 28 та мавзуда материаллар бериб борилди⁷¹. Шунингдек, Kun.uz сайти орқали Сардоба сув омборида содир бўлган техноген хусусиятли ФВнинг келиб чиқиши сабаблари, ФВ содир бўлган вақтда аҳоли ва моддий бойликларнинг эвакуация қилиниши, Ўзбекистон Республикаси ФВДТга кирувчи ташкилотлар, кўнгиллилар томонидан олиб борилган қидирув-қутқарув ишлари, ҳалқаро донор ташкилотлар, ҳорижий мамлакатлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва республикамиз аҳолисининг инсонпарварлик ҳайрия тадбирлари, шунингдек хукуматимиз томонидан ФВлар содир бўлган худудларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, вазирлик ва идоралар томонидан ўтказилган матбуот конференциялар ва брифинглар ҳамда бошқа тадбирлар ҳақида 2020 йил 1 майдан то 2021 йил январь ойига қадар 263 та мақола ва хабарлар жойлаштирилган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда республика ОАВ фаолиятида ФВлар мавзусини ёритиш борасида катта тажриба даврини бошдан ўтказмоқда. Бунга 2020 йилнинг март ойидан бутун дунёда Covid-19

⁷⁰ <https://kun.uz/news/2020/04/28/buxorodagi-kuchli-shamol-oqibatida-jarohatlanganlar-soni-41-kishini-tashkil-qilmoqda>.

⁷¹ <https://kun.uz/news/time/buhoro-viloyatidagi-buron>

пандемиясининг тарқалиши, Ўзбекистоннинг пандемияга қарши кураш тадбирларининг ёритилиши билан бирга Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Сирдарё вилоятларидағи ФВларнинг содир бўлиши ОАВда мазкур мавзуда янгиликлар ва хабарлар сонининг ошиши билан бир каторда профилактик мавзуларга оид материалларнинг ҳам сони ошиши кузатилди. Республика ОАВнинг ФВлар мавзусини ёритишдаги фаолиятида юкорида келтирилган статистик рақамларни таҳлил қиласиган бўлсак, ФВлар мавзусига оид хабарларни тезкорлик билан тарқатишида телевидение, радио, матбуот нашрларига нисбатан интернет сайтларининг ахборот-таҳлилий порталлари илгарилаб кетди. Бунинг асосий сабаби сифатида ахборот таҳлилий порталларда янги хабарларнинг тезлик билан жойлаштирилиб борилиши, шунингдек, интернет фойдаланувчиларининг уяли алоқа воситаларидағи мобиъ иловалар орқали янгилик ва хабарлардан доимий равища хабардор бўлиб боришини кўрсатиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, аҳолининг катта қисми интернет нашрларидан фойдаланмоқда. Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бугунги кунда Ўзбекистонда ОАВ фаолияти жаҳон медиа оламидаги ривожланиш тенденциялари каби жадаллик билан ривожланмоқда.

Аммо республикамиз ОАВда ФВлар мавзусининг ёритилиши соҳасида амалга оширилиш керак бўлган тадбирлар ва айрим камчиликлар ҳам мавжудлигини эътироф этиш зарур. Хусусан, ОАВда Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Миллий медиа майдонимизда замоннинг ўткир талаб ва мезонлари, энг муҳим тенденцияларини очиб бериш, танқидий таҳлил, одамлар кутаётган мавзу ва муаммоларни дадиллик билан ўртага ташлаш ҳали ҳам етакчи ўрин эгалламаётганини айтишга тўғри келади. Афсуски, аксарият ОАВда ижтимоий салмоғи енгил бўлган, ҳисобот ва баландпарвозлик руҳидаги материаллар ҳануз устунлик қилмоқда”⁷². Яъни, ОАВда ҳали барча мавзулардаги каби ФВлар мавзусига оид материалларда ҳам баландпарвоз, расмий ҳисоботлар ҳамон учраб турибди. Соҳадаги муаммоли вазиятларни ёритиш, аҳолини ФВлардан муҳофаза қилиш соҳасида ФВДТ тизимиға кирувчи ташкилотлар ва ОАВ ҳамкорлигидаги тарғибот-ташвиқот ишларининг жамиятимиздаги ижтимоий ахборот таъсири жуда кам сезилмоқда. Жумладан, ОАВ томонидан ФВлар мавзусини ёритиш борасидаги янгиликлар, хабарлар тезкор, шаффоғ ва ўз вақтида етказилиши таъминланмоқда, аммо бу борада таҳлилий кўрсатувларнинг сони етарли даражада эмас. Масалан, ФВлар мавзусига оид таҳлилий кўрсатувлар фақат “Халқаро пресс клуб” сессияси ҳамда “Муносабат” кўрсатувларини ҳисобга олмагандা бошқа телеканалларда деярли ташкил қилинмаганлигини кузатиш мумкин. Телевидение, радио, матбуот ва

⁷² Мирзиёев Ш. “27 июнь - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни” байрамига табриги. 27.06.2020 й. <https://president.uz/uz/>

интернет нашрларида ёритилаётган материаллар янгиликлар ёки расмий ҳисобот шаклида бир хил “қолип”да бўлиб қолмоқда. Аммо шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, республикамиздаги интернет нашрларида бундай бир хиллик нисбатан камроқ, улардаги материаллар таҳлилида ҳам қисман хилма-хиллик кузатилади.

Юқорида келтирилган соҳада кузатилаётган камчиликларни бартараф этишда журналистлар ФВларнинг олдини олиш соҳасидаги меъёрий-хукукий хужжатлар билан танишиб чиқиши, ФВВ Матбуот хизмати ва ОАВ ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш, экстремал ва ФВлар журналистикаси бўйича ўкув курслари ташкил қилиш каби тадбирларни амалга ошириш зарур. Сўнгги уч-тўрт йил ичида биз илгари тасаввур қиломаганимиздек ҳажмда сўз эркинлиги кириб келди. Унинг натижасида бугун биз ОАВ ва ижтимоий тармоқларда мисли кўрилмаган баҳслар, мунозаралар иштирокчиси ва гувоҳи бўлмоқдамиз⁷³.

Мамлакатимизда ОАВнинг хукуқ ва эркинликлари кафолатланаётган бу даврда соҳада фаолият юритаётган журналистлар эски даврлардан қолиб кетган “қолипли” материаллар билан эмас, балки Янги Ўзбекистоннинг янги даврдаги ривожланган ОАВ сифатида фаолият юритиши кераклигини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, юртимизда журналистика соҳаси, шу жумладан, ФВлар журналистикасининг ривожланиши тарихи минг йилдан ортиқ тарихга эга эканлигини тасдиқлайди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Туркистонда матбуот соҳасининг ривожланиши, хусусан, рус матбуотининг Туркистонга кириб келиши билан бир қаторда маҳаллий даврий нашрларнинг пайдо бўлиши, уларнинг тараққий этиши ва унда ФВлар мавзусининг ёритилиши, ўша даврда Россия ва Туркистонда содир бўлган ФВларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ долзарб муаммоларнинг маҳаллий матбуотда ёритилганлигини Ўзбекистон ОАВ тарихидаги муҳим давр сифатида баҳолаш мумкин. Туркистонда маҳаллий халқ учун матбуот нашрларини ташкил этиш, уларнинг ривожлантириш соҳасида жадидчилик намоёндаларининг роли бекиёсdir. Уларнинг мақсади ерли аҳолини маърифатли қилиш, уларни турли ФВлардан муҳофаза қилиш, хусусан, XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Туркистон ўлкасидаги шаҳар ва қишлоқларда оғир эпидемиологик вазият, соғлиқни сақлаш тизимидағи муаммолар, турли эпидемияларнинг тарқалишининг олдини олишга оид долзарб мақолалар орқали аҳолини огоҳ этишга чорлаган.

⁷³ Кудратхўжа Ш. “Бу кунлар ирода ва масъулият синовидир”. “Янги Ўзбекистон” газетаси 2020 йил 4 май 74 (74) сон.

Ўзбек журналистикаси совет мустамлакачилиги даврида Коммунистик партияning кучли цензураси остида бўлишига қарамасдан бир кун ҳам ривожланишдан тўхтагани йўқ. Мустақиллик эришилган даврдан кейинги йиллар давомида мамлакатимизда ОАВнинг фаолияти конституциявий қонунчилик асосида уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ таъминланишига эришилмоқда. Айниқса охирги тўрт-беш йил давомида ОАВнинг ФВ мавзусини ёритишдаги очиқлик, тезкорлик ва шаффоффлик нафақат республикамида, балки жаҳоннинг қўпгина мамлакатлари томонидан Ўзбекистонда ОАВнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида катта ислоҳотлар амалга оширилаётганлиги эътироф этилмоқда⁷⁴.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда ОАВнинг фаолияти ҳар томонлама ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган бўлсада, ФВлар мавзусини ёритишда меъёрий-ҳуқуқий хужжатлардаги “бўшлиқлар”, малакали кадрлар етишмаслиги, тегишли ташкилотлар ҳамда ОАВ ўртасида тизимли ҳамкорликнинг доимий йўлга қўйилмаганлиги натижасида айrim ҳолларда ФВлар билан боғлиқ “фейк” маълумотлар тарқалишига олиб келиши мумкин. Бундай муаммоларни юзага келишининг олдини олишда ОАВнинг фаолиятини бугунги давр талаблари асосида уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгайтириш вазифасини амалга ошириш, шу билан бирга бугунги кунда ахборот комуникация технологияларининг юксак даражада ривожланганлигидан келиб чиқиб, мамлакат ахборот медиа тизимида онлайн нашрлар телевидение, электрон матбуот нашрлари ва уларнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ёритилишига кенг эътибор қаратиш лозим. Жамиятда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, ахолини ФВдан муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсизлик маданиятини ривожлантиришда ОАВнинг роли муҳим аҳамият касб этади. Бу эса жаҳон ОАВнинг тажрибасида ўз аксини топган.

Ўтилган мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Фавқулодда вазият журналистикасининг тарихий аспектлари ҳақида нималарни биласиз?
2. Ўзбекистон фавқулодда вазият журналистикасининг ривожланишига туртки берган?
3. ОАВнинг бош мавзуларидан бири сифатида исталган фавқулодда вазият ҳақида ихтиёрий ахборот тайёрланг

II БОБ. ДАВРИЙ МАТБУОТДА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВА ИЖТИМОИЙ ХАВФСИЗЛИК МАВЗУСИ ЁРИТИЛИШИННИГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

⁷⁴ Aripov E. Uzbekistan’s “System Reset” <https://www.cacianalyst.org/resources/20-04-28>.

2.1. Ҳорижий масс-медиаларда фавқулодда вазиятлар ва уларнинг олдини олиш мавзусини ёритишдаги тажрибаси таҳлили

Режа:

1. Масс-медиада фавқулодда вазиятлар мавзусини ёритишда Хитой, Япония ва Жанубий Корея тажрибаси
2. Россия матбуотида фавқулодда вазиятлар мавзусини акс эттириш тамойиллари
3. Ўзбекистон ОАВда чоп қилинган фавқулодда вазиятларга доир материаллар таҳлили

Дунё мамлакатларининг ОАВ томонидан тарқатилаётган хабарлар ичida ФВлар мавзуси алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки ФВларнинг содир бўлиши, уларнинг оқибатлари, келтирилган заарлар, авария қутқарув ишларини олиб бориш ва бошқа муҳофаза тадбирлари хақида маълумотга эга бўлиш аҳолининг барча қатламлари учун муҳим ҳисобланади.

Ҳозирги кун жаҳон медиа маконида ФВлар мавзуси энг долзарб мавзулардан бири бўлиб, деярли ҳар дақиқада ФВга оид хабарлар дунё бўйлаб тарқатилади. Бу борада ҳориж мамлакатлари ОАВ томонидан ФВлар мавзусини ёритиш соҳасидаги тажрибасини таҳлил қилиб чиқамиз.

“Синхуа” (хитойча 心花.) онлайн газетаси. Бугунги кунда “Синхуа” ахборот агентлигининг “Синхуа” (<http://xinhuanet.com>) онлайн газетаси жаҳон миқёсидаги жуда катта аудиторияга эга бўлган ахборот манбасидир. Газетанинг барча илгор онлайн газеталар каби интернетнинг барча мултимедиавий имкониятларини ўзида мужассам этган. Бунда матн, видео, аудио, графика, турли хил суратлар ва бошқа мултимедиавий элементлар жойлаштирилган. Шу ўринда ҳозирги вақтда ОАВда “мултимедиавийлик” тушунчаси ҳам оммалашиб кетди. Мултимедиавийлик – бу матн, фотосурат, аудио-, видео-, графика, анимация ва бошқа шакллар уйғунлигига тақдим этиш имконияти тушунилади⁷⁵. Шу билан бирга “Синхуа” онлайн газетасида илгор онлайн нашрлардаги каби аудитория билан коммуникативлик ҳам йўлга қўйилган. Газета сахифалари “Жорий тадбирлар сахифаси”, “Ҳалқаро хабарлар”, “Молия”, “Видео”, “Медиа”, “Технология”, “Маданият”, “Соғлиқни сақлаш” каби руқнлардан ташкил топган. Мазкур руқнлар ичida “Жорий тадбирлар сахифаси” руқнида Хитойда содир бўлган ФВлар ва уларнинг бартараф қилинишига оид хабарлар доимий равишда ёритилиб борилади. Масалан, газетанинг Чжоу Юань ва Дай Сюоҳэ исмли муҳбирлари томонидан “Хенанинг барча худудларига ФВ бошқармаси 1.800

⁷⁵ Интернет СМИ:теория и практика.Под редакцией М.Лукиной.М.:Аспект Пресс. 2010 г. С.143.

та ўт ўчирувчини жойлаштирилди” номли мақоласида Хенан провинциясида ёғаётган кучли ёмғир оқибатида рўй берган ФВни бартараф этиш учун ФВлар бошқармасининг 1.800 нафар ўт ўчирувчи ходими жалб қилингандиги ҳамда қутқарув ишларини натижасида 10.000 дан ортиқ одам эвакуация қилингандиги ҳамда қутқарув ишлари давом этастганлигини маълум қилган⁷⁶.

Журналист Лю Хуайпининг “Хенанда 9.3 млн.дан ортиқ киши кучли ёмғирдан жабрланди” номли репортажида Хитойнинг Хенан провинциясида 2021 йил 23-24 июль кунлари содир бўлган кучли ёмғир билан боғлиқ ФВ тафсилотларини, провинция ФВлар департаменти томонидан ўтказилган пресс конференция орқали ёритиб берган. Материалда кучли ёмғир оқибатида провинциядаги 1.370 та шаҳар ва қишлоқлардаги 9.3 млн. киши жабрланганлиги, 58 кишининг ҳалок бўлганлиги, 5 кишининг бедарак йўқолганлиги тўғрисида маълумотлар берилган⁷⁷.

Газетанинг “Халқаро хабарлар” рукнида ҳам ФВлар мавзусига оид материаллар берилган. Жумладан, “Ливанда ўрмон ёнғинлари тарқамоқда” номли хабарда 2021 йил 28 июлда Ливаннынг шимолида жойлашган Акар провинциясида ўрмон ҳудудларининг катта қисмида ёнғин келиб чиққанлиги, унинг шарққа қараб тарқалаётганлигини ҳақида тўхталиб ўтган. ФВни бартараф қилиш учун Ливан армияси ҳарбийлари жалб қилингандиги ёритилган⁷⁸. “Синъхуа” газетасида чоп этилаётган материаллар мавзусининг долзарблиги, мақолаларнинг ёзилиш услуби, фактларнинг аниқлиги, маълумотларнинг тезкор етказилишини таъминлайди. Шу бирга газетага “Хитой фавқулодда ахборот тармоғи” сайти жойлаштирилган бўлиб, сайтга <http://www.emerinfo.cn/> адреси орқали кирилади⁷⁹. Мазкур сайтда Хитойда ҳамда дунёда содир бўлаётган ФВлар тўғрисида маълумотлар матн, аудио, видео, сурат ва графика шаклларида жойлаштирилган. Газетани ўқиган ўқув мазкур сайт билан танишганда Хитой ҳудудида содир бўлиши мумкин бўлган ФВлар прогнозлари, содир бўлган ФВлар ҳақида хабарлар ҳамда ФВлар вақтида тўғри ҳаракатланиш бўйича турли матнли, визуал материаллар жойлаштирилган. Ушбу материаллар аҳолининг хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Синъхуа ахборот агентлигининг Синъхуа Новости (*RUSSIAN.NEWS.CN*) онлайн нашрида ФВлар мавзуси янгиликлар бўлимининг “Ходиса” рукнида бериб борилади. Бу рукнида Хитойда содир бўлган ФВлар тўғрисида хабарлар батафсил бериб борилади. Масалан, 2020 йил 15 ноябрь куни Сянган шаҳрининг Цзюлун (Коулун) туманидаги қўп қаватли турар жой биносида маҳаллий вақт билан соат 20:00да ёнғин келиб чиққан. Ёнғин

⁷⁶ http://www.xinhuanet.com/2021-07/21/c_1127676855.htm

⁷⁷ http://www.xinhuanet.com/politics/2021-07/24/c_1127691137.htm

⁷⁸ http://www.xinhuanet.com/world/2021-07/31/c_1127715958.htm

⁷⁹ <http://www.emerinfo.cn/>

натижасида 7 киши ҳалок бўлди ва 10 дан ортиқ жароҳатланган. Маҳаллий маъмурият раҳбари Линь-Чжэн Юэ ўз чиқишида фожеадан қайғуда эканлигини, ёнғин сабаблари ўрганилаётганлиги ҳамда жароҳатланганларни даволаш учун барча чоралар кўрилаётганлиги хақида хабар берди⁸⁰. Шу билан бирга мазкур нашрнинг “Халқаро панорама” рукни Осиё ва Океания, Европа, Америка ва Африка бўлимларига бўлинган бўлиб, ушбу бўлимда дунёнинг турли ҳудудларидағи сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданият соҳасидаги янгиликлар, шу жумладан, ҳориж мамлакатларида содир бўлаётган ФВлар тўғрисида маълумотлар бериб борилади. Масалан, рукннинг Осиё ва Океания бўлимида “2020 йил 12 ноябрь куни Филиппинда жорий йилдаги 22-тўфон бўлган “Вамко” тўфони оқибатида камида 7 киши ҳалок бўлганлиги хабари берилади⁸¹. Шу билан бирга бугунги кунда дунё миқёсида тарқалаётган COVID-19 пандемияси тўғрисида Осиё, Океания, Европа ва Африка давлатларидағи янгиликлар ҳам берилиб борилади. “Синхуа” ахборот агентлигининг юқорида кўрсатиб ўтилган онлайн газеталарида берилаётган маълумотларнинг кўп тилларда (хитой, араб, инглиз, испан, немис, рус, корейс, француз ва япон) қўлланилиши, мазкур электрон нашрларнинг дунёнинг кўплаб мамлакатларига тарқалиши билан бошқа нашрлардан ажралиб туради.

Иёмиури симбун (японча 読売新聞) — машҳур япон тилида нашр қилинадиган газета бўлиб, Токио, Осака, Фукуоке ва бошқа катта шаҳарларда нашр этилади. Газета кунига икки марта нашр этилади. Дунёдаги энг кўп нашр қилинадиган йирик нашрлардан (13,5 млн. нусха чоп этилади) хисобланади. Ҳозирги вақтда газетанинг босма шакли билан бир қаторда онлайн нашри ҳам фаолият олиб бориб, босма шаклдаги каби ўн бешдан ортиқ рукнлар (“Мулоқот”, “Сиёсат”, “Спорт”, “Иқтисодиёт”, “Ҳорижлик талабаларга”, “Фан-нима”, “Маданият-қўнгилочар саҳифа”, “Сеги”, “Ҳаёт тарзи”, “Хобби”, “Биргаликда ўқиймиз”, “Ҳалокат”, “Империяга оид”, “Янги эра”, “Тиббиёт ва соғлик”) мавжуд. Шу билан бирга газета саҳифаларида долзарб ва энг сўнгги янгиликлар лентаси, фото, графика ва видео қўринишларда акс этиб туради.

Газетада ФВлар мавзусига бағишлиланган саҳифалари “Ҳалокат” рукнига жойлаштирилган. Рукнда Япония ва ҳориж мамлакатларида содир бўлган ФВлар, уларнинг бартараф этилишига оид янгиликлар ва хабарлар ёритиб борилади. Масалан, газетанинг 2020 йил 7 март сонидаги хабарида Кумамото префектурасида кучли ёмғир ёғиши оқибатида сув тошқини юзага келганлиги, тошқин оқибатида 77 киши ҳалок бўлганлиги ва 2 киши бедарак йўқолганлиги хақида хабар берилди. Газетанинг 2021 йил

⁸⁰ <http://russian.news.cn/china/accidents./2020-11/16/> 7 человек погибли в пожаре в жилом доме в Сянгане

⁸¹ <http://russian.news.cn/2020-11/13/> По меньшей мере 7 человек погибли из-за тайфуна "Вамко" на Филиппинах

27 июль сонида Япониянинг Сидзуока Атами туманида тайфун оқибатида сел юзага келиши оқибатида юз берган ФВ тафсилотлари ёритилган. Хабарда ФВ оқибатида 22 киши ҳалок бўлиб, 6 киши бедарак йўқолганлиги ҳамда ФВ ҳудудида эвакуация ишлари амалга оширилганлиги тўғрисида батафсил маълумотлар берилган⁸². Газетада ФВларга оид таҳлилий материаллар бериб борилади. Хусусан, “Буюк Шарқий Япон зилзиласига 10 йил: хронология” номли материалда 2011 йил 11 апрелда содир бўлган ва 3 ойгача давом этган Буюк Шарқий Япон зилзиласи оқибатида катта цунами юзага келиб, ядроий ҳалокатни келтириб чиқарган ФВлар оқибатлари таҳлил қилинган. Таҳлилда ФВлар оқибатида Фукусима префектурасида талофат кўрган ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий инфраструктура ва бошқа обьектларнинг фото ва шарҳлари ҳамда 2011-2021 йиллар давомида ҳар йили ФВларни бартараф этиш соҳасида амалга оширилган ишлар йилма-йил кўрсатиб ўтилган. Ҳозирда Фукусима префектураси қайтадан тўлиқ тикланган. Маълумот ўрнида шуни айтиш мумкинки, Миллий полиция агентлигининг маълумотига кўра, ФВлар натижасида 10.035 киши ҳалок бўлган, 17.430 киши бедарак йўқолган⁸³.

“Иёмиури симбун” онлайн газетасида ФВлардан ахолини муҳофаза қилиш соҳасида зарурий маълумотлар киритилган. Хусусан, газетанинг “Ҳалокат” рукнида ахоли учун 4 мавзудан иборат ФВларга тайёргарлик ва ФВлар вақтида ҳаракат қилиш учун маълумотлар берилган:

- 1. Ҳаёт учун маълумот.** Бу қисм қўйидаги маълумотлардан иборат:
 - **Хавфлар картаси портали.** Япониянинг барча префектуралари бўйича содир бўлиши мумкин бўлган ҳудудлар тўғрисида электрон маълумотлар базаси шакллантирилган.
 - **Хавфлар картасини смартфонларда текшириш.** Смартфон орқали қайси ҳудудда яқин орада қандай хавф мавжудлиги бўйича маълумотларни билишингиз мумкин. Ҳар ФВларнинг хавфи ҳақида аниқ маълумотлар берилган. Яъни Япониянинг тегишли хизматлари томонидан зилзила, сув тошқини, сел, цунами ва бошқа оғатлар бўйича прогноз маълумотларини жойлаштириб боради. Буни ҳар бир фуқаро ўз телефони орқали кузатиб бориши мумкин.
 - **Уйда зилзила бўлганда қандай ҳаракат қилиш зарур, унга қарши курашишнинг + ва – томонлари.** Бунда зилзила хавфи юзага келганда қандай ҳаракат қилиш, зилзила вақтида ва зилзиладан кейин қандай ҳаракат қилиш зарурлиги, ҳаракат қилиш вақтида ижобий ва салбий вазиятлар юзага келиш ҳолатлари тўлиқ тушунтирилган.

⁸² <https://www.yomiuri.co.jp/saigai/>.

⁸³ <https://www.yomiuri.co.jp/shinsai311/history/>

2. Эвакуация олдидан. ФВларга олдиндан тайёргарлик кўриш ва эвакуация тадбирларига тайёргарлик кўриш бўйича маълумотлар берилган:

- **Шахслар эвакуация қилинганда уларга керак бўладиган нарсаларнинг рўйхати.** Бунга З кунлик озиқ-овқат, дори-дармонлар, батарея, фонар, шахсий гигиена воситалари, чойшаб ва бошқа керакли нарсалар киритилган.

3. Табиий оғатлар хавфини камайтириш ҳақида билишингиз керак бўлган маълумотлар.

- **"171" ракамини эслаб қолинг!** Тезкор хабарлар бериш хизмати. Мазкур хизмат қўнғироқ қилиб, улардан тегишли тавсиялар ва ёрдамни олиш мумкин.

4. Буни фақат сиз ўрнатасиз! Табиий оғатлар вақтида уларнинг олдини олиш бўйича 4 та фойдали мобиль илова.

- **1 илова.** *Yahoo*. Табиий оғатлардан огоҳлантириш бўйича бюллетенъ. Бюллетенда табиий оғатлар, уларнинг олдини олиш ва табиий ва техноген ФВлар вақтида тўғри харакатланиш бўйича расм ва матнли маълумотлар берилган.

- **2 илова.** *NHK News & disaster (NHK янгиликлари ва ҳалокат)*. NHK телекорпорацияси об-ҳаво, табиий оғатлар хавфи, ФВлар бўйича пресс-конференциялар ва ФВларга оид барча маълумотларни тарқатади. Бу илова З та жойдан фуқаронинг жойлашуви ҳақидаги маълумотларни рўйхатдан ўтказиши мумкин. Бундан ташқари илова орқали ўғирлик, ҳалокат ҳақида хабарлар, push-хабарномалар ва хабарларни олиш мумкин.

- **3 илова.** *Муниципалитет табиий оғатларни бошқармаси учун илова*. Мазкур иловада ҳар бир худудда ФВлар хавфи туғилганда ва содир бўлганда аҳолини огоҳлантириш, уларга керакли маълумотларни бериш учун мўлжаллаб ишлаб чиқилган. Маълумот ўрнида шуни айтиш керакки, Япониянинг ҳар бир префектураси ўзининг географик жойлашувидан келиб чиқиб, содир бўлиш мумкин бўлган ФВларни олдини олиш ва бартараф этиш борасида аҳолини ФВларга тайёрлаш ишларини маҳаллий ҳокимият томонидан амалга оширилади.

- **4 илова.** *Радико (радио) иловаси*. Радио учун мобиль илова бўлиб, смартфоннинг батарея сарфини тежаган ҳолда маълумот олиш учун мўлжалланган. Батарея сарфини амалга оширмасдан ФВларга оид маълумотлар ва янгиликларни радиодан билиш учун фойдаланилади⁸⁴.

“Иёмиури симбун” онлайн газетаси дунё медиа оламида катта мавқега эга матбуот нашрларидан ҳисобланиб, ФВлар мавзусига оид маълумотларни ёритища журналистиканинг барча жанрларидаги материалларни ёритади. Шу билан бирга ФВларга

⁸⁴ <https://www.bosai-nippon.com/article/1147>

оид материалларни аник, объектив ва тез тарқатиш билан бир қаторда аҳолини ФВлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги тарғибот-ташвиқот ишларини замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда олиб бораётганигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Япония ОАВда ФВларнинг олдини олиш, аҳолининг табиий, техноген хусусиятли ФВларда ҳаракат қилиш бўйича болалар ва катталар учун мўлжалланган видео, турли ўйин кўринишидаги иловалар жойлаштирилган. Бу эса Японияда фуқаролар ҳамда мамлакатга ташриф буюрган сайёҳларнинг хавфсизлик маданияти ошишида катта роль ўйнамоқда.

“Известия” газетаси - Россия медиа оламидаги етакчи газеталаридан ҳисобланади. Газетанинг интернетда ҳам онлайн нашри бўлиб, нашрда 16 та руқн ташкил қилинган. Уларга “Сиёсат”, “Иқтисодиёт”, “Дунё”, “Мамлакат”, “Жамият”, “Ходиса”, “Армия”, “Маданият”, “Стил”, “Авто”, “Фан”, “Спорт”, “Интернет”, “Туризм”, “Кўчмас мулк” ва “Махсус лойиҳа” рукнлари киради. Мазкур рукнлар ичида “Ходиса” рукнида Россия ва ҳориж мамлакатларида содир бўлган ФВлар, баҳтсиз ҳодисалар ва унга қарши кураш масалалари ёритилиб борилади. Масалан, газетанинг 2021 йил 20 январдаги сонида “2020 йилда Иркутск вилоятида ёнғинда 30 бола ҳалок бўлди” номли мақолада Иркутск вилоятида 2020 йил давомида қарийб 7.000 та ёнғин қайд этилган. Бунинг натижасида 30 нафар бола ҳалок бўлган. Мазкур статистика 2021 йил 20 январь куни ФВлар ва ёнғин хавфсизлиги комиссиясининг йиғилишида эълон қилинди. ФВВ маълумотига кўра, 13 та муниципалитетда рўйхатга олинган ёнғинларда болалар ўлими қайд этилган. Содир бўлган ҳар 3 та ёнғинда бир вақтнинг ўзида 4 нафар бола ҳалок бўлмоқда. Курилма ва жиҳозлардан фойдаланиш қоидаларини бузиш 16 нафар вояга етмаган болаларнинг ўлимига сабаб бўлган. Ёнғин билан боғлиқ 4 та ҳолат болаларнинг ўйини оқибатида юз берган. 2020 йилда содир бўлган болалар ўлими ва жароҳатланишлар хавфини камайтириш мақсадида йўл ҳаритаси ишлаб чиқилди. Унга ФВВ, маҳаллий ижро ҳокимият органлари ва ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда бир қатор профилактик чора-тадбирларни ўтказиш кўзда тутилган. Шу билан бирга кўп 6.200 дан ортиқ кўп болали оиласларнинг уй-жойларига ёнғинни эрта аниқлаш жиҳозлари ўрнатиш белгиланди⁸⁵.

Газетанинг 2021 йил 14 июлдаги сонидан “Кримда довул вақтида 4 киши ҳалок бўлди” номли материалда “Ўтган сутка давомида Кримда довул вақтида пляжга чўмилишга келган 4 нафар фуқаро ҳалок бўлди, дея хабар беради Россия Федерацияси Тергов қўмитасининг худудий тергов бошқармаси. Крим ва Севастополь тергов бошқармаси фуқароларга довул вақтида сувга бормасликни, маст ҳолатда сузишни

⁸⁵ <https://iz.ru/1113991/2021-01-20/v-irkutskoi-oblasti-30-detei-pogibli-pri-pozhara-v-2020-godu>

ва болаларни қаровсиз қолдирмасликни тавсия қилган. Бундан аввал “Хавфсизлик учун” ижтимоий ҳаракати раҳбари Д.Курдесов болаларни сув ҳавзаларида фақат кутқарув жилеметларида чўмилтириш зарурлиги бўйича ташаббуси билан ФВВ раҳбари Е.Зиничевга мурожаат қилган. Д.Курдесов мурожаатига кўра, ёз мавсумида сув ҳавзаларида содир бўлаётган ўлим ҳолатлари асосан болалар эканлиги айтиб ўтилган⁸⁶. Рукида нафақат Россиядаги ФВлар, балки ҳориж мамлакатларида содир бўлган ФВлар тўғрисида маълумотлар “Дунё” рукнида ёритилган. Хусусан, газетанинг 2021 йил 2 августдаги сонида “Туркиядаги 125 та ўрмон ёнғини назоратга олинди” мавзусидаги янгилик келтирилган. Унда қуидаги хабарлар берилган: “Сўнгги кунларда 125 та ёнғин назоратга олинган. Анталья, Мугла, Спарта провинциясидаги ёнғин давом этаётган 7 та нуктада, уни ўчириш ишларига 16 та самолёт, 51 та вертолёт, 850 ёнғин ўчириш машиналари ва 5 мингга яқин ходимларимиз жалб қилинган. Биз турли мамлакатлардан, хусусан, Россия Федерацияси, Украина, Озарбайжон, Испания ва Хорватиядан ёрдам олдик, дея маълумот берган Туркия Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги вазири Бекир Пакдемирли”⁸⁷. Шу билан бирга газетада ФВлар мавзусига оид муаммолар ҳам батафсил ёритилган. Хусусан, газетанинг 2021 йил 31 июль кунидаги сонида “Жамият” рукнида А.Осауленконинг “Учаётганларни қутқариш” мавзусидаги таҳлилий мақолада “Нима учун саёҳатчилар экстремал вазиятларда биринчи навбатда ўзларига ишонишлари керак” деган саволни ўртага ташлайди. Муаллиф мақолада “Иқлим ўзгаришлари туфайли табиий ФВ содир бўлиши долзарб муаммо бўлиб қолмоқда, курортларда ёнғин ва сув тошқинлари бўлиши тез-тез рўй бермоқда. Иқлим ўзгариши оқибатида иссиқ, ёнғинлар, сув тошқини ва цунами содир бўлаётганлигини кўриш мумкин. Бу табиий муҳитнинг унга бўлган ташқи таъсир натижасидир” деган фикр билан туризм соҳасида хавфсизликни таъминлаш масалаларига эътибор қаратиб, мамлакатга ташриф буюрадиган сайёҳларнинг турли ФВлардан муҳофаза қилиш тизимининг кўриб чиқиши деган фикрни илгари суради. Чунки ҳар бир мамлакат иқтисодиётига туризм соҳасидан салмоқли ҳисса қўшилишини эътироф этиб, мамлакатга ташриф буюрган ҳар бир сайёҳнинг хавфсизлигини таъминлаш шартдир деб, бу борада сайёҳлик ташкилотлари, мутасадди идораларнинг хуқуқлари, мажбуриятлари ва ваколатларини қонун ишлаб чиқиши орқали тартибга солиш керак деган ғояни илгари суради⁸⁸.

Юқорида келтирилган матбуот нашрларининг барчасида ФВлар мавзусига оид материаллар ёритиб борилади. ОАВда, хусусан, матбуот нашрларида 2020-2021 йилларда

⁸⁶ <https://iz.ru/1192908/2021-07-14/v-krymu-vo-vremia-shtorma-pogibli-chetyre-cheloveka>

⁸⁷ <https://iz.ru/1201410/2021-08-02/v-turcii-125-lesnykh-pozharov-vziali-pod-kontrol>

⁸⁸ <https://iz.ru/1200644/aleksandr-osaulenko/spasenie-uletaiushchikh>

дунё миқёсида иқлим ўзгариши билан боғлиқ юзага келган табиий оғатлар ва уларга қарши кураш бўйича амалга оширилаётган профилактика тадбирлари доимий равища ёритиб борилмоқда. Бугунги кунда жаҳон ахборот медиа оламининг ривожланиш тенденцияларини кузатадиган бўлсак, жаҳон миқёсида атроф-муҳит ифлосланиши, глобал иқлим ўзгариши ва антропоген омиллар натижасида табиий, техноген ва экологик ФВларнинг сони кескин ошиб бораётганлиги, атроф-муҳит билан боғлиқ муаммоларга давлат, жамият ва инсоният эътиборини жалб қилиш, шунингдек, аҳоли хавфсизлик маданиятини ривожлантириш мақсадида, ОАВнинг асоси бўлмиш матбуотда ФВлар мавзусини ёритишга катта эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, XXI асрда жадал кечеётган глобаллашув шароитида 2020 йилда COVID-19 пандемиясининг тарқалиши, унинг олдини олиш ва унга қарши кураш дунё мамлакатлари олдида турган асосий долзарб муаммолардан бири сифатида баҳоланмоқда. COVID-19 инфекциясининг пандемия сифатида тарқалиши оқибатида дунё мамлакатларининг жумладан, юксак иқтисодий ривожланган мамлакатларининг ҳам ушбу ФВга тайёр эмаслигини амалда кўрсатди. 2020-2021 йилларда бутун дунё ва республикамиз ОАВ томонидан тарқатилаётган янгиликлар, шу жумладан, ФВлар мавзусига оид материалларда асосан COVID-19 пандемиясига қарши кураш борасида олиб борилаётган тиббий ва профилактика тадбирлари, жумладан, санитар-гигиена қоидалари, касаллик белгилари, касалликка қарши кураш қоидалари ҳақида аҳолига малакали мутахассислар томонидан тавсиялар берилиши, шунингдек касалликка қарши кураш бўйича вакциналарнинг ишлаб чиқилиши ва аҳолини эмлаш ишларини ташкил қилиш соҳасидаги маълумотлар тўлиқ ёритилмоқда.

Жаҳоннинг йирик матбуот нашрлари фаолияти, уларнинг ФВлар мавзусини ёритиш соҳасидаги тажрибаси ҳақида тўхталиб ўтдик. Республикаизда фаолият юритаётган матбуот нашрларида ҳам юртимизда содир бўлаётган ФВлар, уларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар батафсил ёритиб борилмоқда. Аммо шуни айтиб ўтиш керакки, бугунги кунда интернет ва ижтимоий тармоқлар ахборот тарқатишнинг энг оммабоп ва кенг турига айланиб бормоқда. Дунёда ахборот тарқатиш соҳасидаги ривожланган мамлакатлар газеталарининг онлайн нашрлари катта аудиторияга эга бўлиб, дунё ахборот маконида етакчи ахборот тарқатувчи воситалар мақомига эга бўлмоқдалар. Республикаизда кенг миқёсда фаолият юритадиган, бир неча тилларда Ўзбекистон Республикаси ҳамда ҳорижий мамлакатларда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни, шу жумладан, ФВлар мавзусини ёритувчи нуфузли, давлат расмий ахборот манбаи ва мамлакатдаги матбуот нашрларидан “Янги Ўзбекистон”, “Правда Востока”, “Халқ сўзи” газеталарининг расмий веб-сайтлари фаолият олиб бормоқда. Бугунги кунда

газеталар веб сайтидаги саҳифасида 10 дан ортиқ руқнлар ташкил қилинган. Мазкур расмий веб-сайтлар республика ва Марказий Осиё медиа оламида муносиб ўринга эга бўлган онлайн нашрлардан бирига айланиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб, мазкур нашрларнинг веб-сайтида мавсумий ФВлар, баҳор фаслида сув тошқинлари, сел, кўчкилар, қиши фаслида иситиш мавсумининг бошланиши билан ёнғин, ис газидан заҳарланиш, овқатдан заҳарланиш (ботулизм), ёзда эса чўмилиш мавсумида чўкиш билан боғлиқ ФВлар ва уларнинг олдини олиш бўйича материаллар, шунингдек республикамизга хос бўлган турли ФВларда тўғри харакат қилиш бўйича тавсияларни жойлаштиришнинг ташкиллаштирилиши мақсадга мувофиқдир. Мазкур газеталарда ФВлар профилактикасига оид материаллар бериб борилиши доимий йўлга қўйилса, фуқароларнинг ФВлар вақтида харакат қилиш бўйича билим ва малакасининг ошишига ҳамда хавфсизлик маданиятининг ривожланишига катта ҳисса қўшади. Ушбу газеталарнинг бошқа ахборот манбаларидан кенг аудиторияга эга эканлиги, материалларнинг бир неча тилларда (ўзбек, рус, инглиз, қозоқ ва тожик тиллари) берилишидан келиб чиқиб, газета ўқувчилари сонининг ошишига хизмат қиласди. Бундан ташқари мамлакатимизнинг қадимий бой маданий меросга эга эканлиги, мамлакатимизда туризмнинг жадал ривожланаётганлигини ҳисобга олиб, ФВлар профилактикасида туризм хавфсизлигига ҳам алоҳида эътибор беришимиз шарт. Зеро инсон хавфсизлигини таъминлаш олий қадрият эканлиги Конституциямизда ҳам ўз аксини топган.

Ўтилган мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Хитой, Япония ва Жанубий Корея масс-медиаларида фавқулодда вазиятлар мавзусини ёритишида қандай ўзига хос ёндашувлар мавжуд?
2. Россия матбуотида фавқулодда вазиятлар мавзусини акс эттириш тамойиллари ҳақида нималарни биласиз?
3. Ўзбекистон ОАВда чоп қилинган фавқулодда вазиятларга доир материалларни қиёсий таҳлил қилинг.

2.2. Ўзбекистон матбуоти фавқулодда вазиятлар, уларнинг профилактикаси ҳамда аҳоли хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида

Режа:

1. “Янги Ўзбекистон” газетасида фавқулодда вазиятлар мавзусининг ўрни
2. “Вазият” газетаси Ўзбекистонда фавқулодда вазиятлар мавзусига ихтисослашган асосий матбуот нашри сифатида
3. Фавқулодда вазиятлар журналистикасининг фавқулодда вазиятлар профилактикасидаги аҳамияти

Кишилик жамияти пайдо бўлган даврлардан бошлаб, инсониятнинг ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш муаммолари зарур ва долзарб бўлиб келган. Давлат ва жамиятда хавфсизликни таъминлашга бўлган интилиш қадим аждодларимизнинг ҳамжамиятларга бирлашишга, куч тузилмаларининг (армия, полиция, кўп сонли муҳофаза органлари, жумладан, табиий оғатлардан муҳофазаланиш учун ташкил қилинган органлар) шаклланишига олиб келган.

XX асрнинг охири – XXI асрнинг бошларига келиб жаҳонда сиёсий, ижтимоий, илмий-техника тараққиёти, мураккаб ва мукаммал технологик жараёнлар жадал суръатлар билан ривожланиши кишилик жамиятининг ҳар томонлама ривожланишига катта ҳисса кўшди. Аммо бу ривожланишлар “Табиат-инсон-жамият” тизими олдига турли ФВлар (табиий оғатлар, техноген авариялар, ҳалокатлар) ва салбий ижтимоий ҳолатлар хавфи (терроризм, диний экстремизм ва оммавий тартибсизликлар)ни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Мана шундай хавфлардан яна бири хавфли ишлаб чиқариш обьектларида содир бўлиши мумкин бўлган техноген ҳалокатлардир. Кейинги вақтларда сайёрамизнинг турли бурчакларида содир бўлаётган техноген ФВларни умумлаштириб таҳлил қиласак, уларнинг сони йилдан-йилга ортиб бораётганлигини кўриш мумкин. Бунинг мисоли сифатида дунё миқёсида содир бўлган айrim техноген ФВлар ҳақида тўхталиб ўтамиш: 2009 йил 17 августда Россия Федерациясининг Саяно-Шушенская ГЭСда гидроагрегатнинг бузилиши оқибатида тўғон ёрилиб авария содир бўлган. Авариянинг оқибатида 13 киши жабрланиб, 75 киши ҳалок бўлган. Моддий заарар миқдори 7.338 миллиард рублдан ошган⁸⁹. 2011 йил 11 апрелда Японияда содир бўлган IX баллик зилзила натижасида Фукусима-1 атом электр станциясида портлаш содир бўлди. Зилзила ва портлаш натижасида тахминан 2.000 дан ортиқ одам ҳалок бўлган, 20.000 ортиқ одам бедарак йўқолган. ФВларни бартараф қилиш ва келтирилган моддий заарарлар миқдори 200 миллиард долларни ташкил қиласак⁹⁰. 2015 йил 12 августда Хитойнинг Тяньцзинь шаҳридаги Бинхай порти омборларида сақланаётган кимёвий хавфли моддаларнинг (21 тонна тротил) қуёш нурларининг таъсирида қуриб, қизиши натижасида ўз-ўзидан аланталаниб, портлаш содир бўлган. ФВ оқибатида 165 киши вафот этган, 798 киши жароҳатланган. Моддий заарар миқдори қарийиб 1.1 млрд. долларни ташкил қиласак⁹¹. 2019 йил 24 июнь куни Қозоғистон Республикасининг Арис шаҳридаги ҳарбий қисмда қурол-яроғ омборида портлаш содир бўлган. ФВнинг келиб чиқишига қурол-яроғларнинг хавфсизлик талабларига риоя қилинмаган ҳолда сақланиши сабаб бўлган. Воқеа натижасида 165 киши жабрланган,

⁸⁹<https://ria.ru/> Авария на Саяно-Шушенской ГЭС: экономический ущерб. 05.10.2009 г.

⁹⁰ <https://energoseti.ru/articles/19-krupneyshih-tehnogennyh-katastrof-mira>

⁹¹<https://ria.ru/> Ж.Манукян “Причиной взрыва на складе в Тяньцзине стало нарушение безопасности”. РИА Новости. 05.02.2016 г.

жумладан, 89 киши шифохонага ётқизилган, 3 киши ҳалок бўлган⁹². 2020 йил 4 августда Ливаннинг Байрут шаҳридаги порт омборида 2014 йилда Божхона хизмати томонидан мусодара қилиниб, сақланаётган 2.750 тонна аммиак селитра хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмасдан сакланиши оқибатида портлаш содир бўлган. Портлаш оқибатида 100 дан ортиқ киши вафот этган, 4.000 дан ортиқ киши жароҳатланган. 300.000 киши бошпанасиз қолди. Моддий заарар миқдори тахминан 5 млрд. долларни ташкил қилган⁹³.

Республикамизда содир бўлган ФВларни таҳлил қиласиган бўлсак, сўнгти йилларда техноген ФВларнинг ўсиш тенденциясини кўриш мумкин. Хусусан: 2008 йилнинг 10 июль куни Бухоро вилоятининг Когон шаҳрида Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмда ракета-артиллерия омборида содир бўлган. Ёнғин артиллерия арсеналининг бир қатор портлашларни келтириб чиқарган. Портлаш оқибатида расмий маълумотларга кўра 3 киши ҳалок бўлган ва 20 киши яралаган⁹⁴. 2017 йил 23 февраль куни Фарғона вилоятидаги “Фарғонаазот” АЖ заводи Аммиак цехида мутахассислар томонидан таъмирлаш профилактика ишлари олиб бориш жараёнида меҳнат муҳофазаси ҳамда саноат хавфсизлиги қоидаларининг қўпол равища бузилиши оқибатида портлаш содир бўлган. ФВ натижасида 6 киши ҳалок бўлган ва 12 киши жароҳатланган⁹⁵. 2019 йил 18 декабрь куни Тошкент шаҳри Юнусобод туманида Тошкент метрополитени “Юнусобод” бекати 2-вестибюль курилиш обьектининг ўнг томон хандақ (котлован)и киялик девори (откос)га ўрнатилган темир-бетон мустаҳкамлаш конструкцияси ёмғир сувлари сизиши ва автомобиллар қатновидан ҳосил бўлган тебраниш натижасида ер ўпирилиб, тупроқ ва темир-бетон конструкцияси қулаб тушган. Воқеа жойида олиб борилган тезкор қидирув-қутқарув ишлари натижасида 6 нафар фуқаронинг жасади тупроқ остидан олиб чиқилди ва уларнинг шахсига аниқлик киритилди⁹⁶. Сирдарё вилоятидаги Сардоба сув омбори тўғонининг 2020 йилнинг 1 май куни бир қисми ўпирилиб тушган. Натижада 4 киши вафот этган, 1 киши бедарак йўқолган сув тошқини остида юзга яқин кўп қаватли уйлар қолган, 90 минг одам эвакуация қилинган⁹⁷.

Юқоридаги келтирилган маълумотларни таҳлил қиласиган бўлсак, дунё мамлакатларида, шу жумладан, республикамизда ҳам содир бўлаётган техноген ФВлар содир бўлишининг асосий сабаби мамлакатимизда яшаётган фуқаролар, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳа обьектларида фаолият юритаётган раҳбарлар ва

⁹² <https://ru.sputnik.kz/infographics/> Взрывы в Арыси: последние данные. 24.06.2019.

⁹³ <https://www.kommersant.ru/doc/> “Бейрут плачет”. 5.08.2020 г.

⁹⁴ <https://www.bbc.com/uzbek/news/story/2008/07/11>. Когон портлашлари гувоҳлари нима дейишмоқда.

⁹⁵ <https://kun.uz/news/2017/02/24/Farg'onadagi> portlash oqibatida halok bo'lganlar va jarohatlanganlar soni ma'lum.

⁹⁶ https://uzreport.news/society/uzreport_tv_lavhasi/2019/12/19/_Yunusoboddagi metro qurilishida ro'y bergan bahtsiz hodisa

⁹⁷ <https://kun.uz/news/2020/05/05/sardobadagi-suv-toshqini-oqibatida-4-kishi-halok-bolib-bir-kishi-bedarak-yo'qolgan>.

ходимлар томонидан турли сабабларга кўра (қоидаларни билмаслик, совуққонлик, лоқайдлик) ҳаётий фаолият хавфсизлиги ва фуқаро муҳофазаси бўйича ишлаб чиқилган қоидаларга риоя қилмаслик оқибатида келиб чиқмоқда. Яъни содир бўлаётган ФВлар келиб чиқишининг асосий сабаби инсон омили бўлиб қолмоқда.

Дунёнинг турли мамлакатларидағи катта кўламдаги табиий оғатлар ва ҳалокатларнинг (зилзила, цunami, сув тошқини ва х.к.) оқибатларини бартараф этиш тажрибасига кўра, уларнинг оқибатларини юмшатишнинг ягона ечими – бу аҳолининг ФВларда ҳаракат қилиш тайёргарлигини оширишdir. Буларнинг барчаси кундалик фавқулодда ҳодисаларга ҳам боғлиқ. Кўп ҳолатларда, жабрланганларга биринчи ёрдам бевосита яқин атрофидаги шахслар томонидан кўрсатилади. Шунинг учун ҳам, ФВларда инсонлар ўзига ва ўзгага биринчи ёрдамни кўрсата билиш кўнікмаларини ҳосил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, дунёнинг энг фаол сейсмик ҳудудида жойлашган Япония давлатида деярли ҳар куни зилзила содир бўлади. Японияликлар зилзила оқибатида эмас, балки зилзила вактида аҳолининг нотўғри ҳаракатлари қурбонлар сонининг ошишига сабаб бўлишини амалда исботлаган. Шунинг учун ҳам Японияда зилзила вақтида аҳолининг ҳаракатланиши бўйича ҳар йили 1 сентябрь куни (1923 йил 1 сентябрь куни Жанубий Канто вилоятини (Токио ва Йокогама шаҳарлари) магнитудаси 8,4 бўлган зилзила қамраб олди. Ушбу зилзиладан сўнг энг катта вайроналикка учраган ҳудуд номидан келиб чиқиб “Буюк Канто зилзиласи” деб номлаганлар. Зилзила натижасида 142.807 одам ҳалок бўлган, 254.000 уйни батамом ёки қисман вайрон қилди⁹⁸) зилзиладан муҳофазаланиш бўйича ўқув машқлари ўтказилиб, зилзила қурбонларини хотирлаш ва назарий билимларни текшириш мақсадида амалга оширилади. Аҳоли ўзини кутқариш, ўзаро бир-бирини кутқариш, ўзгани кутқариш йўналишлари бўйича жисмоний ва психологик жиҳатдан тайёрланади⁹⁹. Бунда, ОАВ, хусусан даврий нашрлардан асосий восита сифатида фойдаланилиб, асосий эътибор фуқароларни ФВда тўғри ҳаракат қилишга ўрганишга қаратилган. Ҳар куни соат 06:00-09:00 оралиғида Япония телеканаллари орқали зилзила, ёнғин, цunami, йўл транспорт ҳодисаси хавфини, табиатга нисбатан муносабатни эслатувчи ва уларда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини ўргатиш мазмунидаги мультфильм, бадиий фильм, ўйинлар, машғулотлар намойиш этиб борилади¹⁰⁰.

⁹⁸Фавқулодда вазиятлар тарихидан: Зилзила. Тўплам/Тузувчи-муаллифлар К.Н.Абдуллабеков, З.Ф. Ильясова Т.: ФМИ кичик босмахонаси, 2016. Б.36.

⁹⁹ <https://edo-tokyo.livejournal.com/2016/16/09/> Первого сентября в Японии проходят учения на случай стихийного бедствия.

¹⁰⁰ <https://www.nhk.or.jp/nhkworld/ru/>

Ўзбекистон Республикаси ҳам Марказий Осиёдаги сейсмик фаол ҳудудлардан ҳисобланади. Республикаиз ҳудудида содир бўлган зилзилалар ҳақида тўхталиб ўтсак, 1209 йили Хоразмда, 1602 йил, 1821 йиллари Фарғонада, 1902 йили Андижонда ва 1907 йили Қоратоғда кузатилган. Тошкент воҳаси ҳам кучли зилзилаларнинг бир неча марта гувоҳи бўлган. Бундай даҳшатли офат икки марта - 1868 ва 1966 йилларда юз берган. Тошкентдаги 1966 йилги зилзилага қадар 100 йил мобайнида Тошкент воҳасида тўртта кучли зилзила – Тошкент (1868, 1886), Бурчмулла (1959) ва Кўштепа (1965), зилзилалари бўлиб ўтган.

Марказий Осиё минтақасида давом этаётган сейсмик фаоллашув ҳисобига, мамлакатимизда сўнгги йилларда аҳолини зилзила билан боғлиқ ФВда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш борасида зарурий меъёрий-хукуқий ҳужжатлар, мақсадли давлат дастурлари қабул қилинган бўлиб, қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, аҳолининг барча қатламини зилзила билан боғлиқ ФВда ҳаракат қилишга тайёрлаш тадбирлари мунтазам амалга ошириб келинмоқда. Жумладан:

- Мактабгача таълим ва умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган зилзила хавфи бўлганда ва юз берганда тўғри ҳаракат қилишни тарғиб этувчи “Зилзила” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилиб, чоп этилган;

- ўрта маҳсус, профессионал ва олий таълим муассасалари ўқувчиларини ва талабаларига “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” фани доирасида “Зилзилада тўғри ҳаракат қилиш” мавзуси ўргатиб келинмоқда;

- Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси каналларида масъул вазирликлар ва идоралар вакилларини жалб этган ҳолда маҳсус интервью ва кўрсатувлар ташкил этилиб, эфирга узатиб келинмоқда;

- Республика газета ва журналларида “Фавқулодда вазиятлар вазирлиги хабар беради”, “Фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланиш”, “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” ва шу каби руқнлар ташкил этилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда нашр этиладиган “Янги Ўзбекистон”, “Ўзбекистон овози”, “Халқ сўзи”, “Правда востока”, “XXI аср”, “Вазият”, “Постда” ва бошқа газеталарда ФВ мавзусига бағишлиланган кўплаб материаллар чоп этилмоқда. Масалан, “Янги Ўзбекистон” газетасининг 2020 йил 29 апрелдаги 69-сонида чоп этилган “Президент ташрифи одамларнинг рухини кўтарди”¹⁰¹ мавзусидаги мақолада 2020 йил 27 апрель куни Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Самарқанд вилоятларида юз берган кучли шамол билан боғлиқ ФВ юз берган ҳудудларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ташрифи, табиий офат оқибатларини бартараф этиш учун зарур чора-

¹⁰¹ “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2020 йил 29 апрель

тадбирлар белгилаши ҳамда аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш мақсадида 28 апрель куни Бухоро вилоятига ташрифи батафсил ёритилган. Газетанинг 2020 йил 3 майдаги 73-сони Сирдарё вилояти Сардоба сув омборидаги техноген ФВнинг содир бўлиши, қутқарув ва тиклаш ишларининг ташкил килиниши каби мавзулар газетанинг асосий сахифаларини эгаллаган. “Газетанинг ушбу сонидаги бош сахифаларда “Фавқулодда ҳодиса оқибатларини бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланди”, “Ўзбекистон Президентининг Қозоғистон Президенти билан телефон орқали мулоқоти тўғрисида”, “Синовли кунларда” рукнида Журналистлар уюшмасининг раиси С.Хакимовнинг “Халқимиз бу оғир кунларни енгиб ўтади”, Ўзбекистон мусулмонлар идораси бошлиғи ўринбосари И.Иномовнинг “Бирлашган эл қудратли бўлади”, журналист Х.Каримовнинг “Биз биргаликда енгиб ўтамиз”, Олий сенат аъзолари Г.Аннақиличованинг “Машаққатлар олдида ҳеч қачон чекинмаганмиз” ва Ф.Тошевнинг “Сардобаликлар – биродарларимиз, биз уларга доимо елкадошмиз!”, нафақадаги фуқаро Д.Турдимуротованинг “Тушкунликка асло тушганимиз йўқ” каби мақолалари Сардоба тумани аҳолисига хукуматимиз ва бутун республикамиз аҳолисининг елкадош бўлиб, ФВни биргаликда бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар, шунингдек бундай синовли кунларда фуқароларимизнинг жипслиги ҳақида фикр ва мулоҳазалар билдирилган¹⁰². Ҳозирги даврда ахборот технологияларининг ривожланиши натижасида газеталарнинг босма нашри билан биргаликда интернетда газетанинг онлайн нашрлари жойлаштирилмоқда. Бу борада “Янги Ўзбекистон” газетасининг фаолияти диққатга сазовордир.

Республикада ФВ мавзусига ихтисослашган асосий матбуот нашри “Вазият” газетасидир. Газетада мамлакатимизда ФВнинг олдини олиш борасидаги мавжуд муаммолар, амалга оширилаётган профилактик тадбирлар ва фуқаролар учун ФВ хавфи туғилганда ҳаракат қилиш ҳамда хавфсизлик қоидалари бўйича маълумотлар ёритиб борилади. Масалан, газетанинг 2020 йил 22-23 (758-759) сонларида “Маҳалла хавфсизлиги – мамлакат осойишталиги”, “Мавсумни хавфсиз ўтказайлик”, “Офтоб уришидан сақланинг”, “Чўмилишда эҳтиёткорлик – хавфсизлик гарови”, “Оромгоҳлар мавсумга тайёр”, “Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш”, “Чўмилиш қоидаларини биласизми?” мавзуларида мақолалар ёз мавсумида содир бўлиши мумкин бўлган чўкиш билан боғлиқ ФВнинг олдини олиш бўйича чўмилишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, офтоб уришидан муҳофазаланиш учун тавсиялар ҳамда оромгоҳларда болаларнинг хавфсизлигини сақлаш бўйича амалга оширилган тадбирлар тўғрисида материаллар берилган бўлса, “Ўқув машқлари”, “Ғалла ўрим-йигимида тадбирлар”, “Мавсумни

¹⁰² “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2020 йил 3 май 73 (73) сон.

беталофат ўтказайлик”, “Ғалла мавсуми авжида... унинг хавфсизлиги-чи?”, “Ғалла ўримида бу қоидаларга риоя қилиш шарт!”, “Мавсум олдидан” мавзуларидағи материалларда республикамизда ғалла ўрим-йиғими даврида ғаллани ёнғиндан сақлаш бўйича амалга оширилган профилактик тадбирлар ҳамда ғаллани ёнғиндан сақлаш бўйича тавсиялар ва кўрсатмалар берилган¹⁰³.

Матбуотда ФВ мавзусига оид материалларнинг ёритилиши долзарб масалалардан эканлигини шу билан изоҳлаш мумкинки, дунёдаги барча мамлакатлардаги каби инсонларнинг техника асирида яшаётганлиги, ишлаб чиқариш корхоналарининг сони кўпайиб бораётганлиги ва ундаги доимий равишда потенциал хавфнинг мавжудлиги, унинг атроф-муҳитга таъсири натижасида табиий, техноген ва экологик ФВнинг сони ошиб бормоқда. Ушбу муаммолардан жамиятимизнинг барча аъзоларини огоҳ этишда мазкур мавзуга доир муаммоларни кўпроқ ёритиш, содир бўлиши мумкин бўлган турли ФВдан аҳолини хабардор қилиш, аҳолини ФВ содир бўлган тўғри ҳаракат қилиш бўйича билим ва қўнималарини мустаҳкамлашга хизмат қиласидан материалларни жойлаштириш зарур. Бу эса бир томондан жамиятнинг барча аъзоларини, хусусан, масъул ташкилотлар раҳбарларидан тортиб, оддий фуқароларгача содир бўлиши мумкин бўлган ФВдан барча огоҳ бўлса, иккинчи томондан ФВнинг олдини олишда, уларнинг хавфсизлик маданиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшади.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ, даврий матбуотда жойларда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгариш ва янгиланиш жараёнларини ҳар томонлама таҳлил қилиб, эришилаётган ютуқлар, мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун давлат идоралари ва жамоатчилик эътиборини қарататиғанини алоҳида таъкидлаш лозим.

Республикамиздаги марказий ва ҳудудий телеканаллар, радиоканаллар, матбуот ва интернет нашрлари ФВВ билан ҳамкорликда мамлакатимизда содир бўлаётган ФВлар, уларнинг олдини олиш ва аҳолини ФВлардан муҳофаза қилиш соҳасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда.

Ўтган 2020-2021 йиллар давомида ФВВ ва тегишли ташкилотлар томонидан олиб борилган профилактика тадбирларига қарамасдан, республикада 6.805 та ёнғин содир бўлган. Бунинг оқибатида 82 нафар фуқаро ҳалок бўлган, 139 та фуқаро турли даражадаги куйиш жароҳатларини олган. Келтирилган моддий зарап миқдори эса 50 млрд. сўмни ташкил қиласидан. Содир бўлган ёнғинларнинг 5.986 таси яъни 88 фоизи аҳоли турар жойларига тўғри келади. Ёнғинларнинг келиб чиқиши сабабларини таҳлил қиласидан

¹⁰³ “Вазият” газетаси. 12 июнь 2020 йил. 22-23 (758-759) сонлар.

бўлсак, 30% электр-энергия ускуналаридан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши, 23% очиқ оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, 20% иситиш печларининг қуриш ва ишлатиш қоидаларининг бузилиши, 9% болаларнинг қаровсизлиги, катталарнинг чекиши оқибатида, 3% газ жихозларидан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши, 15% газ ва ҳаво аралашмасининг чақнашидан содир бўлган фавқулодда вазиятлардир¹⁰⁴. Таҳлилларга кўра, олиб борилаётган профилактик тадбирлар натижаларини содир бўлаётган ФВ сонига нисбатан солиштирадиган бўлсак, ушбу соҳадаги вазиятни ижобий баҳолаб бўлмайди. Тўғри, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда мутахассислар томонидан доимий фаолият олиб борилаётганлигига қарамасдан, деярли ҳар йили куз-қиши мавсумига тайёргарлик ва ФВлар профилактикаси соҳасида фуқаролар ва масъул ташкилотлар томонидан бир қатор жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда:

- аҳолининг ФВлар (ёнгин ҳавфсизлиги, ис гази ва ҳоказо) соҳасида ҳавфсизлик қоидаларига риоя қилиш (кўпгина фуқаролар бу қоидаларни билса ҳам унга амал қилмаслик ҳолатлари кўп учрайди) маданиятининг пастлиги;
- аҳоли томонидан қўлбола ва носоз электр ва газ жихозларининг қўлланиши;
- коммунал соҳадаги идоралар (газ, электр, сув, иссиқлик таъминот ташкилотлари) ҳамда фуқаролар ўртасида маҳсулот етказиш ва истеъмол ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ижроси бўйича тизимли ҳамкорликнинг йўлга қўйилмаганлиги;
- дудбўронлар, иситиш қозонлар ва печларнинг созлиги бўйича хизмат кўрсатувчи ёнгинга қарши кураш ташкилотларининг сифатсиз хизмат кўрсатиши ёки бириктирилган худудларда профилактик тадбирларни етарли даражада олиб борилмаслиги;
- бозорларга сифат сертификатига эга бўлмаган сифатсиз ва қўлбола иситиш жихозлари сотувга чиқарилишининг назоратсизлиги;
- ёнгинга қарши кураш (дудбўронлар, иситиш қозонлар ва печларнинг созлиги бўйича хизмат кўрсатувчи) ташкилотларнинг сони кўп бўлсада, мазкур ташкилотларда малакали мутахассисларнинг етишмаслиги;
- ФВлар профилактиkasини олиб борувчи ташкилотлар ҳамда матбуот нашрлари ўртасида ҳамкорлик (республика матбуотда ФВлар мавзуси асосан хабарлар, олиб борилаётган профилактика тадбирлар, мавсумий ФВлар ёзда чўмилиш ҳавфсизлиги, овқатдан заҳарланиш, куз-қиши мавсумида ис гази, ёнгин) билан чекланиб қолиш ҳолатлари;

¹⁰⁴ Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Матбуот хизмати брифинги. <https://fvv.uz>.

- ФВДТга кирувчи ташкилотларнинг интернет сайтларида аҳоли учун ФВларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича кўргазмали материалларнинг етарли даражада жойлаштирилмаганлиги.

Биз юқорида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш соҳасида олиб борилаётган профилактик тадбирлар, мавжуд муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлили ҳақида сўз юритдик. Мазкур муаммоларни бартараф этишда, хусусан, аҳолини ФВлардан муҳофаза қилиш соҳасида билим ва малакаларини ошириш ҳамда ҳаракат қилишга тайёрлашда босма ОАВнинг ролини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Дунё мамлакатлари тажрибасидан маълумки, ФВлар мавзусининг ОАВ орқали кенг ёритилиб борилиши аҳолининг барча қатламларини ФВларнинг келиб чиқиши, унинг сабаблари, оқибатлари ҳақида шунингдек, ФВлардан муҳофазаланиш ҳамда ФВлардан вақтида тўғри ҳаракатланиш бўйича билимларини оширишда энг асосий самарали усууларидан биридир. Чунки дунё аҳолисининг деярли барчаси тарқатилаётган ахборотларининг истеъмолчисидир, шундан келиб чиқиб, аҳолининг барча қатламлари, жумладан, кенг жамоатчилик фикрининг шаклланишида босма ва электрон ОАВнинг роли беқиёсдир.

Кўпгина ривожланган давлатларда олиб борилаётган илмий изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, юзага келиши мумкин бўлган хавфларни ўрганиш, мониторинг олиб бориш, ФВлар профилактикаси, хусусан, ФВларнинг олдини олиш борасида тарғибот-ташвиқот тадбирларини олиб бориш, босма ва электрон ОАВ томонидан соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишда давлат органлари ҳамда кенг жамоатчиликни огоҳлантириш, даврий матбуот аҳолининг барча қатламларида хавфсизлик маданиятини шакллантириш соҳасида ўзига хос мактаб вазифасини бажаради. Шундан келиб чиққан ҳолда республикамиз ОАВда содир бўлган ФВлар тарихи, содир бўлиши мумкин бўлган ФВлар тўғрисида, улардан муҳофазаланиш бўйича кўрсатмалар, ҳужжатли фильмлар, таҳлилий материаллар сонини кўпайтириш, газеталар, журналлар ва интернет нашрларида соҳадаги долзарб муаммолар, тарғибот-ташвиқот бўйича тавсиялар ҳамда интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлар орқали катталар ва болаларга мўлжалланган анимацион роликларни доимий жойлаштириб бориш зарур. Шу билан бирга мазкур соҳада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ҳамда ривожланган мамлакатлар босма ОАВ билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим.

Бугунги кунда аҳолини ФВлардан муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг хавфсизлик маданиятини оширишда ФВлар журналистикаси соҳасида, хусусан, соҳа бўйича медиа маҳсулотларни тайёрлаш борасида малакали кадрларни етиштириш, фуқароларнинг хавфсизлик маданиятини оширишга хизмат қиласиган материалларни доимий равища даврий матбуотда берилиб боришни йўлга қўйиш лозим. Шу билан бирга журналистлар

матбуотда ФВлар мавзусини ёритишида объективлик, тезкорлик, шаффофликни таъминлаш, шунингдек, фуқароларнинг турли оғатлардан муҳофазаланиш бўйича профилактик материалларни кўпроқ ёритишига эътибор қаратиши зарур. Бу эса фуқароларни ФВларда ҳаракат қилишга тайёрлашда уларнинг ахлокий ва руҳий тайёргарлигини ошириш, хавфсизлик маданиятининг ривожланишига хизмат қиласи.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ФВДТ ҳамда ОАВ, хусусан, даврий матбуотда ФВлар профилактикаси бўйича ҳамкорлиги тизимли равишда ривожлантирилиб борилса, ФВлардан аҳолини муҳофаза қилиш соҳасида фаолият олиб бораётган масъул ходимларнинг ҳам огоҳлигини оширишига хизмат қиласи. Шу билан бирга мазкур соҳада профилактика тадбирларининг ривожланиши республикамиз матбуот нашрларининг минтаقا ҳамда дунё ахборот оламидаги нуфузининг ошишига катта хизмат қиласи.

Ўтилган мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. “Янги Ўзбекистон” газетасида фавқулодда вазиятлар мавзусиша доир материаллар ҳақида нималарни биласиз?
2. “Вазият” газетасини Ўзбекистонда фавқулодда вазиятлар мавзусига ихтисослашган асосий матбуот нашри сифатида таҳлил қилинг.
3. Фавқулодда вазиятлар журналистикасининг фавқулодда вазиятлар профилактикасидаги аҳамияти нималарда деб ўйлайсиз?

2.3. Матбуотда терроризм ҳаракатлари ва бошқа ижтимоий хавфли ҳолатларни ёритиш тамойиллари

Режа:

1. Матбуотда терроризм ҳаракатларини ёритиш тамойиллари
2. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий матбуот нашрларида терроризм ва бошқа ижтимоий хавфли ҳолатлар акс этган материаллар таҳлили
3. Зиддиятли вазиятларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилишининг ўзига хослиги
4. Уруш зонасида журналист фаолияти

Терроризм замонамизнинг хавфли ва мураккаб ҳодисаларидан бири бўлиб, тобора хавфли тусга кириб бормоқда. У уюшган жиноятчиликнинг хавфли кўриниши сифатида халқаро миқёсда долзарб ва глобал муаммолардан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бугунги кунда дунёнинг айрим

минтақаларида тобора кескинлашиб бораётган қонли можаро ва зиддиятлар, терроризм ва экстремизм хавфи биздан доимий огох ва ҳушёр бўлишни талаб қилмоқда”¹⁰⁵.

Терроризм сўнгги учинчи ўн йилликда сиёсий, диний, мафкуравий ва шахсий жиноий мақсадларда аҳолини кўрқитиш ҳамда давлат, ҳокимият ва бошқарув органларига руҳий тазийк ўтказишга қаратилган зўравонликнинг хавфли кўринишига айланди. Террорчилик ҳаракатлари, яъни одамларни гаровга олиш, давлат ва жамоат арбоблари, диний ёки бошқа гурухлар, хорижий давлатлар ва ташкилотлар вакилларининг ҳаётига таҳдид солиш, йирик обьектларни эгаллаб олиш, портлатиш, одамларнинг соғлиғига, ҳаёти ва мулкига таҳдид солиш каби ҳаракатлар мамлакат тинчлигига путур етказади. Бугунги кунда жаҳон медиа оламида терроризм сўзи энг кўп қўлланиладиган тушунчалардан бирига айланниб қолди. Чунки терроризм хавфи кириб бормаган қитъя ёки мамлакат қолмади. Бунда терроризмнинг иккита хатарли белгисини ажратиб кўрсатиш мумкин: биринчидан, у тобора шафқатсизроқ ғайриинсоний моҳият, иккинчидан, ақлга сиғдириш қийин бўлган жуғрофий кўламлар касб этиб бормоқда. Хавфли жихати шундаки, унинг сони мунтазам ошиб бормоқда. Масалан, АҚШ давлат департаментининг маълумотларига кўра, 1992 йилда террорчилик ҳаракатлари умумий сони 362 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб 900 дан ошиб кетди. Бу дегани – ҳар куни дунёнинг у ёки бу бурчагида кимларнидир қўрқувга солиш орқали муайян мақсадларга эришишини кўзлаган, камида иккита қўпорувчилик амалга оширилмоқда. Терроризмнинг ўзига хос хусусияти – унинг сиёсий мақсадларни амалга оширишга йўналтирилганлигидир. У ёки бу шахс устидан зўравонлик, куч ишлатиш эса, ушбу мамлакатдаги сиёсатни сақлаш ёки ўзгартириш воситаси сифатида намоён бўлади. Сиёсий курашнинг бу усули маълум жамиятда, мамлакатда яшовчи фуқаролар орасида қўркув ва даҳшат тарқатишига асосланади. Терроризмнинг яна бир хусусияти тинчлик хукмронлик қилаётган, демократик институтлар фаолият кўрсатаётган бир шароитда сиёсий масалаларни зўрлик йўли билан ҳал қилишга интилишда кўринади. Террорчи уюшмалар оммавий бўла олмагани учун кўп ҳолларда аҳолининг кенг қатламлари номидан ҳаракат қилиш мақсадида диний шиорлардан ниқоб сифатида фойдаланадилар.

Дунё бўйича террорчилик ҳаракатлари сони йилдан-йилга қўпайиши кузатилмоқда. Буни статистик маълумотларнинг таҳлили ҳам тасдиқламоқда. Масалан, 1966 йилдан бошлаб дунё бўйича террорчиларнинг фаолияти анча кучайган¹⁰⁶. Жумладан, 1968 йилдан

¹⁰⁵ Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. Б.9.

¹⁰⁶ Ҳақлиев В. Миллий ғоянинг ҳалқаро терроризм ва экстремизм таҳдидига қарши курашдаги ўрни // <http://akadmvd/files/lecture/TPPUUDO>

1980 йилгача ўтган даврда 6.700 га яқин¹⁰⁷, 1970-1978 йилларда 5.534 та, 1981 йилда 2.700 та, 1984 йилда 700 та, 1985 йилда 800 та, 1987 йилда 832 та, 1989 йилда 856 та террорчилик ҳаракати содир этилган¹⁰⁸. 1985-2006 йиллар оралиғида ер юзида 220 дан ортиқ аёллар томонидан ўзини қурбон қилиш йўли билан террорчилик ҳаракатлари амалга оширилган¹⁰⁹. Ҳозирги вақтда дунёда 500 га яқин террорчилик ҳаракатлари ва экстремистик йўналишдаги гурухлар мавжуд бўлиб, улар томонидан 2000-2011 йиллар давомида 10.000 га яқин террорчилик ҳаракати содир этилган. Бунинг натижасида 26.000 дан ортиқ киши ҳалок бўлган ва жароҳатланган¹¹⁰. Террорчилик гурухлари томонидан биргина 2015 йилнинг ўзида 89,6 млрд АҚШ доллари микдоридаги иқтисодий зарар етказилган. Бу кўрсаткич 2014 йилдагига нисбатан 15% га ошган бўлиб, 2000 йилдан бери энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Дунёнинг турли жойларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари натижасида 2014 йилда 28.000 нафарга яқин одам ҳалок бўлган бўлса, 2015 йилда 36.000 дан ошиб кетган¹¹¹. 2016 йилда 29.376 та, 2017 йилда 25.000 одам¹¹², 2018 йилда 13.483 та¹¹³, 2019 йилда 19.420 та¹¹⁴, 2020 йилда 29.389 та¹¹⁵, 2021 йилда 23.000 дан ортиқ киши ҳалок бўлган¹¹⁶.

Дунёда содир этилган катта қўламли террористик ҳаракатларнинг айримлари ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, 2001 йил 11 сентябрда АҚШда¹¹⁷, 2002 йил 23-26 октябрда Москвада¹¹⁸, 2004 йил 1 сентябрда (Беслан) Шимолий Осетияда¹¹⁹, 2015 йил 2 апрелда Сомалида¹²⁰, 2015 йил 17 ноябрда Мисрда¹²¹ги террористик ҳаракатларда юзлаб одамлар ҳалок бўлган.

Энди Ўзбекистонда амалга оширилган террористик ҳаракатлар ҳақида тўхталиб ўтамиз: 1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳридаги портлашларда 13 киши ҳалок бўлган,

¹⁰⁷ Шнайдер Г. Криминология. – М.: Спб, 2004. С. 439-440.

¹⁰⁸ Салимов К. Современные проблемы терроризма. – М.: Спб, 2000. С. 8

¹⁰⁹ Иканов А. Суицидал терроризм инсоннинг яшаш ҳуқуқига таҳдидлардан бири сифатида // Конституция – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш асоси мавзуидаги давра сухбати материаллари (II кисм). – Тошкент: ТДЮИ, 2011. Б. 265.

¹¹⁰ Францифиров Ю. Терроризм – преступление против общественной безопасности // История государства и права. – 2011. – № 1. – С. 42

¹¹¹ The Institute for Economics and Peace (IEP). Global Terrorism Index 2016. [Electronic resource] Access mode:www. Economicsand peace.org.

¹¹² <https://rg.ru/2018/04/05/zamgenseka-oon-v-2017-godu-v-mire-proizoshlo-11-tysiach-teraktov.html>

¹¹³ <https://news.rambler.ru/world/41610033-eksperty-kolichestvo-teraktov-v-mire-v-2018-godu-snizilos-na-tret/>

¹¹⁴ <http://www.warconflict.ru/rus/statistika/?action=shwprd&id=2269>

¹¹⁵ <https://tafsilar.info/news-world/gosdep-chislo-teraktov-v-mire-uvelichilos-v-2020-godu-na-15/>

¹¹⁶ <https://russian.rt.com/world/news/914778-sovbez-zhertva-terakt>

¹¹⁷ <https://tass.ru/mezhdunarodnaya-panorama/2436364>

¹¹⁸ <https://ria.ru/20131023/971874957.html>

¹¹⁹ <https://www.kavkaz-uzel.eu/articles/211997>

¹²⁰ <https://ru.sputnik.kz/20210911/Krupneyshie-terakty-v-mire-za-poslednie-20-let-18106406.html>

¹²¹ <https://ria.ru/20201031/krushenie-1582146390.html>

100 дан ортиқ одам жароҳат олган¹²², 2004 йил 29 марта Тошкент ва Бухоро шаҳарларида террористик ҳаракатларда 2 нафар киши ҳалок бўлди, 20 дан ортиқ одам яраланган, 2004 йил 30 июля Тошкентда портлашда 3 киши ҳалок бўлди, 8 киши яраланган, 2005 йил 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида террорчилик ҳаракати натижасида юзага келтирилган оммавий тартибсизликлар оқибатида 187 киши қурбон бўлган¹²³. 2010 йилнинг июнь ойи Қирғизистоннинг жанубида маҳаллий қирғизлар ва ўзбеклар ўртасида этник можаро чиқди. “Ўш воқеалари” номи билан тарихга кирган ушбу низо оқибатида 500 га яқин инсон ҳалок бўлди. Қирғизистоннинг жанубида қирғинга учраган ўзбек миллатига мансуб 100.000 аҳоли Ўзбекистон томонга қочиб ўтган. Ўзбекистон хукумати Андижон вилоятида вақтинчалик маҳсус лагерлар ташкил қилган, яшаш учун керакли бўлган барча бирламчи манбалар билан таъминлаган¹²⁴.

Мазкур воқеалар ҳақида миллий босма ОАВда қандай ёритилган эди? Жаҳон мамлакатларида содир этилган террористик ҳаракатлар телевидение, радио, матбуот нашрлари ва интернетда янгиликлар сифатида қисқа ёритилган. Республикаизда содир бўлган терактлардан фақат 1999 йил 16 февраль воқеалари ва 2005 йил 12-13 майдаги “Андижон воқеалари” ОАВ учун матбуот конференциялари ташкил қилинган ҳолда атрофлича ёритилган. Бу ФВлар ҳақида кейинроқ тергов ҳаракатлари якунлангандан кенг жамоатчиликка хабар берилди. Аммо унга қадар хорижий ОАВ томонидан турли дезинформациялар ва фейк хабарлар кўплаб тарқатилган. Масалан, “Рейтер” ва “Фергана.ru” ахборот агентликлари “хукумат кучлари томонидан кўплаб тинч аҳоли вакиллари ўлдирилди” деган асоссиз хабарларни бутун дунёга тарқатган¹²⁵. Бунга сабаб эса содир бўлган воқеаларнинг тезкор ва объектив тарзда ўз вақтида ёртилмаганлиги эди. 2004 йил 29 марта Тошкент ва Бухоро шаҳарларида террористик ҳаракатлар, 2004 йил 30 июля Тошкентдаги Америка ва Истроил давлатлари элчихонаси биноларига, шунингдек Республика Бош прокуратураси биноси ёнидаги портлашлар ҳамда 2010 йилнинг июнь ойида Қирғизистондаги этник можаро оқибатида Ўзбекистонга қочиб ўтган ўзбек миллатига мансуб Қирғизистон фуқароларининг хукуматимиз томонидан Андижон вилоятида вақтинчалик маҳсус лагерларга эвакуация қилганлиги ҳақида хабарлар фақатгина янгиликлар сифатида жуда қисқа маълумотлар ёритилган. Хориж ОАВда ушбу ҳодисалар жуда “бўрттириб” ёритилган.

¹²² <https://www.gazeta.uz/uz/2021/02/16/16-february-1999/>

¹²³ Исманова А. Диний экстремизм ва терроризмга қарши педагогик профилактика тизимини такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий дарражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т:2017 й. Б.43-45.

¹²⁴ <https://qalampir.uz/news/ushh-vokealari-uzbeklar-kirgini-uchun-kamalishi-mumkin-bulgan-otunbayeva-uzi-kim>.

¹²⁵ https://www.bbc.com/uzbek/lotin/2013/05/130513_latin_andijan_massacre

Бугунги кунда ОАВ инсон онгини бошқариш ва ўзгариш қудратига эга манбага айланди. Янги коммуникацион технологиялар турли формат ва шаклларда осонгина ўз аудиториясини кенгайтириб бормоқда. Ер шари аҳолиси дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ОАВ орқали қабул қилишда ушбу ахборотлар билан танишади, уни идрок этади. Бундан турли хил террористик ташкилотлар усталик билан фойдаланиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Шунинг учун террористик ташкилотларнинг гоявий-фалсафий қарашлари ва фаолиятини ОАВда ёритишда ғоят эҳтиёт бўлиш лозим. Чунки қонли саҳналар уюштириш орқали террорчилар ҳолатнинг ОАВда кенг ёритилишига умид боғлашади. Ж.Вашингтон университетининг профессори Ж.Пост терроризмни “медиафеномен” деб атаб, уни масс-медиа орқали руҳий урушнинг ўзига хос шакли сифатида тасвирлайди¹²⁶. Масалан, 2004 йилда Бесланда (Осетия) содир этилган террорчилик ҳаракати даврида 1 дан 20 сентябрга қадар сурункали юрак-қон томирлари касаллиги бўлган инсонларда касаллик хуружлари ва ўлим ҳолатлари кўпроқ қайд этилган. Рус тадқиқотчиси В.Циганов террорчилик ҳаракатлари даврида масс-медианинг куйидаги функционал ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатади:

- антенна функцияси – ахборот узатилиши;
- кучайтириш функцияси – амалга оширилган террорчилик ҳаракати фожиасини янада чуқурлаштириш;
- фокус функцияси – аудитория эътиборини айнан террорчилик ҳаракатига қаратиш;
- фильтрлаш функцияси – барча ахборотларни саралаган ҳолда, террорчилик ҳаракати хусусидаги ахборотни биринчи планга олиб чиқиш;
- акс-садо функцияси – жамоатчилик хотирасида содир этилган террорчилик ҳақидаги хабарнинг сақлаб қолиниши ва шунга ўхшаш воқеаларда у қайта-қайта эсланиши¹²⁷. Террорчи-шахидлар ОАВнинг саъй-ҳаракати билан замонавий терроризмнинг ўзига хос рамзига айланди. Кўп ҳолатларда булар қора ридо кийган, юзининг ярми ниқобдаги аёллар бўлиб, кийими тагига бомба яширган бўлади. Шу сабабли ҳам ҳижобдаги аёллар ҳамжамият наздида шахид-террорчи бўлиб кўринади. ОАВ орқали террорчилик ҳаракатини тўғридан-тўғри ёритишнинг салбий томонларидан бири хукуқ-тартибот органлари фаолиятини террорчиларга маълум қилишдан иборатdir. Бу айниқса гаровга олинганларни озод этиш бўйичи аксилтеррор операцияларни амалга оширишда тўсиқ бўлиши мумкин. Масалан, Москва вилоятидаги Дубровка («Норд-

¹²⁶ Скляр И.Опасный симбиоз: Как СМИ способствуют мировому терроризму. <https://birdinflight.com/ru/mir/20160726-opasnyj-simbioz-kak-smi-sposobstvuyut-razvitiyu-mirovogo-terrorizma.htm>

¹²⁷ Цыганов В. Медиа-терроризм: терроризм и средства массовой информации. www.studmed.ru/view/cyganov-v-media-terrorizm-terrorizm-i-sredstva-massovoy-informacii_d398538de83.html

Ост»)да террорчилар томонидан гаровга олингандарни озод қилиш борасидаги операцияни жонли эфирда ёритаётган журналистлар, ўзлари билмаган ҳолда ҳукуктартибот органлари фаолияти ҳақида террорчиларга хабар беришган ва штурмнинг муваффакиятли амалга ошишига ҳалақит қилишган.

Жаҳонда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий воқеаларни кузатадиган бўлсак, олиса яқин атрофимиздаги мамлакатларда турли қарама-қаршиликлар ва зиддиятлар кучайиб бораётганини кўриш мумкин. Бундай салбий сиёсий-ижтимоий жараёнлар бирор давлатга ташки ва ички кучлар таъсирида амалга оширилиши одатий ҳолга айланиб бормоқда. Бунга мисол сифатида қўшни Қозоғистон Республикасида 2022 йилнинг январь ойида рўй берган оммавий тартибсизликларни кўрсатиш мумкин. Қозоғистондаги мураккаб вазиятнинг келиб чиқишини таҳлил қиласидан бўлсак, янги аср бошида жаҳон миқёсида юз берган иқтисодий ва молиявий инқирозлар, пандемияга қўшилган ҳолда барча давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига салбий таъсир қилди. Жумладан, бу ҳолат Марказий Осиё давлатлари орасида жаҳон иқтисодиётига энг кўп интеграциялашган ҳамда ҳалқ ҳўжалиги хом ашёсига ихтисослашиб қолган Қозоғистонни ҳам четлаб ўтмади. 2020 йилга келиб жаҳон миқёсида қутилаётган навбатдаги иқтисодий инқироз пандемияга қўшилган ҳолда барча давлатлардаги иқтисодий ва ижтимоий вазиятни мураккаблаштириди. Пандемия сабабли жорий қилинган ҳаракатланиш чекловлари истеъмол талаби ва инвестициялар ҳажми қисқаришига олиб келди. Иқтисодиётдаги муаммолар ижтимоий соҳага салбий таъсир кўрсатиши натижасида аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари ҳаёт даражаси тушиб кетди. Жаҳон банки маълумотларига кўра, пандемия чекловлари бандлик ва даромадлар даражасига салбий таъсир кўрсатиши оқибатида 2020 йилда мамлакатда қашшоқлик даражаси 14 фоизгача ошди¹²⁸. Шу ўринда, Қозоғистонда ижтимоий-иктисодий таназзул негизида геосиёсий жараёнлар ётганини ҳам қайд этиш зарур. Яъни Украина сабабли Ғарб давлатлари ва Россия ўртасидаги зиддиятлар ҳам шимолий қўшниси билан интеграциялашув даражаси юқори бўлган Қозоғистон иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ва ниҳоят, охирги йилларда қардош мамлакатнинг сиёсий ҳаётида кузатилган ўзгаришлар – яъни қўш ҳокимиятчилик (амалдаги президент К.Тўқаев ва собиқ президент, амалдаги Хавфсизлик кенгаши раиси Н.Назарбоев) нинг шаклланиши ижтимоий-иктисодий танглик авж олган шароитда мамлакат барқарорлигига таҳдид солиши табиий эди. Хуллас, йиллар давомида тўпланиб келган объектив қийинчиликлар ва муаммолар мамлакатдаги айrim деструктив кучлар учун қўл келиб, мамлакатдаги тинч ҳаётни издан чиқаришга ҳаракат қилди. Бунга 2022 йил бошида газ нархининг ошиши баҳона бўлди. 2022 йилнинг 2 январь куни қўшни Қозоғистоннинг ғарбида нефть қазиб

¹²⁸ <https://kun.uz/news/2022/01/16/qoshning-tinch-sen-tinch-yoxud-qozogiston-voqealaridan-xulosalar>

олувчи Манғистов вилютигининг Жанаўзен ва Оқтов шаҳарлари аҳолиси газ нархининг оширилишига қарши митингларга чиқди. 4 январь куни хукумат вакиллари Манғистов вилютида газ нархини пасайтириш вәйдасига қарамай, норозилик намойишлари бутун Қозоғистон бүйлаб тарқалди - акциялар пойтахт Нур-Султон, мамлакатнинг энг йирик шахри Олмаота ва бошқа шаҳарларга - Қарағанда, Уралск, Толдиқұрғон, Қизилурда, Чимкентта ҳам ёйилди. Намойишчиларнинг ижтимоий-иктисодий талаблари сиёсий тус олиб, хукумат истеъфосини талаб қилди. 5 январь куни бутун Қозоғистон бүйлаб фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Демократия, адолат, яхши ҳаёт сари бошланган норозилик намойишлари охир-оқибат мамлакат бүйлаб түполон ва тартибсизликларга айланиб кетди. Агрессив оломон хуқуқ-тартибот идоралари ходимларига қарата ўқ узди, талончиликлар уюштируди, автомашиналар, дүкөнлар, банклар, аэропортлар, күплаб тиббиёт муассасалари каби давлат биноларига шунингдек, фуқаролар мулкларига ўт қўйилди. Оддий намойишлардан бошланган тартибсизликлар, талончилик, қароқчилик шаклига ўтди. Натижада энг аввало оддий ҳалқ жабр кўрди. Расмий маълумотларга кўра, тартибсизликлар давомида жами 225 киши қурбон бўлган, улардан 19 нафари куч ишлатар тизими ходимлари, 4.578 киши жабрланганини, улардан 4.353 киши турли даражада жароҳатлар олганини, жумладан 3.392 киши куч ишлатар тизими ходимлари эканини маълум қилди¹²⁹. Юз берган ҳалокатли жараёнлар, қардош ҳалқ бошига тушган фалокат ҳакида маҳаллий ва хорижлик эксперталар ва ОАВлари ўз нуктаи-назаридан келиб чиқиб, турли муносабатларда баҳо беришга интилишмоқда. Бу борада Қозоғистон давлат котиби, сиёсий эксперт Э.Карин қуйидаги фикрларни билдиради: Қозоғистонда "Рангли" ва "Бахмал" инқилобларни қўллаш самарасиз бўлганлиги учун мамлакатимизда вазиятни бекарорлаштиришнинг яна бир сценарийси, радикал ва террористик гурухлардан фойдаланган ҳолда тартибсизликларни юзага келтириш модели синовдан ўтказилди. Мазкур гурухларнинг аниқ ҳаракат қилганлигидан келиб чиқиб, ҳар бир тадбир битта катта режанинг бир қисми бўлган деб айтишимиз мумкин. Сиз турли минтақалардаги турли хил гурухларнинг ҳаракатлари учун зарур бўлган тайёргарлик ва режалаштиришни тасаввур қилишингиз мумкин. Чунки барча минтақалардаги ҳаракат бир хил алгоритм, давлат муассасалари ва хуқуқни муҳофаза қилиш биноларини эгаллаш бўйича ўхшаш вазифалар, қуролларни тортиб олиш бўйича ҳаракатлар, алоқа, йўлларни ёпиш, инфратузилма обьектларини блокировка қилишга қаратилган иш ташлашлардир. Бу бузғунчи гурухларнинг мамлакатдаги вазиятни бекарорлаштириш бўйича аниқ

¹²⁹ <https://kazpravda.kz/news/proisshestviya/dannie-po-pogibshim-i-postradavshim-v-hode-besporyadkov-ozvuchilagengprokuratura22211891.html>

режалаштирилган, мувофиқлаштирилган ҳаракатлариидир¹³⁰ Терроризм соҳасидаги эксперт Н. Ал-Жарий намойишларда иштирок этиб, бу ҳақда қуйидаги фикрларни билдиради: “Қозоғистондаги январь воқеаларида Суря ва бошқа ҳудудлардан келган “жиходчилар” террористик гурухининг мамлакатда тартибсизликни юзага келтириш ва ҳокимиятни қўлга олиш бўлган уриниши бўлиши мумкин” дея баҳолайди¹³¹.

Миллий матбуотимизда “Қозоғистон воқеалари”га доир материаллар “Янги Ўзбекистон”¹³², “Правда Востока”¹³³, Халқ сўзи”¹³⁴, “Жамият”¹³⁵, “Зарафшон”¹³⁶“, Ҳуррият¹³⁷ ва бошқа газеталарда чоп этилди. Жумладан, “Халқ сўзи” газетаси (2022 йил 11 январь сони)да сиёсий шарҳловчи А.Соибназаров “Қонсираган илоҳлар инсониятга наф келтирмаган” ва “Жамият” газетаси (2022 йил 13 январь сони)да “Ғалаёнлар инсониятга инсониятга наф келтирмаган” номли мақолаларида журналист тарихда содир бўлган кўплаб давлат тўнтаришлари, инқилоблар, оммавий тартибсизликлар, шу жумладан, яқин 20 йил ичидаги дунёнинг турли нуқталарида амалга оширилган “рангли инқилоблар”, турли оммавий норозиликларнинг салбий оқибатларига тўхталиб, Қозоғистондаги оммавий тартибсизликларнинг келиб чиқишини маълум бир гуруҳларнинг халқни турли гуруҳларга ажратиб, қонли қарама-қаршиликларни келтириб чиқараётганлигини, норозилик намойишлардан бузғунчи кучлар ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, давлат ва жамиятни сиёсий, иқтисодий, ижтимоий парокандаликка олиб бораётганлигини ҳамда ҳар қандай мамлакатда ислоҳотлар тинчлик йўли билан амалга оширилишини объектив ва аниқ фактлар асосида таҳлил қилган. “Ҳуррият” газетаси (2022 йил 11 январь сони)да журналист

С.Салимнинг “Нотинч Қозоғистон: сабаблар, саволлар, сабоқлар” мавзусидаги мақоласида Қозоғистонда юз берган тинч намойишларнинг оммавий тартибсизликлар ва қуролли тўқнашувларга айланиб кетиши, унинг юзага келиш сабаблари, хукумат кучлари ва намойишчилар тўқнашувлар, бунда ҳуқук-тартибот органларининг сусткашлиги ҳамда Қозоғистон Президенти Қ.Тоқаевнинг “Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти” (КХШТ) тинчликпарвар қўшинларининг мамлакатга киритишга мажбур бўлганлиги ва оммавий тартибсизликларнинг бартараф қилиниши бўйича амалга оширилган тадбирлар таҳлил қилинган. Шу билан бирга мақолада Ўзбекистон Республикасининг

¹³⁰ Карин Э. Произошедшее в стране было гибридной террористической атакой. <https://24.kz/ru/>

¹³¹ “Qazaqstan” Үлттық телеарнасы. Қазақстанга келіп, жағдайды өз көзімен көрген бірқатар сарапшының ойынша, елімізде қаңтарда болған оқигаларға шетелдік жиһадшылардың қатысы болуы мүмкін. 14.02.2022 й.

¹³² “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2022 йил 7 январь 4 (526) сон.

¹³³ “Правда Востока” газетаси. 2022 йил 11 январь 6 (29776) сон.

¹³⁴ “Халқ сўзи” газетаси. 2022 йил 11 январь 6 (8068) сон.

¹³⁵ “Жамият” газетаси. 2022 йил 13 январь 01 (778) сон.

¹³⁶ “Зарафшон” газетаси. 2022 йил 8 январь 2 (23.569) сон.

¹³⁷ “Ҳуррият” газетаси. 2022 йил 11 январь 1 (1273) сон.

Қозоғистондаги оммавий тартибсизликларни тез фурсаларда бартараф қилиниши ва Қозоғистон хукуматининг мамлакатда барқарорликни таъминлашдаги харакатларини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаши таъкидланган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан шуни айтиш мумкинки, айрим хорижий босма ОАВда тинимсиз такрорланган “Тартибсиз оломон” орасида бирорта ҳам оддий одамлар йўқлиги, хукумат идоралари, савдо шохобчаларини вайрон қилаётган, автомобилларни ёқиб юбораётган, хукуқ-тартибот органлари ходимларини савалаб, қуролини тортиб олаётганлар махсус тайёргарликдан ўтган, радикал кайфиятдаги экстремистлар ва террорчилар эканлиги сир бўлмай қолди.

Хозирги кунда дунё медиа оламида кузатилаётган кескин вазият ҳар бир мамлакатнинг ўз ахборот хавфсизлигини таъминлаш, жамият барқарорлигига таҳдид соловчи потенциал хавфлар терроризм ва оммавий тартибсизликларнинг олдини олишда ОАВ, хусусан, матбуотнинг роли муҳим аҳамият касб этади Бунда ОАВнинг асосий вазифаси жамоатчилик фикрини уйғотиш, шакллантириш ва уларни муайян манфаатлар асосида мақсадли йўналтиришда иборат. Олим М.Бекмуродов фикрича, босма ОАВнинг ижтимоий фикр субъектларига кўрсатадиган таъсири одатда икки йўналишда, яъни жамоатчилик фикрининг бошланиши, шаклланиши ва бевосита амал қилиш жараёнларида намоён бўлади. Шакллантириш босқичида жамоатчилик фикрини ижтимоий ҳаётнинг долзарб масалаларига кенг ва фаол жалб этишга қаратилса, амал қилиш жараёнларида жамоатчилик фикрини барқарор сақлаб туриш ва унинг таъсирчанлигини ҳар томонлама оширишга жиддий эътибор қаратилади¹³⁸. Шу нуқтаи назардан қараганда, ОАВ, хусусан, матбуотнинг жамият маънавий ҳаётидаги тутган ўрни тобора юксалиб бораётганлигини кўриш мумкин. Биринчидан, ОАВнинг ёшлар ижтимоийлашув жараёнига қўрсатаётган таъсирининг кучайиб бориши боғлиқ.

Иккинчидан, одамларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи тобора кучайиб бормоқда. Бугунги кунда ҳаётимизни ахборотсиз тасаввур этишимиз қийин. Ҳар қандай одам теварак-атрофда, мамлакатда, жаҳонда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида бирон-бир манбадан ахборот олишга интилади. Бунда матбуот нашрлари асосий ёзма манба ролини бажариб келмоқда

Учинчидан, замонавий тезкор ва аниқ ахборот технологияларининг яратилиши натижасида матбуот нашрларининг интернетдаги электрон форматлари ва унинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига кўплаб материаллар жойлаштириш имконини берди, бу эса газеталарнинг интернетдаги обуначиларининг сонининг ошиши имкониятини берди.

¹³⁸ Бекмуродов М. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. -Тошкент: Фан, 1999. Б.170.

Бугунги кунда дунё бўйлаб ўз манфаатларини кенг ёйишнинг энг маъқул усули – ахборот хуружлари бўлса, энг самарали восита – ахборот тизимлари ва воситалари ҳисобланади. Ахборот хуружларининг тез-тез уюштирилаётганлиги аслида “уруш”га муносабатнинг ўзгарганидан, куролнинг янги тури кашф қилинганидан дарак беради. Турли куч ва марказлар томонидан ўз манфаатлари доирасини кенгайтириш мақсадида ҳарбий техника эмас, ахборот билан куролланган хуружларни уюштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, ҳозирги кунда турли усул ва шаклларда олиб борилаётган тарғибот ва ташвиқотларнинг асл мақсади - инсонлар онги учун курашга қаратилган. Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, глобаллашув шароитида ҳамда халқаро ва минтақавий можаролар трансформацияси давом этаётган бир пайтда, экстремизм ва терроризмга қарши самарали курашиш масаласи кун тартибидаги долзарб мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Экстремистик ва халқаро террорчилик ташкилотлари диний ақидалар никоби остида ёшларни зўравонликка, миллий ўзлигини, маданий-маърифий ва оиласвий қадриятларини йўқотишга ундаш йўли билан жамиятда зўравонлик ва радикал қарашларни тарқатишни давом эттиromoқда. Буларнинг барчаси фуқароларни экстремистик ва террорчилик ташкилотлари сафига жалб қилиш учун шартшароит яратмоқда. Шу муносабат билан, экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш ва чек қўйиш ҳамда уларни молиялаштириш манба ва каналларига барҳам беришга қаратилган янада самарали чора-тадбирларни белгилаш бўйича Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2021 йил 1 июлда “2021 — 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-6255-сонли Фармони тасдиқланди¹³⁹. Мазкур стратегиянинг мақсади Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, миллий хавфсизлик, шунингдек, фуқароларнинг ушбу соҳадаги ҳуқуqlари ва эркинликларини таъминлашга имкон берадиган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича самарали ва бир вақтнинг ўзида мувофиқлаштирилган давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлашdir. Ҳозирги вақтда экстремизм ва терроризмга қарши курашишдаги мавжуд тажриба, шунингдек, минтақа давлатларида мазкур таҳдидларга қарши курашиш бўйича ҳолатнинг ретропроспектив ва қиёсий таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, Марказий Осиёда экстремистик ва террорчилик фаолияти, асосан, миллатчилик (миллий), ижтимоий, диний ва бошқа радикал сиёсий ғоялар остида амалга оширилмоқда.

¹³⁹ <https://lex.uz/docs/5491626>

Миллий стратегиядан келиб чиқиб, мамлакатмизда экстремизм ва терроризмга қарши кураш ва унинг олдини олишда миллий матбуотимиз экстремизм ва терроризм мавзусини ёритишда қуидаги вазифаларни бажариши зарурдир:

- экстремизм ва терроризм мағкураси тарқалишининг олдини олиш мақсадида ватанпарварлик, анъанавий қадриятлар ва бағрикенглик мавзусида материалларни изчил ва давомли тарзда чоп этиш;
- вояга етмаганлар ва ёшлар орасида экстремистик ғоялар тарқалишининг олдини олишга қаратилган компакт, тушунарли тилда ва энг асосийси ёшларнинг кундалик эхтиёжига жавоб берса оладиган мазмундаги материаллар чоп этиш;
- маданиятимизга хос бўлмаган қора рангдаги ҳижоб нима сабабдан модага айланиб бораётганлиги бўйича таҳлилий материалларни чоп этиш, хотин-қизлар ҳуқуқларини химоя қилиш, уларнинг экстремизм ва терроризмга қарши курашишдаги ролини кучайтириш;
- узоқ муддат ҳорижда яшаётган ва яшаган фуқароларнинг ҳаётига бағишлиланган материалларни бериб бориш;
- экстремистик ва террорчилик мақсадларида Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишга қарши курашиш бўйича контранarrатив стратегик коммуникацияларни ривожлантириш¹⁴⁰;
- экстремистик ва террорчилик харакатларни, шунингдек, уларнинг молиялаштирилиши масалаларини матбуотда кўтариш;
- бошқа мамлакат журналистлари ва массмедиалари билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва олиб бориш.

Биз мамлакатимизда ёш авлодни миллий қадриятлар асосида тарбиялаш, терроризм ва бошқа ёт ғоялардан уларни муҳофаза қилишда телевидение, радио, матбуот, интернет ва бошқа ОАВдаги фаолиятимизни замон талаблари асосида янада кучайтириб, янги босқичга кўтаришимиз зарур. Хусусан, интернет жаҳон ахборот тармоғида экстремизм ва терроризм ғояларига ахборот орқали қарши курашиш соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш, аҳоли ўртасида экстремистик ва террористик ташкилотлар тарғиботчиларининг бузғунчи мақсадларини фош этувчи ташвиқот ва тарғибот чора-тадбирларини ўтказишда ОАВ, хусусан, матбуот нашрлари, уларнинг интернетдаги сайтлари ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларидан кенг фойдаланиш, амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва уларнинг натижаларини холисона ёритиш,

¹⁴⁰ Маматова Я.М., Арифханова С. Вопросы профилактики насильтвенного экстремизма: освещение в массмедиа Узбекистана.-Т.: 2020.- С. 62.

ушбу йўналишда ўқитиши ташкил қилиш орқали медиа соҳадаги амалиётчи мутахассисларнинг малакасини ошириш, шунингдек, экстремизм ва терроризмнинг кўринишларини масъулият билан ёритиш бўйича амалий қўлланма ишлаб чиқиш ва соҳада жамоатчилик ҳамда ОАВ билан ҳамкорлик қилиш ишларини янада такомиллаштириш зарур.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, республикамиизда содир бўлаётган табиий, техноген ва экологик ФВлар ичидаги техноген хусусиятли ФВларнинг сони ошиб бораётганлиги, уларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиб чиқдик. Мазкур таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда жамиятимизда содир бўлаётган ФВларнинг сонини камайтиришда ахолини ФВлардан муҳофаза қилиш ҳамда ФВлар хавфи туғилганда тўғри ҳаракат қилиш соҳасида матбуот нашрлари орқали тарғибот-ташвиқот тадбирлари олиб бориш жамиятда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг хавфсизлик маданиятини шакллантиришда муҳим омил эканлигини қайд этиш лозим. Бу борадаги ишларни янада ривожлантириш ва самарали ташкиллаштиришда ФВВ Матбуот хизмати, Фуқаро муҳофазаси институти ва худудий бошқармалар ва ОАВ, хусусан, матбуот нашрлари ўртасидаги ҳамкорликни доимий равишида ривожлантириб бориш, шунингдек ФВВ матбуот ва ахборот хизматларига журналистика соҳаси бўйича замонавий билимларга эга бўлган малакали мутахассисларни жалб қилиш, шунингдек журналистика соҳасидаги олий ўкув юртларида ФВлар журналистикаси йўналиши бўйича ўкув машғулотларини ташкил этиш ҳамда ОАВда фаолият олиб бораётган журналистларни фуқаро муҳофазаси бўйича маҳсус тайёрлов ва малака ошириш курсларига кенгроқ жалб этиш зарур.

Хорижий мамлакатлар босма ОАВда ФВ мавзусининг ёритилиши борасидаги фаолиятини таҳлил қиласар эканмиз, хусусан, Япония, Хитой ва Россия матбуотида ФВ мавзусига оид материалларни ёритиш соҳасида катта тажриба ва салоҳиятга эга эканлигини, уларнинг катта ахборот базасига ва аудиторияга эканлигини юқорида келтирилган маълумотларда кўриб чиқдик. Мазкур давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, ушбу мамлакатларда матбуот нашрлари ва масъул ташкилотлар ўртасида ахборот алмасиши соҳасида ҳамкорлик тизимли равишида йўлга қўйилган. Матбуот нашрлари фаолиятида ФВлар мавзуси ахолининг катта қисмини ўзига жалб қилиши нуқтаи-назаридан келиб чиқиб, мазкур хабарларни ёритишга алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, ушбу мамлакатларда ахоли хавфсизлик маданиятини шакллантиришда даврий матбуот мактаб вазифасини ҳам бажаради. Ўзбекистон Республикасидаги нуфузли даврий нашрлардан бири бўлган бир неча тилларда республика ва жаҳонда содир бўлаётган ФВ ҳақида хабарларни тарқатадиган ОАВ, шу

жумладан газеталар ва уларнинг расмий веб-сайтлари нуфузини оширишда ФВВ Матбуот хизмати билан ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Бу эса матбуот нашрларининг ФВ мавзусини ёритишда медиа оламдаги ролининг ошишига, ОАВ ва ижтимоий тармокларда турли ёлғон ҳабарлар тарқалишининг олдини олишга хизмат қиласи.

Жаҳон ҳамжамиятида кузатилаётган турли кўринишида гоҳ очиқ гоҳ яширин кўринищдаги урушлар айrim мамлакатларда терроризм ва турли оммавий тартибсизликларни келтириб чиқармоқда. Бундай хавф-хатардан ҳеч бир давлат ҳоли эмас. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда терроризм ва жамиятни ичдан бузишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлардан доим огоҳ бўлишимиз лозим. Шу билан бирга давлатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёsatни очиқ, ошкора ва объектив тарзда жамоатчиликка етказиб бориш зарур. Бунда даврий матбуот асосий институт сифатида фаолият олиб боради. Бугунги кунда хукуматимиз томонидан босма ОАВнинг хукуқ ва эркинликларини таъминлаш, журналистика соҳасини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Мазкур ислоҳотлар жараённида ривожланган ҳорижий мамлакатлар тажрибасини миллий қонунчилигимиз асосида қўллаб борсак, босма матбуот фаолиятини янада такомиллашуви жараёнларига позитив таъсир кўрсатади. Бу эса мамлакатимиз ОАВ, хусусан, матбуот нашрларининг жаҳон медиа оламидаги рейтинги ошишини таъминлайди.

Ўтилган мавзу юзасидан савол ва топшириклар

1. Матбуотда терроризм ҳаракатларини ёритиш тамойиллари деганда нимани тушунасиз?
2. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий матбуот нашрларида терроризм ва бошқа ижтимоий хавфли ҳолатлар акс этган материалларни топиб, таҳлил қилинг.
3. Зиддиятли вазиятларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилишининг ўзига хослиги нималарда кўринади?
4. Уруш зонасида журналист фаолияти қандай режалаштирилиши керак?

ІІІ БОБ. БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИ ЁРИТИШДА КАСБИЙ МАҲОРАТ, ТИЛ ВА УСЛУБ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Фавқулодда вазиятлар мавзусини ёритишда журналистнинг касбий компетенциялари

Режа:

1. Журналистларнинг фавқулодда вазият жараёнларини ёритиш учун материаллар тайёрлашда эътибор қаратиш лозим бўлган омиллар
2. Фавқулодда вазиятларни ёритишда журналистнинг касбий маҳорати
3. Фавқулодда вазиятлар журналистикасида ихтисослашув ва конвергенция масалалари

Давлат ва жамият пайдо бўлган даврлардан буён у ёки бу ахборотлар инсоният учун муҳим манба бўлиб хизмат қилган. Айниқса ҳозирги ахборот технологиялари ривожланган бир даврда унинг аҳамияти жамият хаётининг бир бўлаги десак хато бўлмайди. Ахборот оламининг ривожланиши натижасида ихтисослашган журналистиканинг фаолият турлари ҳам кўпайиб бормоқда. Масалан, “ҳориж мамлакатларида ҳар бир соҳанинг ўз журналисти бўлиб, хусусан, сиёсий журналистика, ҳалқаро журналистика, тадбиркорлик журналистикаси, мусиқага оид журналистика, спортга оид журналистика, илмий журналистика, ресторонларга оид журналистика, журналистик текширув, гонзо-журналистика, мультимидаага оид журналистика, фуқаро журналистикаси, диний журналистика каби турларга бўлинган”¹⁴¹.

Жаҳон мамлакатлари тажрибасини кузатар эканмиз, ФВлар билан боғлиқ мавзуларни ёритиш борасидаги йўналиш экстремал журналистика дейилади. Экстремал журналистика – ОАВга мақолалар тайёрлаш учун табиий ва техноген ҳалокатлар, ФВлар, миллий-диний ва бошқа ҳарбий зиддиятлар ҳамда жанговар ҳаракатлар кетаётган худудларда бевосита маълумот тўплаш ва таҳлил қилиш ишларини олиб борадиган журналистиканинг бир йўналишидир. Бунда журналист ўзининг касбий вазифасини бажариш вақтида унинг ҳаёти ва соғлиғи хавф остида қолади¹⁴².

Журналистикага оид адабиётларда экстремал журналистика зиддиятли вазиятлар журналистикасининг бир йўналиши сифатида қаралади. Хўш, зиддиятли вазиятлар журналистикаси ўзи нима? Зиддиятли вазиятлар журналистикаси – бу дунёning маълум бир нуқтасида уруш ҳаракатлари, турли қарама-қаршиликлар ва нотинчлик юзага келган “қайноқ нуқталарда” фаолиятни ташкил қиласидиган ихтисослашган журналистиканинг бир йўналишидир. Бу борада ҳорижлик олимларнинг тадқиқотларига мурожаат қиласидиган бўлсак, россиялик олим В.Тулуповнинг фикрича, “Экстремал журналистика ғайритабиий фактлар ва воқеаларни тадқиқ этадиган зиддиятлар журналистикасининг бир туридир”¹⁴³. Яна бир рус олими Е.Бурачевскийнинг фикрича, “Экстремал журналистика – журналистларнинг зиддиятлар, жанговар ҳаракатлар, террористик актлар вақтида

¹⁴¹ Бўрибекова Ш. Журналист шахси ва шахсияти. Т.: Ўзбекистон. 2012 й. Б.82.

¹⁴² https://studopedia.su/10_77753_zhurnalistika-ekstremalnih-situatsiy.

¹⁴³ Тулупов В. Экстремальная журналистика. Воронеж: Изд-во ВГУ, 2000. С.22.

шунингдек, ФВлар худуди ва табиий табиий оғатлар зоналарида маълумотлар тўплаш ва таҳлил қиласидан йўналишидири^{”144}.

ФВ журналистикаси ёхуд экстремал журналистика-журналистика йўналишларидан бири бўлиб, ОАВда чоп этиш учун материал ФВлар – табиий, техноген, экологик ҳалокатлар вужудга келган, террористик содир бўлган ва ҳарбий ҳаракатлар олиб борилаётган худудларда йигилади. Бунда журналист хатти-ҳаракатлари мавжуд ҳолатнинг ўзи билан мураккаблашиб, у ўзининг касбий фаолиятини ҳаёти ва соғлигини хавф остида қолдирган ҳолда амалга оширади. Экстремал журналистика тушунчаси ўтган асрнинг 90-йилларида, дунёда сиёсий вазият кескинлашган, қудратли собиқ Совет Иттифоқи парчаланиб, унинг таркибидаги 15 та республика ўзининг мустақил йўлини танлаган, шу сабабли айрим худудларда қуролли тўқнашувлар, миллатлараро зиддиятлар вужудга келган даврда ва шунинг оқибатида пайдо бўлди. Натижада 2004 йили Экстремал журналистика маркази тузилди¹⁴⁵. ФВларда журналистлар хавфсизлигини таъминлаш масаласи бир неча бор кўтарилиб, 1970 йили БМТнинг Бош Ассамблеясида Франция ташқи ишлар вазири М.Шуманн ташаббусига биноан, мазкур масалага алоҳида жиддий тус берилди. Шунинг таъсирида Бош Ассамблея Инсон ҳуқуqlари комиссиясига хавфли худудларга хизмат сафарига борган журналистлар хавфсизлигини таъминлашга доир маҳсус Конвенция тайёрлаш вазифасини топшириди. 1971 йили Комиссия ўзи тайёрлаган Конвенция лойиҳасини Ассамблея ва аъзо-давлатларга тарқатди. Мулоҳазалар, таклифлар олинди, улар ишлаб чиқилди ва ниҳоят, бирмунча узоқ давом этган тегишли жараёнлардан сўнг, 1977 йилнинг 8 июнь куни бўлиб ўтган Дипломатик конференцияда 1-Протоколнинг 79-моддаси – “Журналистларни мухофаза қилиш чоралари” номи остида қабул қилинди. Мазкур модданинг маъноси қуйидагича: – “Қуролли конфликт давом этаётган, экологик ҳалокат вужудга келган худудда хизмат сафарida бўлган фуқаро сифатидаги журналист фуқаро шахсларга ҳалқаро гуманитар ҳукуқ томонидан бериладиган ҳуқуqlардан тўла-тўқис фойдаланади. – Қуролли кучларда аккредитациядан ўтган ҳарбий мухбирларга III Конвенцияда маҳсус ҳолат мақоми қўлланилади. Протоколга илова қилинган шахсни тасдиқловчи ҳужжат намунасига мос ҳужжати бўлган шахс ҳақиқатан ҳам фотожурналист ҳисобланади”¹⁴⁶. БМТ Конвенциясининг 5-модда, 2-хатбошида журналист фуқароси ҳисобланган ҳукумат томонидан бериладиган мазкур ҳужжатнинг орқа томонида “Ушбу ҳужжат эгаси хизмат сафари чоғида профессионал

¹⁴⁴ Бурачевская Е. Специфика работы журналиста в зоне экстремальной ситуации. Журнал. – ФГБОУВУ высшего образования «Сибирский государственный университет науки и технологий имени академика М.Ф. Решетнева» (Красноярск), 2014 г. С.14.

¹⁴⁵ 89 www.cjes.ru

¹⁴⁶ Гассер Г., Моду А. Защита журналистов в опасных командировках. Международное гуманитарное право и деятельность фотожурналистов. – Международный Комитет Красного Креста. 1994. С.7

этиканинг барча меъёрларига қатъиян риоя этиши ва ўзи борган бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслиги, ҳар қандай сиёсий ва ҳарбий фаолиятларга ёхуд жанговар ҳаракатларга дахлдор бўлиб қолишдан ўзини эҳтиётлаши зарур деган эслатмалар бўлмоғи керак” деган сўзлар ёзилган. Бу ОАВнинг жамоатчилик фикрига, унинг шаклланишига кўрсатадиган таъсири. Шундай экан, ОАВ орқали тарқатилаётган ахборот юз берган конфликтнинг яхши ёхуд ёмон томонга ўзгаришига ҳам таъсир кўрсатиши эҳтимолини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам зиддиятли вазиятларда кўлланиши учун турли мавқедаги халқаро сиёсий институтлар томонидан халқаро нормалар ишлаб чиқилган, фотожурналист этикаси меъёрлари яратилган, ОАВнинг ўзини ўзи цензура қилиши йўлга қўйилган. Бу ўринда ўзини-ўзи цензура қилишни тўғри талқин этмоқ зарур, зеро, журналистнинг холислиги ва мустақиллиги биринчи навбатда унинг шахсий, касбий одоби ва маданиятига боғлиқдир. Биз тинч даврда фаолият юритаётган журналистнинг касб одобига доир муаммолар ҳақида кўп гапирамиз, бироқ экологик ва техноген хавфли худудларда журналистнинг бурчи, эркинлиги ва масъулияти масаласи бир неча ўн ва юз баравар ортиб кетади. Конфликтли ҳолатлардаги воқеа-ходисаларни ёзиша ўзига хос нозикликлар мавжуд албатта. Биринчи навбатда, журналист юз берган ҳодисалар ҳақида бошқалардан кўра тезкор ва таъсирли ахборот ёзишга ҳаракат қиласди. Шундай руҳда ёзилган ва тарқатилган ахборотнинг таъсир кучи кўпроқ бўлади. Одатда шундай ҳолатларни шарҳлашга киришган сиёсатдонлар тезкорликка ва таъсирчанликка берилган ҳолда совуқконликни унутиб қўйганларидек, журналистларда ҳам биринчи бўлиб хабар бериш истак ва иштиёқи масъулият ва ҳақиқий ахволни ёритиш бурчининг унутилишига олиб келиши мумкин. ФВда мураккабликлар ва айниқса, турли матбуот вакилларининг кўплиги журналистлар орасида ҳам ўзига хос рақобат мухитини келтириб чиқаради. Чунки табиий, техноген ва экологик ҳалокатлар оқибатини бартараф этиш журналистлар учун аудитория эътиборини жалб этадиган материал тайёрлаш имконини беради. Ҳолатдаги фожеа, қутқарувчилар фаолияти, қаҳрамонлиги албатта ўқувчи ва томошабин эътиборини тртади. Шу сабабли ОАВ тезроқ ўз вакилларини мазкур худудларга жўнатишга ҳаракат қилишади. Фукусимадаги ядрорий ҳалокат, Индонезияда цunami келтирган талофатлар, Эронда сув тошқини оқибатида кўрилган зарар ва қурбонлар, Хитойдаги зилзила тафсилотлари жаҳоннинг кўплаб оммавий ахборот воситаларида чоп этилди. Журналистнинг бевосита ҳалокат худудидан туриб тайёрлаган журналистик материали объективлиги билан ажralиб туради. Бундай ҳалокатларнинг фожеавийлигини фақатгина уни ўз кўзи билан кўрган журналистгина ўз ўқувчисига етказиб бера олади. ФВ журналистикасининг яна бир ўзига хослиги бор. Гап шундаки, ҳалокат юз берган худудларда турли сабабларга кўра ахборот олинмайдиган, яъни

“ахборотсиз” фурсатлар юз беради. Хўш, бундай ҳолатларда нима қилмоқ керак? Журналистларда “ахборотнинг йўқлиги ҳам ахборот”, деган нақлнамо гап бор. Демак, журналист “ахборотсиз” фурсатда жим ўтиргани маъқулми ёхуд унчалик текширилмаган ахборотни йўқдан кўра қабилида тарқатавериши керакми? Иккинчи усулни кўллайдиганлар ҳам учраб туради, ваҳоланки, унчалик текширилмаган ахборотни тарқатиш ҳам кенг оммани чалғитишга хизмат қилиши ҳеч гап эмас. Ҳалокат содир бўлган худудларда ҳеч қандай мухбири ёки фотожурналист тўла-тўқис ўзи истаган даражада ҳаракатлана олмайди, исталган дақиқада зарур ахборотни қўлга киритолмайди. Бундан, у кечаётган асл жараён ҳақида тасаввурга эга эмас деган хулоса келиб чиқади. Шунинг учун ФВларда фаолият юритаётган журналист журналистикининг асосий тамойилларирига риоя этган ҳолда олинган ахборотни холис кузатиши, экологик ҳалокатли худудлардан тайёрланган материалда фикрлар ранг-баранглигига эътибор бериши керак

Ҳозирги таҳликали замонда ОАВда кўпроқ фавқулодда ходисалар ҳақидаги ахборотларни бериш оммавий тус олган. Қаердадир цунами бўлгани, авиаҳалокат юз бергани, поездлар тўқнашгани, этник гуруҳлар, ҳалқлар орасида низолар келиб чиққани ёки террорчилик ҳаракати содир этилгани ҳақидаги хабарлар узатиладиган кундалик ахборотлардан албатта ўрин олади. Бундай ахборотлар ҳақида гап кетар экан, ФВда журналистларнинг иштирок этиши масаласи кун тартибига чиқади. Албатта, аввало ҳалокат содир бўлган жойга етиб борган журналист ФВдан муҳофазаланиш учун маҳсус кийим кийиши, агарда унинг ёрдами зарур бўлса, аввало жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиши ҳамда ўз вазифасини амалга ошириши лозим. Бундай вазиятларда журналистдан маҳсус тайёргарлик, ҳам руҳан, ҳам жисмонан куч талаб этилади.

Ривожланган ҳориж мамлакатлари тажрибасини кўрадиган бўлсак, Англияда ФВлар журналистикаси фан сифатида ўргатилмайди. Журналистлар уч ойлик курс давомида тегишли билимларга ва тушунчага эга бўлишади. Россия Федерациясида ФВ журналистикаси бўйича журналистлар ФВВ олий ўқув юртларида маҳсус дастур асосида тайёргарлик ва малака ошириш курсларида ўқитилиб, журналист ҳам руҳан, ҳам жисмоний билимларга эга бўлади. Тиббий ва ҳарбий билимлар ҳам қўшимча тарзда ўргатилади¹⁴⁷. ФВларда фаолият олиб бораётган журналист ҳарбий билимлар билан бир қаторда тиббий ёрдам кўрсатиш кўнижасига ҳам эга бўлиши ва руҳий жиҳатдан кучли бўлиши керак. У ҳар қандай ҳолатда ҳам ахборотни ошкор этмаслиги лозим. Журналист ФВлар содир бўлган худудлар бўйича маълумотни ёритаётганда мазкур худуднинг тарихи, маданий ҳаёти, аҳолисининг менталитети, турмуш тарзи ва ижтимоий ҳаётини ўрганиши талаб қилинади.

¹⁴⁷ Н.Қосимова Зиддиятли вазиятларда журналистика. Т.:ЎЗДЖТУ.2019. Б.142.

ФВлар мавзусини ёритишида журналист журналистика соҳаси билан биргалиқда ФВларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасидаги ваколатли органларнинг меъёрий-хукуқий хужжатлари ва фаолияти ҳақида билимга эга бўлиши лозим. Масалан, Ўзбекистонда ФВВ тизими ва ФВДТнинг мутахассисларининг маслаҳатлари, соҳадаги меъёрий-хукуқий хужжатлар, ўқув, илмий қўлланмалар, ихтисослашган газета ва журналлардан фойдаланиши керак. Содир бўлган ФВ, унинг оқибатлари ҳақида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилган тарзда асосли манбаларни ёритиш зарур. Шу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бирон ФВ содир бўлганда барчанинг диққат-эътибори воқеанинг нима сабабдан келиб чиққанлиги, қачон содир бўлганлиги, қанча зарар етказилганлиги каби саволлар барчани қизиқтиради. Мазкур саволларга жавоб бериш ФВларни бартараф этиш ишларига жалб қилинган ташкилотлар (мас:ФВВ, ИИВ, ССВ ва бошқалар)нинг матбуот хизматларида фаолият юритадиган масъул раҳбар ва ҳодимлар зиммасига тушади. Бунда матбуот хизмати раҳбари воқеа-ҳодиса тўғрисида маълумотларни очиқ ва шаффоф етказиши керак. Бу ҳақда америкалик журналист АҚШнинг собиқ Президенти Б.Клинтоннинг матбуот хизмати вакили Сьюзен Кинг қуидаги фиқрларни билдиради: “ФВ вақтида барча иштирокчи шахсларни залга йиғингда, факат фактларни баён қилинг. Ҳеч қачон билганингиздан ортиқ нарсани айтманг, ўз фикрингизни айтишга таваккал қилманг ва журналистларга муттасил янги ахборотни айтинг. Репортёрлар ахборот олишлари лозим, сиз уларга ҳеч нарса айтмасангиз, улар миш-мишларни эълон қилишади”¹⁴⁸. Агар ФВлар бўйича маълумотларни матбуот хизмати ҳодими ўз вақтида эълон қилмаса, турли асоссиз хабарлар ва миш-мишларнинг тарқалишига, тегишли вазирлик ёки идоранинг матбуот хизматига бўлган ишонч сусайиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, мазкур соҳада фаолият юритадиган журналистнинг ўз мутахассислиги бўйича тайёрлайдиган материали ёки мақоласи оригинал, сифатли ва ўқувчига кўрсатадиган психологик таъсир ҳолатлари ҳисобга олинган бўлиши лозим. ФВлар билан боғлиқ мавзулар содир бўлган ФВлар, уларнинг олдини олиш, бартараф этиш каби масалаларни ўз ичига олган бўлса, бунда содир бўлган ФВлар ҳақида материаллар хусусан, воқеа тафсилотлари, қурбонлар сони, ФВларнинг тарқалиш кўлами билан боғлиқ маълумотлар аҳолининг руҳий-психологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли ҳам ФВлар мавзусига оид соҳа журналистларида ишга нисбатан бошқа соҳаларга қараганда масъулият катта бўлади. Чунки улар ҳам журналист, ҳам ихтисослашган соҳанинг мутахассиси сифатида фаолият юритади. Шундан келиб чиқиб, ФВлар мавзусини ёритадиган журналист мазкур соҳада чуқур билимга эга бўлиши, ФВлар билан боғлиқ материалларни чуқур таҳлил қила олиши,

¹⁴⁸ Салливан М. Масъул матбуот хизмати. <http://usinfo.state.gov>. 2012. Б.59.

мустақил нұқтаи-назарга эга бўлиши ва шу билан бирга содир бўлган ФВ ҳақида хабар берувчи эмас, балки ахолини огоҳликка, уларнинг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиласидаги профилактик материал сифатида ёритилишига эътибор бериши зарур.

Журналистлар ФВ билан боғлиқ жараёнларни ёритиш учун материаллар тайёрлашда қуйидаги омилларга эътибор қаратиш лозим:

- ФВнинг келиб чиқиши омили ва уни келтириб чиқарган сабабларни ўрганиш;
- ФВнинг юзага келиш муаммоларини тадқиқ этиш;
- ФВ тўғрисидаги материалларнинг ахолига психологик таъсирини ҳисобга олиш шарт. Кўп ҳолларда содир бўлган ФВнинг сабаблари, хавфи, эҳтимолий оқибатлари тўғрисида нотўғри тасаввурлар пайдо бўлишига олиб келиб, одамлар орасида вахима уйғонишига олиб келиши мумкин;
- фактлар билан ишлаганда маълумотларни ОАВга бераётганда ғоятда эҳтиёткор бўлиши, уларни текшириб, кейин аудиторияга эълон қилиши керак;
- содир бўлган ФВни ёритишида ахолини огоҳликка даъват этиш ва жамоатчилик хавфсизлик маданиятини ривожлантириш масаласини қўйиш.

ФВлар журналистикаси соҳасида фаолият олиб бораётган журналист ўткир қалам эгаси бўлиши, соҳада амалга оширилаётган тадбирларни чуқур ўрганиши, уларни кенг ёрита олиши, шунингдек мавжуд муаммоларни дадил кўтариб чиқиши, доимо изланиши ҳамда ижодий маҳоратини ошириб бориши керак. Масалан: Бу ҳақда 2010 йил 14 апрелда Жоржтаун университетида ўтказилган “Гаитидаги фожиа: талофатларни қоплаш”¹⁴⁹ мавзусида тадбирда бир неча машхур журналистлар Гаитидаги зилзила оқибатларини ёритиш борасида фикр алмашадилар. Бу ҳақда CBS News ва 60 Minutes телевизион журнали бош мухбири Байрон Питтс қуйидаги фикрларни билдиради: “Зилзила каби оғатлар ва фожиаларни ёритиш – репортажнинг энг оддий туридир. Бундай янгиликлар ҳақида мақола ёзиш бошқа мақолалардан деярли фарқ қилмайди. Бу қийин иш эмас. Бунда сиз ким?, нима?, қачон?, қаерда?, нимага? ва қандай? саволлари асосида маълумотларни келтирасиз. Яъни сиз кўрган нарсаларингиз ҳақида хабар берасиз. ФВни ёритиш осон бўлиши мумкин, аммо бу жараён инсоният ва ўлим билан боғлиқ бўлганда эҳтиёткорлик билан ёндашув керак”¹⁵⁰. Кўп ҳолатларда ФВ рўй берган худудлар бўйича журналистлар материаллар тайёрлашда қийинчиликларга дуч келади. Чунки бу ерда ҳалок бўлган, жабрланган одамлар, бузилиб кетган инфраструктура, моддий таъминот ва хукумат томонидан амалга оширилаётган кутқарув ишлари билан боғлиқ муаммолар бўлиши

¹⁴⁹ 2010 йил 12 январь куни Гаитида кучли зилзила (M-7 балл) содир бўлган. Табиий оғат оқибатида 300 мингдан ортиқ одам ҳалок бўлиб, таҳминан 5.6 млрд. евро моддий зарар келтирилган.

¹⁵⁰ Perreault M. Covering the Haiti earthquake of 2010: how journalists used technology to capture the conditions of Haiti in the aftermath. Washington, DC, 2010. P.20-21.

мумкин. Мазкур муаммоларни түғри ёритиши, амалга оширилаётган ишлар жараёнини тўлиқ ўрганиши, ҳалок бўлганлар ва моддий талофатлар ҳақида асосли манбаларни ёритиши керак. Бунда ФВ содир бўлган ҳудуд маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий матбуот, масъул давлат органлари матбуот хизматларининг маълумотларига асосланиши керак. Шу билан бирга ФВни бартараф қилиш ишларига жалб қилинган ҳар бир ташкилот матбуот хизматлари ва маҳаллий матбуот нашрлари ФВ тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида ёритиб бориши зарур. Бу эса ҳозирги давр дунё медиа оламидаги кучли рақобат ва кураш шароитида айрим хориж мамлакатлари ОАВнинг турли асоссиз хабарларни тарқатишининг олдини олишга хизмат қиласди. Шу билан бирга газета ва журналларда ФВлар мавзусига оид материалларни тайёрлашда журналист унинг ижтимоий-сиёсий, психологик ва маънавий жиҳатларига, шунингдек адабий тил қоида ва меъёрлари, жумла тузищ, матннинг таркибий қисмлари орасидаги уйғунлик, боғланиш, изчиллик, мазмуний ва мантиқий тугаллик, уларнинг шаклий яхлитлигига алоҳида эътибор бериши лозим. Зоро, газета ва журнални барча аҳоли қатлами ўқииди. Шунинг учун газета ва журналнинг нутқи миқдор жиҳатдан кўп, ёши, касби, соҳаси, билими ва ижтимоий тоифаси хилма-хил аудиторияга мўлжалланган бўлади.

Ҳозирги кунда дунёда юз бераётган глобал иқлим ўзгариши натижасида тез-тез вужудга келаётган ҳалокатлар, яъни сув тошқинлари, сел келишлар, ёнғинлар, зилзилалар содир бўлган ҳудудлардаги журналист олдида турган вазифа оддий кундалик ҳаётда ОАВ вакиллари олдида турган мақсад ва вазифалардан деярли фарқ қилмайди. Бу – ахборотни тўплаш, қайта ишлаш ва узатишдир. Аммо ана шу ахборот, факт ва далиллар тўпланадиган вазиятнинг ўзи журналистдан эҳтиёткорлик билан биргаликда, касбий маҳорат, вазиятни таҳлил эта олиш, ҳалокат оқибатида жабр чекканлар билан суҳбатлашишда ахлоқий меъёрларга риоя этишни талаб қиласди. Экологик ва техноген вазиятларда журналист фаолияти қандай бўлиши лозим? У нималарга биринчи галда ўз эътиборини қаратиши керак?

Биринчидан, экологик ва техноген ҳалокатлар содир бўлганда давлат органлари унинг ва кўрилган зарап ҳажмини, қурбонлар сонини камайтириб кўрсатишга ҳаракат қилишади. Бундай вазиятда объектив ахборот олиш жуда ҳам қийин. Масалан, 2014 йил август ойида Японияда содир бўлган сув тошқини оқибатида 42 киши вафот этган. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг хабарларига кўра, 43 киши бедарак йўқолган. Хиросима ҳудудида 3.000 га яқин қутқарувчилар аҳолини эвакуация қиласган. Ҳалокат оқибатида 100.000 дан ортиқ одамлар ўз уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлишган¹⁵¹. Юқорида келтирилган далиллар Япония хукуматининг расмий баёнотидан олинган. Аммо

¹⁵¹ <https://korrespondent.net>

норасмий манбаларнинг келтирилишича, сув тошқинидан ҳалок бўлган ва жабрланганларнинг сони бир неча баробар кўпроқ. Ҳалокат ҳажмининг кенглиги журналист фаолиятини қийинлаштиради.

Иккинчидан, олинган ахборотнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш фавқулодда вазиятларда жуда муҳимдир. Чунки бундай ҳолатларда аксарият дезинформация тарқатилади. Журналист олинган ахборотни камида иккита манбадан текшириб кўриши лозим. Фақат шундагина унинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Албатта манбаларни текшириб кўриш йўллари кўп. Биринчи галда олинган ахборотни мавжуд хужжатлар билан солиштириш. Экологик ҳалокат содир бўлган ҳудуддаги аҳоли ва мутасадди давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вакиллари билан сұхбатлашиш, ҳокимият ва архивга мурожаат этиб, маълумотларни солиштириш.

Учинчидан, журналист ўзи тайёрлаган материалининг салбий оқибатларини ҳам ўйлаб кўриб, “зарар етказма” тамойилига асосан иш кўриши мақсадга мувофиқдир. Аксарият ҳолатларда экологик ҳалокат содир бўлган ҳудудлардаги жабрланувчилар ҳолати, ҳалокат ҳажми ва унинг оқибатларини кўрсатиша эҳтиёткорлик зарур. Узилган кўл-оёқлар, чўкиб кетган одамларнинг жасадлари, зилзила оқибатида бино тагида қолиб кетган ва танасининг бирор бир қисми чиқиб қолган жабрланувчиларни йирик планда кўрсатиш ҳар қандай ўқувчининг ҳиссиётлари, биринчи галда жабрланувчиларнинг қариндошлари ва яқинларининг хис-туйғуларига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини унутмаслик лозим.

Тўртинчидан, журналист ўзининг сиёсий, диний қарашларидан қатъий назар, ҳар қандай ҳолатда вазиятни тўғри баҳолаши ва бетарафлик тамойилига риоя этиши керак. Экологик ва техноген хавфлар мавжуд ёки ҳалокатлар содир этилган вазиятларда журналист айнан ўзининг сиёсий ёки диний қарашларини ўз материалида акс эттирмаслиги, аниқ далилларга эга бўлмай туриб, миш-мишларга асосланган ҳолда ёлғон ахборотни тарқатмаслиги жуда ҳам муҳимдир.

Бешинчидан, журналист тезкор равища материал тайёрлаши ва узатиши учун қисқа муддатда тўғри қарор қабул қилиш заруратини келтириб чиқаради. Экологик ҳалокат содир бўлган ҳудудлардан узатилган тезкор материал турли миш-мишлар ва ахборот хуружларининг олдини олишга ёрдам беради, албатта. Бунда журналист журналистика жанрлари: хабар, репортаж, интервью, очерк, мақола ва бошқалардан фойдаланиши, қўл остидаги техникани максимал ишлатиши материалнинг таъсирчанлигини янада оширишга хизмат қиласди.

Олтинчидан, иқлим ўзгариши ва унинг оқибати ҳақида материал тайёрлаётган журналист мавзу бўйича етарли билимга эга бўлиши, тушунчалардан фойдалана олиши

лозим. Иқлим ўзгариши бевосита об-ҳаво билан боғлиқ экан, журналист танланган худудда аҳолининг турмуш тарзи, сўнгти йилларда қишлоқ хўжалигидағи ўзгаришлар (бевосита об-ҳаво ўзгариши муносабати билан), махаллий халқнинг урф-одатлари билан танишиши мақсадга мувофиқдир. Махаллий одатларга ҳурмат билан қараш журналистнинг тўлиқ ва холис ахборот йиғиши имкониятини беради. Экологик ҳалокат содир бўлган худудларда ахборот олиш ва уни тарқатиш алоҳида муаммо бўлса, журналистларнинг жисмоний хавфсизлигини таъминлаш яна бир жиддий муаммолардан саналади. Шулардан бири – журналистларнинг бевосита ҳалокат чоғида шикастланишидир. Ҳар қандай зиддиятли ҳолатлар журналист фаолият юритиши учун фавқулодда вазият ҳисобланади. Ахборотни вақтида ва мукаммал узатиш журналистдан воқеа жойида бўлишни, воқеа-ҳодисаларни ўз кўзи билан кўришини тақозо этади. Ушбу мажбурият ва бурч журналистни энг хатарли жойларга боришга ундейди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, фуқароларни ФВлардан муҳофаза қилишда ФВлар журналистикаси ихтисослигини ривожлантириш, мутахассисларни янада кўпайтириш, ФВВ олий ўкув муассасалари ҳамда журналистлар тайёрланадиган олий таълим муассасалари ўртасида таълим соҳасида ҳамкорлик ишларини ривожлантириш, шу билан бирга ОАВда аҳолининг хавфсизлик маданиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган материаллар сонини ошириб бориш лозим. Бу эса мамлакатимиз тинчлиги ва аҳоли ҳаётий фаолияти хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиласи.

Ўтилган мавзу юзасидан савол ва топшириклар

1. Журналистларнинг фавқулодда вазият жараёнларини ёритиш учун материаллар тайёрлашда эътибор қаратиш лозим бўлган омиллар қайсилар?
2. Фавқулодда вазиятларни ёритишида журналистнинг касбий маҳорати нималарда намоён бўлади?
3. Фавқулодда вазиятлар журналистикасида ихтисослашув ва конвергенция масалалари ҳақида фикрингиз?

3.2. Матбуотда ФВлар мавзуси ёритилишининг тил ва услуг масалалари

Режа:

1. Фавқулодда вазиятлар мавзусидаги медиаматериалларнинг лисоний хусусиятлари
2. Мустақиллик даври матбуотида фавқулодда вазиятлар мавзусини ёритишида рукнлар ва лексик бирликлар
3. Фавқулодда вазиятлар мавзусини ёритишида услуг масалалари

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, босма матбуотнинг мазмун-моҳияти, тили, услуги ва бошқа хусусиятлари тубдан ўзгарди. ОАВ, хусусан, матбуот соҳасида журналистларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция билан мустаҳкамлаб қўйилди. Бу эса журналистларнинг матбуотда эркин ижод қилиши, жамиятда содир бўлаётган ҳодисаларни объектив ёритишга кенг имконият очиб берди. Мустақилликгacha бўлган даврда матбуот нашрлари кучли цензура остида бўлиб, жамиятда рўй бераётган воқеалар расмий маълумотлар, ҳисботлар, ўша даврга хос бўлган хабарлар, репортажлар ва очерклар ташкил қилган. Матбуот нашрларида ФВлар мавзусига оид материалларнинг ёритилиши ҳақида кўп ҳолатларда фақат расмий маълумотлар, шунингдек журналистлар томонидан тайёрланган мақолалар ва репортажлар тегишли органлар рухсати билан чоп этилган. Кўп ҳолларда республика ҳудудида содир бўлган ФВлар ҳақидаги маълумотлар объектив ва шаффоф ёритилмаган. Масалан, 1966 йилдаги Тошкент 1976 йилги Газли ва 1980 йилги Назарбек зилзилалари қисқа расмий янгиликлар шаклида ёритилган. Бунда фақат олиб борилган тиклаш-қурилиш ишлари ҳақида расмий ҳисботлар, жойлардан олинган репортажлар ва оғатни бартараф қилишга жалб қилинган илғор ишчи-ходимлар ҳақидаги очерклар чоп этилган. Маҳаллий ва локал даражадаги ФВлар ҳақидаги маълумотлар, хусусан, ижтимоий ҳаётда содир бўлган ёнғинлар, йўл транспорт ҳодисалари, ис гази ва ишлаб чиқаришдаги авариялар жуда кам ёритилган.

Мустақиллик даври матбуоти жамиятнинг барча соҳалари, шу жумладан, жамиятда содир бўлаётган ФВларга оид воқеа ва ҳодисаларни очиқ, ва объектив ёритиш имконини берди. Республикаиздаги етакчи босма ОАВ ҳисобланган “Халқ сўзи”, “Правда Востока”, “Оила даврасида”, “Ўзбекистон овози”, “Жамият”, “Янги Ўзбекистон”, “Вазият”, “Постда” ва бошқа газеталарда ФВлар мавзусига бағишлиланган кўплаб материаллар чоп этила бошланди. Бунда матбуот тили соҳасида ҳам бир қатор ижобий ўзгариш рўй берганлигини, хусусан, газета тилида ФВларга оид материалларни ёритишида турли жанрлар хабар, мақола, ҳисбот, ҳикоя, лавҳа ва бошқалардан фойдаланиш оммалашди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ОАВ фаолиятини янада эркинлаштириш, унинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида матбуот нашрларининг сони ошиб бормоқда. “2018 йилнинг июль ойи ҳолатига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, туман ва шаҳарларда 673 номдаги газета, 341 номда журнал чоп этилмоқда. Шунингдек, 15 номда

ахборотнома-бюллетень нашр этилаётир. Шулардан 482 номдагиси давлатта қарашли, 547 таси эса нодавлат оммавий ахборот воситаси ҳисобланади”¹⁵².

ОАВ ичида газета – янги сўз, ибора, бирикмаларнинг энг сезгир кўзгусидир. У жамият ҳаётининг барча соҳаларида содир бўлаётган ўзгаришларни бошқа ҳар қандай воситалардан тезроқ акс эттиради, кўп ҳолларда, умумхалқ лексикасига кириб келаётган янги сўз ва ибораларни қайд этувчи биринчи ёзма манба бўлиб қолади. Тил нормаларини стандартлаштиришда ҳам айнан оммавий мулоқот тили, газета-публицистик услуб етакчилик қилмоқда¹⁵³. Газета тили бошқа ОАВ тили каби ахборот етказиш, тарғибот-ташвиқот, тарбиялаш, реклама қилиш, таъсир ўтказиш вазифаларини ўтайди. Хусусан, газета тилининг ахборот етказиш вазифаси қуидаги материалларда келтирилган: “Халқ сўзи” газетасида 1991 йил 4 май куни Тошкент вилояти Ангрен шаҳрида яқинидаги Жигаристон кўргонида содир бўлган ҳалокатли кўчки содир бўлганлиги тўғрисидаги чоп этилган бир неча материаллар “Жигаристонда мусибат, Ўзбекистонда мотам” номли рукни остида “Чукур ва самимий таъзия” номли материалда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг Ангрен шаҳри аҳолисига таъзияси, ЎзССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент вилояти Ангрен шаҳрига қарашли Жигаристон қўргонидаги табиий офат (Ер силжиши) оқибатларини тутатувчи Республика комиссиясини тузиш ҳақида”ги фармойиш ва ЎзССР Олий кенгашининг “1991 йил 6 майни ЎзССРда мотам куни деб эълон қилиш тўғрисида” ги қарори чиққанлиги, “Народное слово” газетасининг 1998 йил 9 июлдаги 134 (1918) сонида “Сообщение” (Хабар) мавзусидаги материалда 1998 йил 8 июлда Фаргона вилоятининг Фаргона туманидаги Шоҳимардон қишлоғида содир бўлган кучли сув тошқини билан боғлиқ ФВ ҳақида¹⁵⁴, “Янги Ўзбекистон” газетасининг 2020 йил 29 апрелдаги 69-сонидаги “Президент ташрифи одамларнинг рухини кўтарди”¹⁵⁵ мавзусидаги мақолада 2020 йил 27 апрель куни Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Самарқандда вилоятларида юз берган кучли шамол билан боғлиқ ФВ юз берган худудларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи ҳақидаги хабарлар берилган. Газета тилининг тарғибот-ташвиқот вазифасини “Вазият” газетасидаги “Ғаллани ёнгиндан сақлайлик” номли мақолада кўриш мумкин. Унда республикамизда ғалла ўрим-йиғими даврида ғаллани ёнгиндан асраш, уни нест-нобуд қилмасдан йиғиб олиш тарғиб қилинган бўлса¹⁵⁶, “Правда Востока” газетасидаги “Бить

¹⁵² <https://journalist.uz/o'z/oav-2/o'zbekiston/gazeta-va-jurnallar>

¹⁵³ Бакиева Г., Тешабаева Д. Оммавий ахборот воситалари тили. Т.: ЎзДЖТУ. Б.53.

¹⁵⁴ “Халқ сўзи” газетаси. 7 май 1991 йил. 85 сон.

¹⁵⁵ “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2020 йил 29 апрель 69 (69) сон.

¹⁵⁶ Зулунов С., Умаров А. “Ғаллани ёнгиндан сақлайлик”. “Вазият” газетаси. 27 май 2021 йил. 21 (806) сон.

всегда бдительными” номли материалда терроризмнинг бугунги кунда жамият учун хавфи ва ундан ҳар бир фуқаронинг огоҳ бўлиш масалалари тарғибот-ташвиқот қилинади¹⁵⁷.

Газета тилининг тарбиялаш ва таъсир ўтказиш вазифаларини “Оила даврасида” газетасидаги “Тилсиз ёв билан ёвлашманг” мақолада¹⁵⁸ фуқароларимизнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш зарурлиги ҳаётий воқеалар мисолида тушунтиришга ҳаракат қилинган бўлса, “Ўзбекистон овози” газетасидаги “Орол муаммоси – олам муаммоси” номли мақолада¹⁵⁹ бугунги кунда нафақат республикамизда, балки глобал экологик муаммолардан бири бўлган Орол дengизининг қуриши оқибатида юзага келган экологик ФВ хавфини камайтиришда ҳар бир фуқаронинг масъул эканлиги ҳақида фикрларни таъсир этишга ҳаракат қиласди.

Тил - ҳар бир халқнинг қадриятлари, маънавияти ва келажак авлодни тарбиялашдаги муҳим воситаси бўлиб, жамият ривожланишининг асосий қисмидир. Ҳар бир халқнинг тили каби ўзбек адабий тили ҳам ўзининг қатъий қонун-қоидаларига, яъни адабий нормасига эга. Мазкур нормага амал қилиш жамиятда рўй берадиган воқеа ва ҳодисаларни ёзма матн орқали ёритадиган матбуот нашрлари учун жуда муҳимдир. Чунки матбуот ёзма манба сифатида адабий тил нормасини ўзлаштиришда намуна вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам матбуот тили намунавий тил ҳисобланади. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, матбуот тили олдига қўйиладиган талаблардан бири материалларнинг аниқ ва лўнда ҳамда таъсирчан шаклда ёзилишидир. Бу муҳим хусусият ФВлар мавзусига оид материалларга ҳам таалуқлидир. Матбуотда кўпгина мавзулар каби ФВлар мавзусини ёритишда газета-публицистик услугидан кенг фойдаланилади. Чунки мазкур услуг лексиканинг шаклланиши, ривожланишини икки асосий омил, икки асосий вазифа белгилаб беради: бу – бир томондан, хабар, ахборот бўлса, бошқа томондан, тарғибот ва ташвиқотдир. Айни шу икки вазифа ФВларга оид материалларни ёритишда муҳим функцияни бажаради. Яъни матбуотда ФВларга оид материалларни ёритишдан мақсад, аввало жамият аъзоларига содир бўлган ФВлар ҳақида хабар, ахборот етказиш бўлса, кейинги асосий вазифа аҳолини ФВлардан муҳофаза қилиш мақсадида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришидир. Газета тилида ахборотни етказишда жуда зарур бўлган таъсирчанлик – таъсир ўтказиш билан уни бирор-бир қолипда тақдим этишда ўзаро мутаносибликка эришиш ва бунга доимо риоя қилиш муҳим зарурат ҳисобланади. Публицистик стилда газета тили алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки газета ва публицистика

¹⁵⁷ “Правда Востока” газетаси. 1999 йил 18 февраль 33(23971) сон.

¹⁵⁸ Убайдуллаев М. “Тилсиз ёв билан ёвлашманг”. <https://od-press.uz/xabarlar/4986>

¹⁵⁹ Ержанова Б. “Орол муаммоси-олам муаммоси”. “Ўзбекистон овози” газетаси. 2017 йил 28 сентябрь 119 (32.334) сон.

бир бири билан чамбарчас боғлиқ. Шу билан бирга, газета стили публицистик стилнинг бир тармоғи ҳисобланади¹⁶⁰.

Лингвистик адабиётларда лексикон (сўз бойлиги) шаклланиши ва ривожланишининг уч асосий йўли ажратиб кўрсатилади. Булар ижтимоий-сиёсий лексика учун хам ўринлидир. Улар қуидагилардир: сўз ясаш, семантик жихатдан қайта англаш, четдан ўзлаштириш¹⁶¹. Бу йўлларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бунда энг самарали йўл, бу сўз ясашидир. Газета-публицистик услубнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, бунда специфик, кўп жихатдан фақат шу услубга хос бўлган лексик воситалар фондини шакллантиришга интилиш қузатилади. Газета-публицистик услубдаги матнлар лексик таркибининг катта қисми аббревиатура ва қисқартмалардан иборатдир. Бу нарса долзарб маълумотни қисқа ва лўнда, тезкор тарзда етказиш зарурати билан изоҳланади¹⁶². Кўпинча бундай лексик бирликлар турли давлатлар, ташкилотлар, идоралар, маҳсус атамалар ва бошқаларни аташ учун кўлланилади (АҚШ, ШХТ, ФВВ, ССВ, ФВДТ ва ҳ.к.) Масалан, “АҚШда 133 та машина иштирокида йирик ЙТҲ содир бўлди”¹⁶³, “ШХТ эзгу мақсадлар рўёбига хизмат қилади”¹⁶⁴, “Чўкаётган фуқароларни қутқариш жараёнида жасорат кўрсатган ФВВ ходими ҳалок бўлди”¹⁶⁵, “Техосмотр”¹⁶⁶, каби мақолаларни кўрсатиш мумкин.

Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар маълум бир соҳадаги тушунчаларни ҳам ўзгартириб юборади. Бу эса унинг газета тилида ҳам ўзгаришига сабаб бўлади. **Масалан**, илгари вақтларда қўлланилган “фуқаро мудофааси” тушунчаси, ҳозир кунда “фуқаро муҳофазаси” сўзига, “халқ хўжалиги тармоқлари” сўзи эса “иқтисодиёт объектлари тармоғи” тушунчасига ўзгартирилган¹⁶⁷.

Газета тилининг ижтимоий ҳодисалар билан узвий боғлиқлиги, тилнинг умумий лексик-семантик системасига қучли таъсир ўтказиши ҳақида таниқли олима Я.Маматова қуидаги фикрларни билдиради: “Газета ва журналлар лексикаси сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳодисалар билан боғлиқ сўзлар, истилоҳлар ва иборалар ҳисобига тезкорлик билан бойиб бормоқда”¹⁶⁸. Газета жамоатчилик учун қизиқарли бўлган

¹⁶⁰ Кўнгурев Р., Каримов С., Курбонов Т. Нутқ маданияти асослари. Самарқанд. 1986 й. Б.20.

¹⁶¹ www.classes.ru/grammar/120.Maslov/html/topic_37.html

¹⁶² Бакиева Г., Тешабаева Д. Оммавий ахборот воситалари тили.Т.: ЎзДЖТУ. Б.54.

¹⁶³ <https://yuz.uz/news/aqshda-133-ta-mashina-ishtirokida-yirik-yth-sodir-boldi>

¹⁶⁴ Манзурова Н. “ШХТ эзгу мақсадлар рўёбига хизмат қилади”. “Ўзбекистон овози” газетаси. 2016 йил 10 март 30 (32.089) сон.

¹⁶⁵ <https://yuz.uz/news/chokayotgan-fuqarolarni-qutqarish-jarayonida-jasorat-korsatgan-fvv-xodimi-halok-boldi>

¹⁶⁶ “На Посту” газетаси. 2008 йил 7 июнь 223(3756) сон.

¹⁶⁷ Турагалов Т., Раҳимжонова Д. Аҳоли ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш.Т.:ФМИ. 2016 й.Б.4-5.

¹⁶⁸Маматова Я. Современная периодическая печать Узбекистана: система, тематика, тенденции и проблемы функционирования. –Ташкент., 2006. – С.280.

ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган барча мавзулар ҳакида ёзади. Мақолалар мазмун-моҳиятини баҳолаш воситаларига бўлган эҳтиёж ҳам кам эмас, чунки бизда газета янгиликларни хабар қилишнинг ҳиссиз механизми эмас, балки жамият манфаатларини ифодаловчи нашр саналади. Айнан шу позициядан газета ўқувчига ахборот етказади, тарғибот-ташвиқот олиб боради. Хусусан, ФВлар мавзуси ҳакида фикр юритадиган бўлсак, газеталарда ФВларга оид янгиликлар жамоатчилик эътиборини ўзига жалб этадиган материал ҳисобланади. Бунда ўқувчилар ФВ қачон, қаерда содир бўлганлиги, унинг келиб чиқиш сабаблари, қанча талофат бўлганлиги ва масъул ташкилотларнинг ФВни бартараф этиш ишларини қандай ташкил қилаётганлигига ҳам эътибор берадилар.

Тилшунослиқда ижтимоий-сиёсий лексика ўзининг тушунарли эканлиги билан газета тилига яқин, зоро, айнан шу хусусият унинг терминологик соҳага хос жиҳати ҳисобланади. Ижтимоий-сиёсий лексиканинг кўпчилик учун мақбуллиги ва танишлигининг сабабларидан бири – улар оммавий тарғибот ва ташвиқот тили, демакки, ОАВ тилида кенг қўлланилишидан иборат. Ижтимоий-сиёсий мазмундаги лексиканинг ўзига хос томони унинг кенг доирадаги мавзуларни қамраб олишидан иборат. Бу доира сиёsat, иқтисодиёт, хуқуқ ва бошқа соҳалар каби хавфсизлик, хусусан, ФВ мавзусидаги атамаларни ҳам ўзида мужассамлаштирган.

Юқорида келтирилган фикрлардан кўриниб турибдики, ижтимоий-сиёсий лексика бирликлари баҳолаш хусусиятига эга бўлиб, публицистиканинг асосий тушунчалари, мазмун-моҳияти, йўналишини ифода этади ва умуман публицистик (газета) лексикадан фарқ қилмайди, унинг таркибиغا киради. Шунинг учун ҳам публицистик услубни газета тилининг ўзига хос жиҳати деб ҳисоблаш мумкин.

Газета тилининг хусусиятлари унинг асосий вазифалари билан боғлиқ бўлиб, ҳозирги даврда инсон хуқуқ ва эркинликлари, хавфсизликка оид сўзларни ишлатиш илгариги даврларга нисбатан анча кенг оммалашиб бормоқда. Бундай тенденциянинг рўй берадётганлигини қуидаги омиллар билан боғлаш мумкин:

Биринчидан, мамлакатимиз мустақиликка эришганидан сўнг, газеталар фаолияти демократик, инсонпарварлик, ошкоралик, очиқлик ва шаффоффлик принципларига асосланган ҳолда ишлаш тизимиға ўтиши.

Иккинчидан, мамлакатимизда газеталар сони ошиб бориши ва уларнинг замонавий медиа талабларига мослашиши.

Учинчидан, XXI асрга келиб, жаҳон қўпгина мамлакатларида нотинчлик вазиятининг юзага келиши, антропоген омиллар натижасида глобал иқлим ўзгариши, табиий оғатлар, техноген ФВларнинг кўпроқ кузатилаётганлиги.

Тўртинчидан, жамият хавфсизлигини таъминлаш борасида газеталарда ФВдан

аҳолини муҳофаза қилиш борасидаги хабарлар, таҳлилий материаллар ва муҳофаза қилиш бўйича тавсияларнинг кўпроқ ёритилишини кўрсатиш мумкин. Бу жараён эса газета лексикасида ФВ мавзусига оид атама ва тушунчаларнинг ишлатишини анча кенгайтирди. Масалан “фавқулодда ҳолат”, “ФВнинг олдини олиш”, “ҳаётий фаолият хавфсизлиги”, “ФВ профилактикаси”, “экстремал вазиятлар”, “террористик акт”, “кутқарувчи” ва ҳоказо. Газета тилидаги бундай ўзгаришлар адабий тилнинг ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Газета тилида адабий тилнинг барча услубларига хос элементларнинг қўлланиши, унда китобий ва сўзлашув услубининг қоришиб кетиши уни адабий тилнинг бир кўриниши сифатида талқин этишга олиб келди.

Ҳозирда газета матнларида кўплаб ўзлашма сўзларнинг қўлланилиш ва бунинг ОАВда турлича намоён бўлиши ўзбек тилида сўзловчиларнинг чет тилларидан лексикага муносабати ҳам турлича эканлигидан далолат беради. Шундай бўлсада, жамият билан баробар интенсив, тез суръатда ривожланиб бораётган тил ҳам фаол равища янги сўзлар билан бойиб бормоқда. Яна газета саҳифаларида неологизмларнинг ортиб бориши натижасида улардан қайсилари унтулиб кетади-ю, қайсилари сақланиб қолиши ҳам ноаник¹⁶⁹.

Матбуот нашрларида чоп этилаётган материаллар лексикасини кузатадиган бўлсак, унда информативлик хусусияти ёки асосий ахборот етказишни бош планга чиқариш хусусияти кучли эканлигини кўриш мумкин. Бу хусусият матбуотдаги ФВга оид материалларда ҳам кузатилади. Бу айниқса сарлавҳаларда яққол кўзга ташланади. Масалан, “Янги Ўзбекистон” газетасининг 2021 йил 5 август 158 (414) сонидаги “Вакцина – ягона чора” сарлавҳали материални кўрсатиш мумкин¹⁷⁰. Мақолада бутун дунё давом этаётган COVID-19 пандемиясига қарши кураш, аҳолини касаллиқдан муҳофаза қилиш ва пандемияга қарши курашда вакцина ягона чора эканлиги бўйича мутахассис томонидан маълумот берилади. “Вазият” газетасининг 2021 йил 20 майдаги 20 (805) сонидаги “Сел ва сув тошқинида муҳофаза тадбирлари” сарлавҳали мақолада¹⁷¹ ахборот етказиш бош планга чиққанлиги кўриш мумкин.

Энди матбуот материалларида ФВлар мавзусидаги материалларнинг лексик таркибини таҳлил қиласиз. Хусусан, “Вазият” газетасининг 2022 йил 27 январдаги сонида чоп этилган “Профилактика тадбирлари давом этмоқда” номли мақолада 2022 йил 25 январь куни мамлакатимизда электр энергияси тизимида содир бўлган техноген

¹⁶⁹ Бакиева Г., Тешабаева Д. Оммавий ахборот воситалари тили. Т.: ЎзДЖТУ. Б.58.

¹⁷⁰ “Янги Ўзбекистон” газетаси. 5 август 2021 йил. 158 (414) сон.

¹⁷¹ “Вазият” газетаси. 20 май 2021 йил. 20 (805) сон.

авария ва уни бартараф қилиш ишлари ҳақида қўйидаги маълумотлар берилган: “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар давлат тизими таркибиға кирувчи вазирлик ва идораларнинг навбатчилик хизматларига электр энергияси узилиши билан боялик вазиятда иқтисодиёт тармоклари барқарор ишлашини таъминлаш ҳамда ахоли ўртасида муаммолар келиб чиқишига йўл қўймаслик бўйича тадбир давом эттирилмоқда. Электр энергиясидаги узилиш сабабли “Чимён” (20 нафар), “Белдирсой” (60 нафар) ва “Амирсой” дам олиш масканлари сим-аркон йўлида (“Канатная дорога”) қолган фукаролар механик равишда тушириб олиниб, хавфсизлиги таъминланди. Куткарув ишларига ФВВдан 15 нафар куткарувчилар жалб этилган. Тошкент метрополитени, Ички ишлар идоралари, Миллий гвардия ходимлари билан биргаликда “Тошкент метрополитени” ДУКнинг “Машинасозлар”, “Бодомзор”, “Минор” ва “Амир Темур” бекатлари оралиғида (вагонлар ичидаги) колиб кетган жами 415 нафар йўловчилар эвакуация килинди”¹⁷². Ушбу материал барча аудиторияга мўлжалланиб, маълумотлар содда ва аниқ баён этилган. Аммо гап таркибида терминологик лексикага оид “Фавқулодда вазиятлар давлат тизими”, “техноген авария”, “эвакуация” ва “қутқарув ишлари” каби атамалар учрайди. Бу материал расмий ва илмий услублар қоришуви асосида газета тилига хос бўлган услубда ёритилган дейиш мумкин. “Ўзбекистон овози” газетасида чоп этилган “Оролбўйи-экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди” номли мақолада Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш ва экологик вазиятни барқарорлаштириш мақсадида БМТ Бош Ассамблеясининг Оролбўйи экологик инновациялар ва технологиялар зонасини эълон қилиш тўғрисидаги маҳсус резолюцияси қабул қилинганлиги ҳамда мазкур резолюция асосида инвестицияларни рағбатлантириш ва иқлим ўзгариши, атроф-муҳитнинг ёмонлашуви, барқарор урбанизация, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги, қашшоқлик ва тенгсизлик каби кенг қамровли масалаларга эътибор бериш орқали асосий хавф омиларини бартараф этиш ишлари амалга оширилиши белгилаб олинганлиги ёритилган¹⁷³. Мақолада “экологик инновациялар” ва “инвестициялар”, “иқлим ўзгариши” каби неологизмлардан фойдаланилган.

Ахборот технологияларининг жадаллик билан ривожланиши босма матбуот нашрларининг онлайн кўринишининг ривожланишига олиб келди ва бугунги кунда уларнинг аудиторияси ошиб бормоқда. Масалан, “Халқ сўзи” (<https://xs.uz>), “Янги Ўзбекистон” (<https://yuz.uz>), “Ўзбекистон овози” (<https://uzbekiston ovozi.uz>) “Оила даврасида” (<https://od-press.uz/>), “Постда” (<https://postda.uz/>) ва бошқа бир қатор босма

¹⁷² “Вазият” газетаси. 27 январь 2022 йил. 4 (841) сон.

¹⁷³ “Ўзбекистон овози” газетаси. 2020 йил 14 октябрь 36 (32.631) сон.

матбуот нашрларнинг онлайн форматлари ҳам фаолият юритмоқда. Мазкур онлайн форматлар ҳақида тадқиқот олиб борган Д.Рашидова шундай фикрни билдиради: “Босма нашрларнинг тармоқдаги фаолиятининг бошқа бир формати асосий нашрни тўлдириб турувчи мустақил медиа интернет ресурслардир. Улар анъанавий нашрнинг электрон ташувчиси сифатида фаолият олиб бориб, босма ОАВнинг бундай шаклан ўзгарган кўриниши мутахассислар томонидан оригинал нусхага таяниб, интернет шароитида тўлиқ мослашган гибрид деб номланди¹⁷⁴. Бундай ресурслар газетанинг фақатгина нусхаси бўлмай, балки босма нашрга қараганда кўпроқ маълумотларни ўзида жамлаганлиги, ўкувчи учун кўпроқ маълумотларни ўзида акс эттириши ҳамда матн билан бирга аудио, видео материалларнинг ҳам жойлаштирилиши билан ажralиб туради. Газеталарда кўпинча муҳаррир тайёрланган материалларни газетанинг бир сонига сифдириш имкониятига эга бўлмайди. Онлайн газетада бу нарса умуман чекланмайди. Шу билан бирга бу ресурсларда газетанинг янги чоп этиладиган сонига қараб, чекланиб қолмай ҳар соатда янгиланиб туриш имконияти мавжуд. Шу билан бирга унда бир вақтнинг ўзида бир неча тилларда ўқиш имконияти ҳам берилади. Бу эса онлайн газеталарнинг аудиторияси кенгайишига янада кўпроқ имконият беради. Аммо шуни айтиш керакки, босма газеталар ҳар қандай шароитда ўзининг ўрнига эга бўлиб, ўзининг ўрнини сақлаб келмоқда.

Газета ва журналларда республика ва жаҳонда содир бўлаётган ФВлар, мавжуд муаммолар, уларнинг олдини олиш бўйича ўтказилаётган профилактика тадбирлари, мамлакатимизда соҳа бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар лингвистик тил ва услуб қоидалари асосида ёритилмоқда. Бу жараён ўз-ўзидан ривожланган мамлакатлар ОАВдаги каби миллий матбуотимизда ихтисослашув жараёнлари жадаллашиб бормоқда.

Матбуотда ФВлар мавзусига оид материалларнинг ёритилиши долзарб масалалардан эканлигини шу билан изоҳлаш мумкинки, дунёдаги барча мамлакатлардаги каби инсонларнинг техника асрида яшаётганлиги, ишлаб чиқариш корхоналарининг сони кўпайиб бораётганлиги, унинг атроф-муҳитга таъсири натижасида табиий, техноген ва экологик ФВларнинг сони ошиб бормоқда. Ушбу муаммолардан жамиятимизнинг барча аъзоларини огоҳ этишда мазкур мавзуга доир муаммоларни кўпроқ ёритиш, содир бўлиши мумкин бўлган турли ФВлардан аҳолини хабардор қилиш, аҳолини ФВлар содир бўлган тўғри харакат қилиш бўйича билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга хизмат қиласиган материалларни жойлаштириш зарур. Бу эса бир томондан жамиятнинг барча аъзоларини раҳбарлардан тортиб, оддий фуқароларгача содир бўлиши мумкин бўлган ФВлардан

¹⁷⁴ Рашидова Д. Тенденция развития веб-ресурсов печатных СМИ Узбекистана. Замонавтй ахборот технологияларининг босма ОАВ фаолиятидаги ўрни ҳамда интернет ресурсларининг ривожланиш истиқболлари. Медиа форум материалари. Т:25-27 сентябрь 2007 й. Б.55.

барча огоҳ қилса, иккинчи томондан ФВларнинг олдини олишда, уларнинг хавфсизлик маданиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшади. Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаси ўлароқ, ОАВ жойларда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгариш ва янгиланиш жараёнларини ҳар томонлама таҳлил қилиб, эришилаётган ютуқлар, мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун давлат идоралари ва жамоатчилик эътиборини қарататиётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу билан бирга матбуот материалларида республикамиизда рўй берадиган ФВ ҳақида маълумотлар очик, ошкора ва объектив ёритила бошланди. Энг асосийси республикамиизга хос бўлган ФВларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот-ташвиқот, профилактик тадбирлар кенг ёритила бошланди ва бу жараён ҳозирги кунда жадаллик билан давом этмоқда.

Ўтилган мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Фавқулодда вазиятлар мавзусидаги медиаматериалларнинг лисоний хусусиятлари ҳақида нималарни биласиз?
2. Мустақиллик даври матбуотида фавқулодда вазиятлар мавзусини ёритишида қандай рукнлар ва лексик бирликлар учрайди?
3. Фавқулодда вазиятлар мавзусини ёритишида услуг масалаларини таҳлил қилинг.
4. Фавқулодда вазиятларнинг дунё миқёсида кўпайиб бораётганлиги ҳақида сизнинг фикрингиз?

3.3. Жанрий ранг-баранглик - мавзууни самарали ёритиш омили

Режа:

1. Фавқулодда вазиятлар мавзусини ёритишида журналистика жанрларининг ўрни
2. Фавқулодда вазиятлар журналистикасида янги ва анъанавий жанрлар қоришуви
3. Фавқулодда вазиятлар мавзусини ёритишида медиажанрларга оид материаллар таҳлили ва таҳрири

Бугунги кунда ахборот коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши натижасида медиа оламида ҳам жуда катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу жараёнлар мамлакатимиз ОАВда, шу жумладан матбуот соҳасининг қиёфасини тубдан ўзgartириб юборди. Сўнгги йилларда республикамиизда босма нашрлар билан бир қаторда уларнинг веб-ресурслари сони ҳам ошиб бормоқда. Босма нашрлардаги мазкур жараёнлар ҳақида тадқиқот олиб борган олим С.Дониёров шундай фикрни билдиради: “Жаҳон медиамаконида анъанавий ОАВ, хусусан, босма нашрларнинг ҳозирги ҳолати ва келажаги энг кўп муҳокама қилинадиган мавзулардан бирига айланди. Янги ахборот

технологияларининг шиддат билан ривожланиши, интернетнинг барча соҳаларга кириб келиши натижасида босма ОАВга қизиқиши сусайиши ва улар ададларининг маълум даражада пасайиши кузатилмоқда. Бундай вазиятда дунё миқёсида босма нашрларнинг келгусидаги фаолиятини ривожлантиришда медиаконвергенция янги ва муҳим босқич экани таъкидланмоқда. Халқаро медиамаконда конвергенцияга ўзига хос эволюцион жараён сифатида қаралаяпти. Шу сабабли ахборотни олиш, тўплаш ва узатишда рақамли технологиялар устувор аҳамият касб этмоқда. Бундай вазиятда босма ОАВ таҳририятлари мултимедиа концернлариға айланаяпти. Бугун веб-ресурслардан фойдаланувчилар сони газета ўқувчилари сонидан жуда кўплиги кузатилмоқда. Мобил ечимлар ва интернетнинг барча соҳага шиддат билан кириб бориши натижасида нафақат газета, балки медиареаллик ҳам буткул ўзгармоқда”¹⁷⁵.

Матбуотнинг тараққий этиши, газета ва журналларда чоп этиладиган материаллар жамиятнинг турли соҳаларини ёритиб бориши натижасида материалларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, турли жанрларга бўлина бошланди. Мазкур жараёнлар XX асрда ривожланди. Дастрраб, уларнинг сони анчагина бўлсада, бугунги кунда уларнинг оммалашган турларигина амалиётда қўлланилмоқда. Бу борада тадқиқот олиб борган россиялик олим В.Стрельцов журналистик жанрларни куйидагича таснифлаган: “Информацион (ахборот) жанрларни - хабар, янгилик, ахборот, интервью, репортаж, ҳисоботга; таҳлилий жанрларга - корреспонденция, мақола, тақриз, журналистик суриштируви; бадиий-публицистик жанрларга хат, очерк, эссе, фельетон, памфлет ва кичик жанрларни киритган”¹⁷⁶. Яна бир тадқиқотчи Л.Кройчик жанрлар хақида ўзига хос қарашларга эга бўлиб, уларни қуйидагича таснифлаб чиққан:

- оператив-ахборий – бунга хабар (лавҳа)нинг барча турлари киритилган;
- оператив-тадқиқий – ҳисбот, репортаж, интервью каби жанрлар ушбу гурухни ташкил этган;
 - тадқиқий-ахборий – корреспонденция, шарҳ (комментарий);
 - тадқиқий – мақола хати;
 - тадқиқий-образли – фельетон, эссе жанрлари киритилган¹⁷⁷.

Л.Кройчикнинг ушбу қарашлари ўзбек журналистикасидаги жанрлар классификациясига ўхшаб кетади. Ўзбек журналистикасида жанрларнинг асосан 3 та гурухи ажратиб кўрсатилиади:

¹⁷⁵ Дониёров С. Замонавий ахборот технологиялари ва газеталарнинг мултимедиавий имкониятлари ("Янги Ўзбекистон" — "Правда Востока" газеталари тажрибаси мисолида). Т. ЎЗЖОҚУ. Замонавий масс-медианинг долзарб муаммолари" Республика илмий-амалий конференцияси. Б.11.

¹⁷⁶ Стрельцов Б. Основы журналистики. Жанры. – Минск. 1990. С.113.

¹⁷⁷ Кройчик Л. Система журналистских жанров. <http://evartist.narod.ru/text5/64>.

- ахборий – хабар, интервью, репортаж, ҳисобот;
-таҳлилий–корреспонденция, мақола, тақриз, журналист суриштируви, шарҳ;
- публицистик – эссе, очерк, фельетон, памфлет, хат, кичик ҳажвий жанрлар, адабий-танқидий мақола. Журналистика жанрларида жамиятда содир бўлган ижтимоий, сиёсий, маданий, маънавий ва бошқа соҳаларда тааллуқли ҳодисаларни жанр хусусиятларидан келиб чиқиб, очиб беришга қаратилади. Шу нуқтаи назардан ОАВнинг мақсади нафақат янгиликлар ҳақида хабар беришга қаратилган, шу билан бирга содир бўлган воқеа-ҳодисалар, вазият ва жараёнларни таҳлил, тадқиқ этиш, қарама-қаршиликларга ойдинлик киритиш билан ҳам белгиланади¹⁷⁸.

Жамиятимизда хавфсизликни таъминлаш, хусусан, аҳолини ФВлардан муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг хавфсизлик соҳасидаги асосий йўналишларидан биридир. Матбуот нашрлари фаолиятини кузатар эканмиз, ҳозирги вақтда ФВ мавзусининг ёритилишида асосан мақола, ҳисобот, репортаж, лавҳа, хабар ва публицистика жанрларидан фойдаланилади. Илгари республикамиз газеталарида асосан ҳориж мамлакатларида рўй берган ФВ ҳақида маълумотлар берилиб келган бўлса, сўнгги тўртбеш йил давомида мамлакатимизда ОАВ соҳасидаги хуқуқий-демоқратик ислоҳотлар натижасида республика ҳудудида содир бўлган табиий, техноген ва экологик ФВлар мавзусига оид материалларнинг сони ҳам ошиб бормоқда.

Журналист томонидан тайёрланадиган ҳар бир материал ўзининг матн тузилиш усуллари, шакллари муайян жанрларга тегишлидир. Бу ҳақда таникли олимлар И.Тошалиев, Р.Абдусатторов шундай фикр билдиради: “Ҳар қандай нутқ услуби муайян жанрларда ифодаланади. Оммавий мулоқот тили услуби бой жанрлар силсиласига эга бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос матний қурилиш тартиблари орқали тавсифланади”¹⁷⁹.

Республикамиздаги газеталарда ФВ мавзусида турли хил жанрларга хос бўлган материаллар чоп этиб келинмоқда. Ушбу газеталарнинг жанрий-услубий жиҳатларини кўриб чиқар эканмиз, газеталардаги матний тузилиш оммавий мулоқот соҳасидаги мавжуд барқарор ижтимоий-услубий тажриба асосида ёзилган. Хусусан ФВлар ва унинг оқибатларини бартараф қилиш билан боғлиқ мавзулар матн сарлавҳаси, материал контексти, воқеалар ривожи ва шарҳи орқали тўлиқ очиб берилган бўлиб, материалнинг ифода этилиши тартиби янгиликлар жанрига хосдир.

“Янги Ўзбекистон” газетасининг босма ва интернетдаги онлайн саҳифаларини кузатадиган бўлсак, ФВлар мавзусига оид кўплаб материаллар ёритиб келинмоқда. Хусусан, газетанинг 2020 йил 3 майдаги 73 (73) сонида “Фавқулодда ҳодиса

¹⁷⁸ Қурбон Н.Таҳлилий журналистика. Т.”Баёз”. 2019 й. Б.28.

¹⁷⁹ Тошалиев И., Абдусатторов Р. Оммавий ахборот воситалари тили ва услуби. Т.Зар Қалам. 2006 й. Б.88.

оқибатларини бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланди” мавзусидаги мақолада Сирдарё вилояти Сардоба сув омборидаги техноген ФВнинг содир бўлиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ФВ содир бўлган ҳудудга ташрифи, вилоят масъуллари ва ахолиси билан учрашуви ҳамда қутқарув-тиклаш ишларининг ташкил қилиниши ҳақида батафсил маълумотлар янгиликлар ёритилган¹⁸⁰. Мақолада янгиликлар жанрига хос бўлган яна бир хусусият энг муҳим ахборотлар яъни Сирдарё вилояти Сардоба сув омборида содир бўлган техноген ФВнинг содир бўлганлиги матн бошланишида баён қилинади, унинг сабаблари ва оқибатлари тўғрисидаги маълумотлар ахборот шарҳи сифатида берилган. “Янги Ўзбекистон” газетанинг электрон нашрида “Сиёsat”, “Иқтисодиёт”, “Жамият”, “Фан ва таълим”, “Маданият”, “Туризм”, “Спорт”, “Дунёда” ва “Медиа” каби руқнлар мавжуд бўлиб, ФВ мавзусига оид материаллар “Жамият” рукнининг “Ташвишли хабар” бўлимида жаҳонда ва республикамизда содир бўлган ФВлар тўғрисида асосан янгиликлар жанрига хос бўлган материаллар ёритиб борилади. Масалан, “З та юк автомашина иштирокидаги мудхиш ЙТХ” (2020 йил 4 июнь)¹⁸¹ ва “Хива шаҳридаги хонадонда газ портлади” (2021 йил 8 январь)¹⁸² мавзусидаги хабарларда эса республикамизда содир бўлган ФВлар ҳақида маълумотлар берилган. Ушбу материаллар ахборий жанр қоидалари асосида воқеа-ходисалар аниқ, тезкор, умумий, ихчам ва таъсирчан ҳолатда берилган. Шунингдек хабарнинг жамият учун нечоғлик муҳимлиги, унинг шов-шувга сабабчи бўлиши, барча одамлар учун бирдек аҳамиятлилиги, ҳамма учун бирдек тушунарли бўлишига эътибор қаратилган бўлиб, ким? нима? қачон? қаерда? ва қандай? саволларига жавоб берадиган янгиликлардир. Бу ҳақда швециялик олим Э.Фихтелиус шундай фикр билдиради: “Янгилик – бу, ҳис-туйғуларга таъсир қилувчи ҳамда анъанавий тасаввурларга жавоб берувчи хабарлардир. Тажрибали журналист ўзи кўрган ва эшитганлари орасида қайсиини янгилик эканини яхши ажратади. Аслида, ҳақиқий янгилик, биринчи галда ҳиссиётларимизга кучли таъсир кўрсатади”¹⁸³.

Янгиликлар жанри асосий жиҳатлари ҳақида таниқли ўзбек олималари Г.Бакиева ва Д.Тешабаеванинг куйидаги фикрларни билдиради: “Янгиликлар жанрида факт келтиришнинг бошқа жанрлардан ажralиб турадиган жиҳати унда ахборот манбайнинг кўрсатилишидир. Замонавий газета матнида ахборот манбани кўрсатиш зарурий белгилардан бири ҳисобланади”¹⁸⁴.

¹⁸⁰ “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2020 йил 2 май 72 (72) сон.

¹⁸¹ <https://yuz.uz/news/3-ta-yuk-avtomashina-ishtirokidagi-mudhish-yth>.

¹⁸² <https://yuz.uz/news/xiva-shahridagi-xonadonda-gaz-portladi>.

¹⁸³ Фихтелиус Э. "Десять заповедей журналистики". Стокгольм. 1999 г.С.7.

¹⁸⁴ Бакиева Г., Тешабаева Д. Оммавий ахборот воситалари тили. Т.ЎЗЖТУ.2019 й. Б.66.

Босма ва онлайн газеталарда репортаж жанрига хос бўлган қўпладб материаллар чоп этилади. Репортаж жанри ўзининг белгилари билан ахборот жанрларнинг барчасига (ахборот бериш, ҳикоя қилиш, тўғри нутқ, бўёқли чекиниш, персонажларни таснифлаш, тарихий чекиниш ва бошқалар) мос келади. Репортаж — журналистиканинг муҳим жанрларидан бири ҳисобланиб, содир бўлган муайян воқеа, ходиса, вазият, жараённинг бевосита журналист иштироки ва кузатуви орқали тасвирлаб бериш, оммани шу воқеликдан кенгроқ хабардор қилишдир¹⁸⁵. Газеталарда репортаж жанрига хос бўлган ФВ мавзусига оид материалларнинг ёритилишида журналист ходиса содир бўлган воқеаларни гувоҳ сифатида очиб беради. Америкалик тадқиқотчи Николь Р. Шерифнинг фикрича, ФВ мавзуси бўйича репортаж тайёрлаш ва уни ёритиш вақтида З та муҳим жиҳатга эътибор қаратиши лозим:

1. Таҳририятлар яқин ўтмишда ОАВлари фаолиятида ФВни ёритиш борасида қандай муаммолар бўлганлиги ва уларга қандай тайёргарлик қўрилганлиги;
2. ФВ ҳақида воқеа содир бўлган худуднинг маҳаллий нуқтаи-назари бўйича репортаж тайёрлаш ва унинг жамиятдаги ўрни;
3. Тайёрланган янгиликларнинг жамиятга таъсири. Ушбу келтирилган З та компонент журналистларнинг жамиятдаги ролини ва ўз жамоаларида янгиликларни яхши ёритишини намоён қиласи¹⁸⁶. Рус олим А.Бобков эса “Репортаж - журналистнинг ўзи иштирокчи ёки гувоҳи бўлган муҳим ходиса. Бугунги кунда бу жанр публицистик қўринишга эга бўлиб бормоқда. Репортажда муаллифнинг фикри катта аҳамият касб этади. Репортёр ўқувчиларга ходиса қўринишини барча босқичларда, яъни воқеанинг тафсилотларини бошидан охиригача кўрсатиб беришга ҳаракат қиласи”¹⁸⁷. Масалан, “Ўзбекистон овози” газетасида 2018 йил 27 декабрдаги сонида “Бугуннинг долзарб ишлари” рукнида журналист М.Қутлимуродов “Оролга янги ҳаёт кириб келмоқда” мавзусидаги репортажда Орол денгизининг қуриган қисмида экологик вазиятни барқарорлаштириш учун яшил қопламали ўрмонзорларни ташкил қилиш бўйича олиб борилаётган тадбирлар ҳақида масъул ташкилотлар раҳбарлари, олимлар ва мутахассислар билан сухбатлашиб, амалга оширилаётган ишларни батафсил ёритган¹⁸⁸. Мазкур репортаж ахборот жанрига хос композицион тузилиш асосида қурилгандир. Репортаж жонли сухбатларга, мулоқотларга бой жанр ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унда диалогик нутқ, кўчирма гаплардан унумли фойдаланилади.

¹⁸⁵ Қосимова Н., Тошпўлатова Н., Шофайзиева Н., Муратова Н. Босма ОАВ таҳририятлари учун ўкув кўлланма. Т.2008. Б.24.

¹⁸⁶ Sheriff N. R. Best practices for disaster coverage: an analysis of how The Sun Herald newspaper and Wlox-tv covered hurricane Katrin. The University of Mississippi.USA.2017 P.4.

¹⁸⁷ Бобков А. Газетные жанри.Уч. пособие. – Иркутск.2005 г. С.15.

¹⁸⁸ “Ўзбекистон овози” газетаси. 2018 йил 27 декабр 20 (32.434) сон.

Рус олими А.Гребельниковнинг фикрича, “Интервью – ахборот жанрининг оммавий тури. Қуйидагилар интервьюнинг турлари хисобланади: интервью-монолог, диалог, хабар, лавҳа, фикр, жамоатчилик интервьюси, анкета”¹⁸⁹. Америкалик журналист Ирвинг Фэнг интервью жанрини қуйидагича таснифлашни таклиф қилади: Интервью-факт – журналист маълум бир ҳодиса иштирокчиси билан сұхбатлашиш, интервью-фикр – журналист қайсиdir соҳадаги мутахассис-эксперт билан маълум бир муаммоли вазиятни ёритиш, интервью-портрет – жамиятдаги (интервью берадётган) шахснинг ички дунёсини очиб бериш. Шу билан бирга журналист интервью жанрининг турли таснифлари мавжудлигини таъкидлаб ўтади¹⁹⁰.

Ўзбекистон матбуотида асосан интервью-диалог, давра сұхбати (полилог) кўпроқ кўзга ташланади¹⁹¹. Интервью-монолог - бир ёки бир неча саволга умумий жавоб олишдир. Журналист саволларни респондентни таниширишдан олдин ўртага ташлайди ва сұхбатдошларнинг барчасидан алоҳида-алоҳида жавоб олади. Интервью-диалог асосан респондент билан юзма-юз қурилган сұхбат. Бунда журналистдан зарур ахборотни олиш учун сұхбатни керакли ўзанга буришда албатта маҳорат талаб этилади. Полилог - давра сұхбати бир муаммо хусусида эксперт-мутахассислар билан даврада сұхбатлашишдир. Ҳар бир мутахассис муаммо ечимини ўз нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда бериши сұхбатга жон ва ранг-баранглик баҳш этади. Журналистнинг сұхбатни қизиқарли саволлар билан улаб бориши интервьюнинг бу турига кенг ўкувчилар аудиториясини жалб этиш имконини беради. Таниқли олима Д.Тешабаева фикрича, “Интервью шундай жанрки, у ўзининг долзарблиги, тили, ва услубининг ёрқинлиги, таъсирчанлиги ва равонлиги билан диққатга сазовордир. Бу эса газета тили маданиятини ошириш, унинг ўқишлигилегини, жанр ранг-баранглигини таъминлашга хизмат қилади”¹⁹². Интервью жанрида ёритилган ФВ мавзусига оид материаллар таҳлили ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, “Янги Ўзбекистон” газетасининг 2020 йил 6 майдаги сонида журналист А.Рустамовнинг “Миллатни бирлаштирган синовли дамлар” мавзусидаги материал интервью жанрида ёзилган бўлиб, материалда 2020 йил 27 апрелдан 28 апрелга ўтар кечаси Бухоро вилоятининг Олот туманида содир бўлган кучли шамол билан боғлиқ ФВларнинг оқибатлари ва унинг баратараф этилишига оид тадбирлар ёритилган. Муаллиф материалда кучли шамолнинг қандай рўй бергани ҳақида ҳодиса гувоҳи Олот туманида яшовчи фуқаро Б.Воҳидовдан интервью олиб, унинг

¹⁸⁹ Грабельников А. Работа журналистика в прессе. Учеб.пособ. для вузов. М.:РИП-Холдинг.2007. С.9.

¹⁹⁰ Енина Л, Зыков В. Практика журналистского общения. Екатеринбург.:Урал. фед. ун-т.2016 г. С.55.

¹⁹¹ Қосимова Н., Тошпўлатова Н., Шофайзиева Н. ва Муротова Н. Босма ОАВ таҳририятлари учун ўкув қўлланма. Т.2008 й. Б.26.

¹⁹² Тешабаева Д. ва бошк. Журналистика ва таҳрир.ІІІ жилд. Т.: Ўзбекистон. 2019 й. Б.164.

куйидаги сўзларини келтириб ўтади: “Уч-тўрт дақиқанинг ичида ҳаво бирдан айниди, осмонни қора булат тўсиб, шамол барча нарсанинг гирибонидан тутди. Симёғочлар, дараҳтлар йиқилди, томдаги тунукалар жойидан кўчиб, фалакка учди, иссиқхоналар плёнкаларини шамол йиртиб, ҳосилни ер билан битта қилди. Бунинг оқибатини икки соатлардан кейин кўрдик. Унгача ўзингдан бошқани кўришга-да, ўйлашга-да ҳол йўқ эди. Электр ўчган, борлиқни зулмат чулгади, телефонлар ишламайди, алоқа йўқ. Кучли шамол, шиддатли ёмғир, ҳатто деворларнинг-да қимиrlаган товушларини эшишиб, фақат омон қолишни ўйладик. Бу ҳам бир синов экан-да...”¹⁹³. Бунда журналист содир бўлган ФВнинг гувоҳи сўзлари асосида воқеа-ҳодисаларнинг содир бўлишини таъсирли ва “жонли” тарзда очиб берган. Шу билан бирга журналист ФВнинг тумандаги ижтимоий инфраструктурага етказган зарари, хукуматимиз томонидан ФВни оқибатларини бартараф этиш ишларининг олиб борилиши ҳақида кўплаб маълумотларни келтирган.

“Вазият” газетаси турли жанрларга оид маълумотларни чоп этиш жараёнида интервью жанрига хос бўлган кўплаб материалларни эълон қиласди. Газетада мазкур жанр асосида ФВлар мавзусига оид долзарб мавзуларда кўплаб мақолалар чоп этиб келинмоқда. Масалан, Газетанинг 2020 йил 20 майдаги 18-19 сонларида газета мухбири Н.Остоннинг “Халқ матонати оғат оқибатларини енгиб ўтиш ва бартараф этишда намоён бўлмоқда” номли мақоласида 2020 йил 1 майда Сардоба сув омборида содир бўлган техноген ФВ оқибатларини бартараф этиш ишлари ҳақида батафсил маълумот беради. Журналист ФВ содир бўлган худудларни вилоят “ХДП” кенгashi раиси X.Жалолов билан айланиб, содир бўлган ФВ тафсилотлари бўйича у киши билан суҳбатлашди. Интервью бериш вақтида X.Жалолов қуидаги айтиб ўтди: “Сардоба сув омборида содир бўлган ФВ туфайли Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларидағи 24 та маҳалладан 90.000 га яқин фуқаро зудлик билан хавфсиз ҳудудга эвакуация қилинган, ҳодиса оқибатида камида 56 киши турли даражада тан жароҳати олган, тошқин зonasида қолиб кетган юзлаб одамлар қутқарилган, шунингдек, 5 нафар фуқаронинг табиий оғат оқибатида ҳалок бўлгани, 1 нафар бедарак йўқолгани аниқланди. Сардоба сув омбори фожиаси жуда аянчли бўлди. Сардоба, Оқолтин ва Мирзобод туманларидағи 2.570 та ҳовли, 76 та кўп қаватли уй яроқсиз ҳолга келди. 70 та ижтимоий обьект, 20.000 гектарга яқин экин майдони, 828 км йўл, электр, газ, ичимлик суви, алоқа тармоқларига зиён етди. Ҳозир тошқин талофатлари бартараф этилаяпти, уй-жойи бутунлай яроқсиз ҳолга келиб қолган аҳоли учун 3 та массивда 2.640 та квартирали 66 та 5 қаватли уй курилиши режалаштирилган...”¹⁹⁴. Журналист интервью жанрига хос бўлган хусусият асосида хусусан, интервью сарлавҳаси

¹⁹³ “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2020 йил 6 май 76 (76) сон.

¹⁹⁴ “Вазият” газетаси. 29 май 2020 йил. 18-19 (754-755) сон.

дарак гапдан тузилган бўлиб, мазмун ва мавзуни аниқ ифодалashi, тез диққатни тортиши билан ажралиб туради.

Матбуот нашрларида ФВлар мавзусини ёритишда ҳисобот жанрига оид материаллар чоп этилади. “Ҳисобот – бу ўз ишлари, берилган топшириқларнинг бажарилиши ҳақида бериладиган расмий ахборот”¹⁹⁵. Ҳисобот матбуот амалиётида узоқ вактдан бери кўлланилиб келинаётган жанрдир. XVII аср ўрталарида пайдо бўлган. Биринчи ҳисобот жанрининг белгиларини Россиянинг “Ведомости” газетасида рус подшоси Пётрнинг хизмат сафарлари ва бошқа мамлакатлар вакилларини қабул қилиш ҳақидаги мақолаларида кузатиш мумкин¹⁹⁶. Ҳисобот-биорор ҳаракатни ифодалаш орқали ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган муаммо ҳақида ўқувчига хабар беради. Буларга анжуман, қурултой, мажлис ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Ҳисобот муаллифи учрашув давомида юзага келган ҳолатларни тўлиқ қайд этади. Масалан, қозоқ олимаси М.Шиндалиеванинг фикрича, “Матбуотда ҳисобот бирон воқеа ёки иш жараёни ҳақидаги тўпланган маълумотларни тўлиқ тақдим этадиган жанрдир. Унинг бошқа жанрлардан фарқи шуки, ҳисобот маълумотларни тўлиқ ва босқичма-босқич ёритиб боради. Ҳисобот турлари: тўғридан-тўғри ҳисобот – ҳодиса жойидан ҳеч бир изоҳларсиз маълумот бериш, ҳисобот-коммунюке - сиёсий учрашувлар ҳақида ҳикоя, шарҳлаш элементлари мавжуд бўлган ҳисобот, кенгайтирилган ҳисобот-кенгайтирилган шарҳлар билан берилган маълумот”¹⁹⁷. Ҳисобот жанри ҳақида рус олими А.Грабельников эса қуйидагиларни билдиради: “Газета сахифаларида ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик воқеалар, яъни конференциялар, йиғилишлар, мажлислар, митинглар делегацияларнинг учрашувлари, спорт мусобақалари ҳақида материаллар чоп этилади. Улар қўпинча ҳисобот шаклида баён қилинади. Жанрнинг мақсади – ўқувчиларга конкрет воқеа ҳақида, яъни унинг бориши, ривожланиши, жамият учун аҳамияти ҳақида тўлиқ, кенгайтирилган тушунчаларни пайдо қилишдир”¹⁹⁸. Оима Д.Тешабаева “Журналист ҳисоботда тил ва услуг бойлигидан: образли таққослаш, жонли диалог, ифодали истиора кабилардан фойдаланиши мумкин. Журналист ҳисоботларда очерк элементларидан, воқеликни тасвирлашнинг баъзи бир оддий усулларидан моҳирлик билан фойдаланиб, воқеа рўй берган вазиятни яққол кўрсатиб беришга эришади, шу воқеанинг жонли, яққол тафсилотларини акс эттиради. Бундай услугбий воситалар халқ байрамлари, оммавий тадбирлар, спорт мусобақалари ва шу кабилар ҳақидаги ҳисоботларда айниқса кўп

¹⁹⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Мадвалиев А. таҳрири остида. 5-жилд.-Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 2008 й. Б.537.

¹⁹⁶ Тертычный А. Жанры периодической печати. М.: Аспект пресс, 2000. С.48-49.

¹⁹⁷ Шындалиева М. Журналистика жанрларының пішіндері мен функциясы. Астана.ЕҮУ АББ, 2012. Б.66.

¹⁹⁸ Грабельников А.Работа журналиста в прессе. – М.2004. С.171.

кўлланилади”¹⁹⁹ деган фикрни билдиради. Матбуот нашрларида чоп этилган ҳисобот жанрига оид материалларни кузатадиган бўлсак, кўп ҳолларда ахборий ва таҳлилий ҳисобот шаклидаги материаллар ташкил қиласи. Ахборий ҳисобот ўқувчиларга маълум бир воқеа, ходиса бўлганлиги тўғрисида аниқ маълумот беради. Таҳлилий ҳисоботда эса воқеа ва ҳодисалар тўғрисида маълумот бериш билан бирга унинг ривожланиш жараёни, ундан олинган янгиликлар бўйича фикрлар, хуносалар берилади. Бунда мавзуни ёритган журналист воқеа, ҳодисанинг мақсади, сабаб ва оқибатлари бўйича ўз касбий нуқтаи-назаридан келиб чиқиб, унинг таҳлил қилган ҳолда баён қиласи.

Кейинги йилларда республикамизда ОАВ фаолиятидаги очиқлик, ошкоралик ҳамда журналистик фаолиятнинг ҳар томонлама давлат ва жамият томонидан қўллаб қувватланиши натижасида кўп йиллар давомида очиқ бўлмаган ФВ мавзусига оид материалларнинг очиқ, ошкора ва шаффоф ҳолда ОАВда ёритилиши таъминланмоқда. Хусусан, матбуотда ҳам бошқа жанрлар каби ҳисобот жанрида ФВ мавзусидаги кўплаб материаллар чоп этилмоқда. Масалан, “Халқ сўзи” газетасида чоп этилган “Сирдарёликлар ҳаёти ўз маромига тушмоқда”²⁰⁰ номли материалда Сардоба сув омборида бўлган техноген ФВ оқибатларининг бартараф этилиш жараёнлари бўйича Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг вилоят фаоллари ва аҳолиси билан учрашуви, оғатдан жабрланган аҳолининг муаммоларини ҳал этиш ҳамда худудларда олиб борилаётган таъмирлаш-тиклар ишлари ҳақида ахборий ҳисобот берилган.

“Махалла” газетасида ҳам ФВлар мавзусига доир материаллар чоп этилади. Хусусан, ҳисобот жанрига оид материаллар ҳам доимий равишда ёритилади. Масалан, газетадаги “Олот ва Қоракўл янгича чирой касб этмоқда”²⁰¹ номли материалда 2020 йил апрель ойида Бухоро вилоятининг Олот ва Қоракўл туманларида кучли шамол оқибатида содир бўлган табиий оғат оқибатлари ва уларни бартараф этиш бўйича амалга оширилган тадбирларнинг тафсилотлари баён этилган. Унда қуйидаги маълумотлар берилган: вилоят бўйича 84 та маҳалла, 359.131 нафар аҳоли электр-энергиясиз қолган, 52 та умумтаълим мактаби, 43 та мактабгача таълим обьекти, 63 та кўп қаватли уй-жой, 4800 та якка тартибдаги аҳоли уй-жойи, 220 та нотурар обьект, 3 та маданий мерос ҳамда 11 та спорт обьектига катта миқдорда талофат етган. Материалда ФВ оқибатлари бартараф этилаётганлиги, вилоятнинг Олот ва Қоракўл туманларида бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилаётганлиги туманлар янгича кўрк касб этаётганлиги ёритилган.

¹⁹⁹ Тешабаева Д. ва бошқалар. Медиалингвистика ва таҳхир. III жилд. Т.: Ўзбекистон. 2019 й. С.161.

²⁰⁰ “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 4 май 92 (7594) сон.

²⁰¹ “Вазият” газетаси. 8 май 2020 йил. 15 (751) сон.

“Вазият” газетасида таҳлилий ҳисбот жанрига оид материаллар ҳам ёритилиб келинади. Масалан, газетанинг 2020 йил 29 майдаги сонида чоп этилган “Ҳамкорликдаги ҳаракатлар”²⁰² номли материалга эътибор қаратсак, унда 2020 йил 1 май куни Сирдарё вилояти Сардоба туманидаги “Сардоба” сув омборида юз берган ФВнинг нафақат республикамизга, балки Қозоғистон Республикасининг Туркистон вилоятидаги Мақтарал ва Жетисай туманларига жиддий заарар етказганлиги, мазкур ФВ оқибатларини икки мамлакат ФВВ ва бошқа тегишли идоралар ҳамкорлигига қўшни мамлакатда содир бўлган ФВ оқибатларини бартараф этиш ишларининг ҳамкорликда олиб борилаётганлиги таҳлил қилинади. Газетадаги “Матбуот анжумани”²⁰³ номли материалда республикамизда асосан ёз мавсумида содир бўладиган чўкиш билан боғлиқ ФВнинг олдини олишга қаратилган амалга оширилаётган тадбирлар мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар таҳлил қилинган. Материалда “2020 йилда жами 165 нафар чўкиш билан боғлиқ баҳтсиз ҳодисалар қайд этилганлиги, булардан 57 нафари чўмилиш қоидаларига амал қилмаслик, 40 нафари чўкишда гумон қилинганлар, 58 нафари эҳтиётсизлик, 6 нафари ўз жонига қасд қилиш ва 4 нафари жиноят оқибатида чўкишларга тўғри келади. Ушбу чўккан фуқароларнинг 56 нафарини (34%) вояга етмаганлар ташкил этади” деб келтирилган таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, “Янги Ўзбекистон”, “Правда Востока” ва “Халқ сўзи” газеталари республикамиздаги сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаёт билан бир қаторда мамлакатимиз ва ҳорижда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни, шу жумладан ФВлар мавзусига доир энг кўп долзарб ва энг сўнгти янгиликларни объектив ёритиб келаётган етакчи босма нашрлардан ҳисобланади. Газеталарда ахборот оламида кучли рақобат шароитида медиа макондаги ҳар қандай янгилик ва ўзгаришларга мослашиб бормоқда. Масалан, бугунги кун медиа дунёси талабидан келиб чиқиб, газетанинг ҳам босма, ҳам электрон нашри чоп этилиб келинмоқда. Газеталарнинг интернетдаги сайти жаҳон стандартларига мувофиқ энг илгор технологиялар асосида ишлаб чиқилган. Веб-сайтга газеталарнинг электрон варианти ҳам жойлаб борилиши, унинг мултимедиавий имкониятларини таъминламоқда. Газетанинг сайтдаги электрон версияси орқали нафақат юртдошларимиз, балки ҳориждаги олимлар, ҳалқаро эксперtlар Ўзбекистондаги воқеа-ҳодисалар билан танишиб боради. Шу билан бирга газетанинг электрон версиясини 5 тилда ўзбек, рус, инглиз, қозоқ ва тожик тилларида ўқиш имкониятининг мавжудлиги, унинг жаҳон ахборот оламида ўз ўрнига эга бўлиб бораётганидан далолат беради.

²⁰² “Вазият” газетаси. 29 май 2020 йил. 18-19 (754-755) сон.

²⁰³“Вазият” газетаси. 27 май 2021 йил. 21 (806) сон.

“Вазият” газетаси ФВлар мавзусига ихтисослашган матбуот нашри сифатида ОАВ ичида ўз ўрнига эга бўлган босма нашр ҳисобланади. Газетада журналистиканинг барча жанрларига хос бўлган материаллар чоп этиб келинмоқда. Газетанинг электрон версияси ФВВ расмий сайтининг матбуот рукинига жойлаштирилган. Ҳозир кунда газетанинг муассиси ҳисобланган ФВВ ва газета таҳририяти томонидан газета фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш, унинг рукнларини янада бойитиш, интернетда унинг сайтини яратиш, газетанинг веб-ресурсини ҳамда ижтимоий тармоқлардаги сахифаларини ташкил қилиш устида иш олиб борилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, “Янги Ўзбекистон”, “Правда Востока”, “Халқ сўзи” ва “Вазият” газеталарида бошқа матбуот нашрларидан кўра кўпроқ мамлакатимизда содир бўлган ФВлар, уларни бартараф этиш тадбирлари ҳақида материаллар ёритилишини алоҳида таъкидлаш зарур. Бугунги кунда ахолининг кўпчилик қисми интернет сайтлари ва уяли алоқа воситаларидаги мобиль иловалар орқали янгилик ва хабарлардан доимий равишда хабардор бўлиб боришидан келиб чиқиб, “Янги Ўзбекистон”, “Халқ сўзи” газеталарининг интернетдаги веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги сахифаларида ФВлар мавзусига оид қўплаб материаллар ёритиб келинмоқда. “Вазият” газетаси таҳририяти эса айни шу жараёнларни кўллаш устида иш олиб бормоқда.

Бугунги кунда жамият хаётида содир бўлаётган жараёнларни ёритишда ОАВ ичида матбуотнинг алоҳида ўрни бўлиб, мазкур нашрлар жамият хаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, мавжуд муаммолар ва уларнинг олдини олиш борасида қилинаётган ишларни ёритиб бормоқда. Республикамиздаги матбуот нашрларида ФВлар мавзусига оид материаллар босма ва электрон шаклда ёритиб келинмоқда. Айниқса, “Янги Ўзбекистон”, “Правда Востока” ва “Халқ сўзи” газеталари бу соҳада ҳар томонлама илгор газеталар ҳисобланади. Мазкур материалларни ёритишда ушбу газеталарнинг республикамиздаги етакчи матбуот нашрларидан бири эканлигини ҳисобга олган ҳолда, газеталарда ахоли хавфсизлигини таъминлаш, ФВлар мавзусига оид янгиликлар ва таҳлилий материалларни кўпроқ ёритиш зарур.

“Вазият” газетаси мамлакатимизда ва дунёда содир бўлган ФВ, уларни бартараф қилиш қилиш соҳасида амалга оширилган тадбирларни мунтазам ёритиб келмоқда. Шу билан бирга газетанинг замонавий шакли бўлган электрон версиясини ҳам ишлаб чиқиб, уни барча ижтимоий тармоқларга жойлаштириш лозим. Бу эса газета аудиториясининг кенгайишига ҳамда ўкувчилар сонининг ошишига хизмат қиласи.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, республикамизда барча матбуот нашрларида ФВлар мавзусини ёритиш ва ахолини ФВлар вактида ҳаракат қилишга ўргатиш соҳадаги

материалларни мунтазам ёритиб бориш, мазкур материалларни ёритишида ОАВда кўлланиладиган барча жанрлардан фойдаланиш зарур. Бу эса матбуот нашрларининг катта аудиторияга эга бўлишининг асосий кўрсатгичларидан биридир.

Ўтилган мавзу юзасидан савол ва топшириклар

1. Фавқулодда вазиятлар мавзусини ёритишида журналистика жанрларининг ўрнини қандай изоҳлайсиз?
2. Зилзилалар, сел, сув тошқинлари ва бошқа гидрометеорологик ҳодисалар ҳақида журналист ахбороти қандай бўлиши керак?
3. Ўзбекистон Республикаси 2022 йил 17 августаги қонунини таҳлил қилинг.
4. Техноген фалокатлар нима?
5. Антропоген халокатлар нима?
6. Шиддатли ёнғинлар даврида журналистнинг фаолияти қандай бўлишини тақдимот орқали таҳлил қилинг.
7. Аҳоли хавфсизлигини таъминлашда журналистнинг масъулияти қандай?
8. Кимёвий хавфли обьектларда авария ва фалокатлар жараёнида журналистнинг фаолияти ҳақида гапиринг.

СЎНГСЎЗ ЎРНИДА

Ўзбекистон Республикасида аҳолини турли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, уларнинг ҳаётий фаолияти хавфсизлигини таъминлашда оммавий ахборот виситалари ролининг ошиб бориши ҳамда фавқулодда вазиятлар мавзусига оид ахборотларнинг очиқ, шаффоф ва тезкор ёритилишининг таъминланаштганлиги, Янги Ўзбекистонда тинчлик, хавфсизлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва атроф-муҳит муҳофазаси бўйича олиб борилган ўрганишлар натижасида қўйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Фавқулодда вазиятлар мавзусига оид материалларни тайёрлаш ва ёритиш жараёнида журналистларнинг масъулияти, этикаси, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ахборотларни тарқатишда унинг аҳоли психологиясига таъсирини ўрганиш бўйича Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси ва олий таълим муассасалари ҳамкорлигига маҳсус курслар ташкил қилиш керак.
2. Журналистлар учун экстремал ва фавқулодда вазиятлар журналистикасига оид лугат яратиш зарур.
3. Олий таълим муассасаларида журналистика йўналишида таълим олаётган талабалар учун экстремал ва фавқулодда вазиятлар журналистикасига оид ўқув адабиётларини ишлаб чиқиш лозим.
4. Босма нашрларнинг электрон форматларида фавқулодда вазиятларда аҳолининг тўғри ҳаракат қилиш бўйича фото, аудио, видео материаллар ва мобиъ иловаларни жойлаштириш керак.
5. Босма нашрларда фавқулодда вазиятлар мавзусидаги ахборий, таҳлилий ва публицистик материаллар сонини ошириш лозим.
6. Журналистларнинг экстремал ва фавқулодда вазиятлар ҳудудларида фаолият олиб боришдаги ҳуқуқларини кенгайтириш, уларнинг ижтимоий муҳофазага оид ҳуқуқларини қайтадан кўриб чиқиш керак.
7. Фавқулодда вазиятлар мавзусига оид материалларнинг аниқ, тезкор, шаффоф ёритилишини таъминлаш, турли “фейк” хабарлар ва дезинформациялар тарқалишининг олдини олиш мақсадида Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш Давлат тизими (ФВДТ) таркибига кирувчи ташкилотлари ахборот хизматлари билан даврий матбуот ўртасида тизимли ҳамкорликни ташкил қилиш лозим.
8. Республикаиз маҳаллий матбуот нашрларида ҳудудларга хос бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш мавзусига оид материалларни доимий ёритиб боришни йўлга қўйиш максадга мувофиқ.

9. “Вазият” газетаси таҳририяти фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, таҳририятга малакали кадрларни жалб этиш ва унинг моддий-техник базасини ривожлантириш керак.

10. “Вазият” газетасида республикамизда содир бўлган фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги янгиликлар, соҳадаги долзарб муаммоларни кўпроқ ёритиб бориш, газетанинг электрон форматини ташкил қилиш, унинг руқнлар ва жанрлар хилмачиллигини ошириш лозим.

11. Етакчи ҳорижий мамлакатлар босма нашрлар ва миллий босма нашрлар ўртасида экстремал журналистика ҳамда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш зарур.

Ўзбекистон матбуотининг фавқулодда вазиятлар мавзусини ёритиши ва аҳоли ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлашдаги ролини ошириш бўйича қуидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

Биринчидан, босма матбуотда фавқулодда вазиятлар мавзусига оид янгиликлар, статистик маълумотлар ҳамда мавжуд муаммоларни таҳлилий ва публицистик материаллар орқали танқидий руҳда ёритиш зарур. Бу эса жамиятда давлат органлари ва фуқароларнинг муаммолардан тўлиқ хабардор бўлишига, уларни бартараф қилишга ҳаракат қилишларини таъминлайди.

Иккинчидан, медиа оламда содир бўлаётган қучли рақобат ва кураш шароитида журналистик фаолиятга оид кодекс ишлаб чиқиш керак. Бу журналистларнинг фаолияти, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини аниқ ва тўлиқ белгилаб беради. Бунда журналистларнинг барча вазирликлар ва идоралар, нодавлат ташкилотлар ва бошқа идоралардан турли мавзуларда, шу жумладан, фавқулодда вазиятлар мавзусида материаллар тайёрлаш учун тезкор ҳолда маълумотларни олиши, тўплаши, уларни тарқатиш ва журналистик суриштирувлар ўтказиши борасидаги ҳуқуқ ва вазифалари аниқ белгиланади. Шу билан бирга мазкур кодекс журналистларнинг меҳнат ҳуқуқлари, меҳнат муҳофазаси ва бошқа ижтимоий ҳуқуқларининг муҳофаза қилиниши имконини яратади.

Учинчидан, жамиятимизда ахборот технологияларининг жадал ривожланиши натижасида босма нашрларга қараганда уларнинг электрон форматида ўқувчилар сони кўплиги ҳамда унинг жамиятда катта ижтимоий таъсиричанликка эга эканлиги асосланди. Шундан келиб чиқиб, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги сайтига фавқулодда вазиятлар мавзусига оид энг сўнгти янгиликлар, амалга оширилаётган профилактик тадбирлар ва фавқулодда вазиятлар вақтида тўғри ҳаракат қилиш бўйича маълумотларни янада кўпроқ жойлаштириб бориши ҳамда мазкур манбаларни етакчи матбуот нашрлари “Янги Ўзбекистон”, “Правда Востока”, “Халқ сўзи” ва бошқа газеталарнинг электрон форматларига алоҳида руқн шаклида киритиш керак. Бу эса катта аудиторияга эга бўлган

босма нашрларнинг аҳолига республикамизга хос бўлган фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланиш бўйича билим ва малакаларининг ошиши имконини яхшилайди.

Тўртинчидан, жаҳон медиа маконидаги етакчи ҳорижий мамлакатлар босма матбуот нашрларининг фавқулодда вазиятлар мавзусини ёритиш тажрибасини тадқиқ қилиш керак. Бу эса миллий матбуотнинг ахборот маконида фавқулодда вазият мавзусига оид материалларнинг турли жанрлар асосида кенг ёритилиши бўйича қўшимча имкониятларини оширади.

Favqulodda vaziyatlar jurnalistikasi fani yuzasidan umumiy savol va topshiriqlar

1. Gazetada, teleekranda, radiodasturda, axborot saytida favqulodda vaziyatlar mavzusi.
2. Ekstremal jurnalistika birinchi sahifa mavzusi sifatida.
3. Favqulodda vaziyatlarda jurnalist faoliyatining xususiyatlari.
4. Favqulodda vaziyatlar jurnalistikasida manipulyatsiyaning o‘rni.
5. Ekstremal hisobot va uning xususiyatlari.
6. Favqulodda vaziyatlar jurnalistikasida polemika.
7. Ayollar harbiy jurnalistik faoliyatda.
8. Ekstremal jurnalistikada axborot va muammo talqini.
9. OAV rivojlanishining hozirgi bosqichida ekstremal jurnalistika.
10. Ekstremal jurnalistika: mavzu tanlash va rivojlantirish.
11. Favqulodda holat: qahramon portreti.
12. Matbuotda evakuatsiya bo‘limlari ishining aks ettirilishi.
13. Voqeа joyidan zamonaviy jurnalistik tekshiruv materiallari.
14. Favqulodda holatlarni yoritishda jurnalist psixologiyasi.
15. Harbiy mojaro mavzusining OAVda yoritilishi muammolari.
16. Reyd jurnalistikasi.
17. Tabiiy va texnogen tusdagi ofatlarda favqulodda vaziyatlar jurnalistikasi.
18. Davriy va elektron nashrlarda ekstremal jurnalistik surishtiruv.
19. Favqulodda vaziyatlar jurnalistikasida vatanparvarlik tuyg‘usining ahamiyati.
20. Favqulodda vaziyatlarni yoritishda manbalar bilan ishslash prinsiplari.
21. Favqulodda holatlarda jurnalist faoliyati va mas’uliyati.
22. Ekstremal holatlarni yoritishda jurnalist xavfsizligi.

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ЖУРНАЛИСТИКАСИ ФАНИДАН ТЕСТ

САВОЛЛАРИ

1. “Jurnalistika” so‘zi qaysi tildan olingan?
 - a. ingliz

b. nemis

v. fransuz

g. italyan

Javob: v

2. “Axborot” atamasi qaysi tildan olingan?

a. fransuz

b. lotin

v. ingliz

g. ispan

Javob: b

3. Jurnalistning asosiy “vositasi” bu ...

a. matn

b. tasvir

v. ovoz

g. so‘z

Javob: g

4. “Gazeta” so‘zi qaysi tildan olingan?

a. italyan

b. ingliz

v. fransuz

g. nemis tili

Javob: a

5. Rossiyada birinchi bosma gazeta nima deb nomlangan?

a. “Uchqun”

b. “Vedomosti”

v. “Xalq do‘sti”

g. “Vesti”

Javob: b

6. "Radio" so‘zi qaysi tildan olingan?

a. Lotin

b. fransuz

v. ingliz

g) ispan

Javob: a

9. Radioni kim ixtiro qilgan?

- a. G. Xertz
- b. V. Hamilton
- v) A. Popov
- g) D. Maksvell

Javob: v

10. Kineskopning yaratuvchisi

- a. I. Baxmetiyev
- b. G. Markoni
- B. Rosing
- G. A. Stoletov

Javob:

11. Rossiyaning "Vedomosti" gazetasi birinchi marta nechanchi yili nashr etilgan?

- a. 1843-yil
- b. 1728-yil
- v. 1703-yil
- g) 1999-yil

Javob:

12. "Sovremennik" jurnali tashkil etildi

- a. Nekrasov
- b. Chernishevskiy ichida. Gorkiy Pushkin

Javob: g

13. Rossiyada 19-asrning birinchi jurnali

- a. "O'qish uchun kutubxona"
- b. "Yevropa xabarnomasi" ichida. "Zamonaviy"

Nevskiy tomoshabin

Javob: b

14. "Gazeta" so'zi birinchi bo'lib sarlavhada bosilgan

- a. "Shimoliy ari"
- b. "Shimoliy pochta" ichida. "Zamonaviy", "Literaturnaya gazeta"

Javob: b

15. A.I.ga ko'ra. Gertsen "...jurnalist bo'lish uchun tug'ilgan..."

- a. A.S. Pushkin
- b. V.G. Belinskiy
- v. N. Dobrolyubov

Janob: v

Javob: g

16. "Matbuot to‘g‘risidagi vaqtinchalik qoidalar" Rossiyada qabul qilingan

- a. 1865 yil
- b. 1881 yil
- v. 1890
- d. 1812

Javob: a

17. "Niva" haftaligi (1869-1918) asosan nashr sifatida chop etilgan.

- a. siyosiy
- b. adabiy va badiiy
- v. qiziqarli reklama va tijoriy

Javob: v

18. 1865 yilda Rossiya tuzildi

- a. Rossiya telegraf agentligi
- b. Shimoliy telegraf agentligi
- v. xalqaro agentlik
- d) axborot agentligi

Javob: a

19. "Jurnalistika" so‘zi birinchi marta Rossiyada kiritildi

- a. A. Gertsen
- b. V. Belinskiy
- v) N. Nadejdin
- g) Polevoy

Javob: g

20. A.P. Chexovning ilk hikoyasi qaysi jurnalda nashr etilgan?

- a. "Era"
- b. "Shardlar"
- . "O‘qish uchun kutubxona"
- "Yangi vaqt"

Javob: b

21. 1917-yil 27-oktabrda Rossiyada qabul qilingan?

- a. Ommaviy axborot vositalari qonuni
- b. Matbuot haqidagi farmon
- v) Jurnalistika qonuni
- d) OAV erkinligi to‘g‘risidagi nizom

Javob: b

22. Ushbu qonunning nechanchi moddasida Rossiyada senzuraga yo‘l qo‘yilmasligi haqida so‘z boradi?

- a. birinchi
- b) o‘ninchı
- v) qirqinchı
- d) ikkinchi

Javob: g

23. Tahririyat ustavi modda bilan belgilanadi

- a. Rossiya Federatsiyasining o‘n beshinchi qonuni
- b. yigirmanchi
- d. o‘n birinchi 62-chi

Javob: b

24. Jurnalistning huquqlari maqolada mustahkamlangan

- a. Rossiya Federatsiyasining qirq ettinchi qonuni
- b. o‘n ikkinchi
- ichida. yigirma ettinchi
- d) ellikinchı

Javob: a

25. Eslatma - bu janr

- a. operatsion yangiliklar
- b. tadqiqot
- d. tadqiqotlar va yangiliklar

Javob: a

26. Operatsion tadqiqot janrlari kiradi

- a. xususiyatlari maqola
- b. ko‘rib chiqish
- d. eslatma
- g. hisobot

Javob: g

27. "Birlamchi voqelik" in ko‘rgazma predmeti

- a. yozishmalar
- b. felyeton
- d. hisobot berish
- insho

Javob: ichida

28. “Ikkinch darajali voqelik” in namoyish predmeti

- a. sharhlar
- b. Eslatma
- v) ko‘rib chiqish
- d) bosqichli maqola

Javob: a

29. Jurnalistikaning axborot janrlariga kiradi?

- a) insho
- b) felyeton
- v) risola
- g) hisobot

Javob: g

30. Taqdimotning monolog shakli jurnalistlar tomonidan qo‘llaniladi

- a. intervyu
- b. maqola
- v) hisobot berish
- d) suhbat

Javob: b

31. Jurnalist, guvoh yoki personajning bevosita idrok etishi orqali u yoki bu voqeani o‘quvchilarga ko‘rgazmali tarzda tasvirlab beradigan material qanday nomlanadi?

A. Intervyu.

B. Reportaj.

B. Insho.

32. Jurnalist reportajga qanday janr elementlarini kiritishi mumkin?

A. Hisobot elementi.

B. Suhbat, suhbat elementi.

C. Eskizlar.

H. Bevosita nutq.

D. Rangli chekinish.

E. Har qanday epizodning rasmlı tavsifi.

F. Qahramonlarga xos xususiyatlar.

G. Adabiy obraz, tarixiy paralleliliklar.

33. Ma’ruzalarda voqea kimning nomidan aytildi?

A. Tadbirda ishtirok etgan muallifdan.

- B. Tadbir ishtirokchisi bo‘lgan muallifdan.
- C. Muallifga voqealarni aytib bergan shaxsdan.
34. Hisobotning bayoni qanday tuzilgan?
- A. Muallif o‘zini “men”, “biz” deb ataydi.
- B. Muallif uydirma nom bilan keladi.
35. Sarlavhaga ega bo‘lmaidan kichik, ba’zan bir so‘zli xabarlar nima deb ataladi?
- A. Xronika.
- B. Xat yozishmalar.
- C. Eslatma.

Ilova

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING QONUNI
AHOLINI VA HUDUDLARNI TABIIY HAMDA TEXNOGEN XUSUSIYATLI
FAVQULODDA VAZIYATLARDAN MUHOFAZA QILISH TO‘G‘RISIDA
1-bob. Umumiy qoidalar

1-modda. Ushbu Qonunning maqsadi

Ushbu Qonunning maqsadi aholini va hududlarni tabiiy hamda texnogen xususiyatlari favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasidagi munosabatlarni tartibga solishdan iborat.

2-modda. Aholini va hududlarni tabiiy hamda texnogen xususiyatlari favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish to‘g‘risidagi qonunchilik

Aholini va hududlarni tabiiy hamda texnogen xususiyatlari favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish to‘g‘risidagi qonunchilik ushbu Qonun va boshqa qonunchilik hujjatlaridan iboratdir.

Agar O‘zbekiston Respublikasining xalqaro shartnomasida O‘zbekiston Respublikasining aholini va hududlarni tabiiy hamda texnogen xususiyatlari favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish to‘g‘risidagi qonunchiligidagi nazarda tutilganidan boshqacha qoidalar belgilangan bo‘lsa, xalqaro shartnomasi qoidalari qo‘llaniladi.

3-modda. Asosiy tushunchalar

Ushbu Qonunda quyidagi asosiy tushunchalar qo‘llaniladi:

tabiiy hamda texnogen xususiyatlari favqulodda vaziyatlar — muayyan hududda odamlar qurbon bo‘lishiga, odamlarning sog‘lig‘iga yoki atrof tabiiy muhitga zarar yetishiga, jiddiy moddiy talafotlarga hamda odamlarning hayot faoliyati sharoitlari buzilishiga olib kelishi mumkin bo‘lgan yoki olib kelgan avariya, halokat, xavfli tabiiy hodisa, tabiiy ofat yoxud boshqa ofat natijasida, karantinli va inson uchun xavfli bo‘lgan boshqa yuqumli kasalliklar tarqalishi natijasida yuzaga kelgan vaziyatlar;

favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish — favqulodda vaziyatlar ro'y berganda o'tkaziladigan hamda odamlarning hayotini asrab qolishga va sog'lig'ini saqlashga, atrof tabiiy muhitga yetkaziladigan zarar va moddiy talafotlar miqdorlarini kamaytirishga, shuningdek favqulodda vaziyatlar zonalarining kengayishiga yo'l qo'ymaslikka hamda xavfli omillar ta'sirini tugatishga qaratilgan qutqaruv ishlari va kechiktirib bo'lmaydigan ishlar majmui;

favqulodda vaziyat zonası — favqulodda vaziyat manbai yuzaga kelganligi oqibatida odamlar qurbon bo'lishi, ularning sog'lig'iga yoki atrof tabiiy muhitga zarar yetishi xavfi mavjud bo'lgan va uning ta'sirida jiddiy moddiy talafotlar ko'rilgan, shuningdek, odamlarning hayot faoliyati sharoitlari buzilgan hudud;

favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish — favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ularni bartaraf etish bo'yicha tadbirlar majmui, vositalar hamda usullar tizimi;

favqulodda vaziyatlarning oldini olish — oldindan o'tkaziladigan hamda favqulodda vaziyatlar ro'y berishi xavfini imkon qadar kamaytirishga, bunday vaziyatlar ro'y bergen taqdirda esa odamlarning hayotini asrab qolishga va sog'lig'ini saqlashga, atrof tabiiy muhitga yetkaziladigan zarar va moddiy talafotlar miqdorlarini kamaytirishga qaratilgan tadbirlar majmuyi.

4-modda. Favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilishning asosiy prinsiplari

Favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilishning asosiy prinsiplari quyidagilardan iborat:
qonuniylik;

insonparvarlik, inson hayoti va sog'lig'inining ustuvorligi;

oshkoraliq;

axborotning o'z vaqtida berilishi va ishonchliligi;

favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish choralarining oldindan ko'rishi.

5-modda. Favqulodda vaziyatlarning xususiyati

Favqulodda vaziyatlar ro'y berish manbaiga qarab tabiiy xususiyatli favqulodda vaziyatlarga hamda texnogen xususiyatli favqulodda vaziyatlarga bo'linadi.

Odamlar qurbon bo'lishiga, ularning sog'lig'iga yoki atrof tabiiy muhitga zarar yetishiga, jiddiy moddiy talafotlarga, odamlarning hayot faoliyati sharoitlari buzilishiga olib kelishi mumkin bo'lgan yoki olib kelgan tabiiy ofatlar (zilzilalar, sel, ko'chkilar, suv toshishi va boshqa xavfli tabiiy hodisalar), tabiiy yong'inlar, epidemiyalar, epizootiyalar, epifitotiyalar tabiiy xususiyatli favqulodda vaziyatlardir.

Odamlar qurbon bo'lishiga, ularning sog'lig'iga yoki atrof tabiiy muhitga zarar yetishiga, jiddiy moddiy talafotlarga, odamlarning hayot faoliyati sharoitlari buzilishiga olib kelishi mumkin bo'lgan yoki olib kelgan sanoatdagi, transportdagi avariylar va boshqa texnogen avariylar, yong'inlar (portlashlar), kuchli ta'sir etuvchi zaharli, kimyoviy, radioaktiv

hamda xavfli biologik moddalarning tarqalishi yoxud tarqalish xavfi bilan bog‘liq avariylar, binolar va inshootlarning to‘satdan qulashi, to‘g‘onlarning, tozalash inshootlarining buzilishi, shuningdek odamlarning hayot faoliyatini ta’minlovchi kommunikatsiya tizimlaridagi avariylar texnogen xususiyatlari favqulodda vaziyatlardir.

6-modda. Favqulodda vaziyatlarning turlari

Favqulodda vaziyatlar jabrlangan odamlarning soniga, ko‘lamiga va yetkazilgan moddiy zararning miqdoriga qarab lokal, mahalliy, respublika miqyosida hamda transchegaraviy bo‘lishi mumkin.

2-bob. Favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasini davlat tomonidan tartibga solish

7-modda. Favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilishga rahbarlik qilish

Favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilishga rahbarlik qilish:

O‘zbekiston Respublikasining butun hududida — O‘zbekiston Respublikasi Bosh vaziri;

vazirliliklarda, davlat qo‘mitalarida, idoralarda va tashkilotlarda — ularning rahbarlari;

Qoraqalpog‘iston Respublikasida, viloyatlarda, Toshkent shahrida, tumanlarda, shaharlarda — Qoraqalpog‘iston Respublikasi Vazirlar Kengashi Raisi, viloyatlar, Toshkent shahar, shuningdek tumanlar, shaharlar hokimlari tomonidan amalga oshiriladi.

8-modda. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasidagi vakolatlari

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi:

favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasida yagona davlat siyosati amalga oshirilishini ta’minlaydi;

davlat boshqaruvi organlarining, mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlarining va tashkilotlarning favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasidagi faoliyati tartibini belgilaydi;

favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish uchun moliyaviy va moddiy resurslarning davlat zaxiralari yaratilishini ta’minlaydi hamda ulardan foydalanish tartibini belgilaydi;

favqulodda vaziyatlarning oldini olish hamda ularni bartaraf etish uchun jalb etiladigan kuchlar va vositalarning moliyaviy hamda moddiy jihatdan ta’milanishini, ularning maxsus texnika va boshqa moddiy-texnika vositalari bilan jihozlanishini tashkil etadi;

favqulodda vaziyatlarning ro‘y berishi sabablarini (manbalarini), ko‘lamlarini, jabrlangan odamlarning sonini, moddiy zararning miqdorini hisobga olgan holda, favqulodda vaziyatlar tasnifini tasdiqlaydi, shuningdek ularni bartaraf etishda mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlarining ishtirok etish darajasini belgilaydi;

davlat boshqaruvi organlarining, mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlarining va tashkilotlarning favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasidagi faoliyati ustidan nazoratni amalga oshiradi;

favqulodda vaziyatlarda jabrlanganlarga moddiy yordam ko'rsatish to'g'risida qarorlar qabul qiladi.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi qonunchilikka muvofiq boshqa vakolatlarni ham amalga oshirishi mumkin.

9-modda. O'zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligining favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasidagi vakolatlari

O'zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligi favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasidagi maxsus vakolatli davlat boshqaruvi organidir (bundan buyon matnda maxsus vakolatli davlat organi deb yuritiladi).

Maxsus vakolatli davlat organi:

favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasida yagona davlat siyosatini amalga oshiradi;

aholini va hududlarni tabiiy hamda texnogen xususiyatlari favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish to'g'risidagi qonunchilikning ijro etilishini ta'minlaydi;

favqulodda vaziyatlarning oldini olish, odamlarning hayoti va sog'lig'ini saqlash, moddiy va madaniy boyliklarni muhofaza qilish, shuningdek favqulodda vaziyatlar oqibatlarini bartaraf etish hamda zararni kamaytirish bo'yicha chora-tadbirlar ishlab chiqadi va ularni amalga oshiradi;

O'zbekiston Respublikasi hududida ro'y berishi mumkin bo'lgan favqulodda vaziyatlarni oldindan prognoz qiladi, favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ularni bartaraf etishga doir rejalarini ishlab chiqadi;

favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasidagi maqsadli dasturlarning ishlab chiqilishini va ilmiy tadqiqotlarning amalga oshirilishini tashkil etadi;

tashkiliy-huquqiy shakli va idoraviy mansubligidan qat'i nazar, barcha tashkilotlar hamda fuqarolar tomonidan bajarilishi shart bo'lgan qarorlarni o'z vakolatlari doirasida qabul qiladi;

favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish bo'yicha harakatlar rejalarining, nizomlarning, qoidalarning va yo'riqnomalarning kelishib olinishini amalga oshiradi;

davlat boshqaruvi organlarining, mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlarining va tashkilotlarning rahbarlarini, shuningdek favqulodda vaziyatlarning oldini olish hamda ularni bartaraf etish uchun jalg etiladigan kuchlarni favqulodda vaziyatlar sharoitlarida harakat qilishga tayyorlashni tashkil etadi;

favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish uchun kuchlar va vositalarni boshqarishni amalga oshiradi, boshqaruv punktlarini, xabar berish va aloqa tizimlarini tashkil etadi;

favqulodda vaziyatlar sharoitlarida qutqaruv ishlarni va kechiktirib bo‘lmaydigan boshqa ishlarni tashkil etadi hamda amalga oshiradi, yong‘inlarni bartaraf etadi;

favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilishga doir tadbirlarning bajarilishi ustidan davlat nazoratini amalga oshiradi;

ishlab chiqarish obyektlari va ijtimoiy obyektlar bo‘yicha loyihalar hamda qarorlarning davlat ekspertizasini o‘tkazishda ishtirok etadi.

Maxsus vakolatli davlat organi qonunchilikka muvofiq boshqa vakolatlarni ham amalga oshirishi mumkin.

10-modda. Mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlarining favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasidagi vakolatlari

Mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlari:

favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasida qarorlar qabul qiladi;

aholini va hududlarni muhofaza qilish to‘g‘risidagi axborotni to‘plashni hamda almashishni, shuningdek favqulodda vaziyatlar ro‘y berishi xavfi to‘g‘risida yoki favqulodda vaziyatlar ro‘y bergenligi haqida aholiga o‘z vaqtida xabar berishni va axborot uzatishni amalga oshiradi;

aholini xabardor qilish va aholiga axborot uzatishning maxsus texnik vositalarini o‘rnatish uchun joylar, shuningdek ommaviy axborot vositalarida efir vaqt ajratilishida maxsus vakolatli davlat organiga ko‘maklashadi;

mahalliy miqyosdagi favqulodda vaziyatlar ro‘y berganda O‘zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlarning oldini olish va bunday vaziyatlarda harakat qilish davlat tizimining hududiy quyi tizimi uchun yuqori tayyorgarlik rejimini yoki favqulodda vaziyat rejimini joriy etish haqida, shuningdek aholini xavfsiz joylarga evakuatsiya qilishga doir tadbirlarni amalga oshirish to‘g‘risida qaror qabul qiladi;

favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish uchun moliyaviy va moddiy resurslar zaxiralarini yaratadi, favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilishga doir tadbirlarni moliyalashtirishni amalga oshiradi;

favqulodda vaziyatlar oqibatida aholiga yetkazilgan zararning o‘rnini qoplash bo‘yicha choralar ko‘radi;

tashkiliy-huquqiy shakli va idoraviy mansubligidan qat’i nazar, barcha tashkilotlarning favqulodda vaziyatlarda ishslash barqarorligini oshirishga ko‘maklashadi;

favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish uchun kuchlarning shayligi ustidan nazoratni amalga oshiradi;

favqulodda vaziyat zonasida qutqaruv ishlarni va kechiktirib bo‘lmaydigan boshqa ishlarni amalga oshirish uchun avariya-qutqaruv kuchlarining (shu jumladan tezkor harakat bo‘linmalarining) va maxsus tuzilmalarning doimiy shayligini tashkil etadi;

qutqaruv ishlarni va kechiktirib bo‘lmaydigan boshqa ishlarni tashkil etadi hamda amalga oshiradi, shuningdek bunday ishlar o‘tkazilishi chog‘ida jamoat tartibi saqlanishini tashkil etishga ko‘maklashadi;

favqulodda vaziyatlar oqibatlarini bartaraf etish hamda aholini muhofaza qilish uchun barcha hududiy kuchlar va vositalarni ishgaga soladi.

Mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlari qonunchilikka muvofiq boshqa vakolatlarni ham amalga oshirishi mumkin.

11-modda. Davlat boshqaruvi organlarining favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasidagi vakolatlari

Davlat boshqaruvi organlari:

aholini va hududlarni tabiiy hamda texnogen xususiyatli favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish to‘g‘risidagi qonunchilikning ijro etilishini ta’minlaydi;

o‘z tasarrufidagi obyektlarda ro‘y berishi mumkin bo‘lgan favqulodda vaziyatlarning oldini olishga, shu jumladan odamlarning hayotiga va sog‘lig‘iga tahdid soluvchi kasalliklarning keng tarqalishiga yo‘l qo‘ymaslikka qaratilgan profilaktika tadbirlarini amalga oshiradi;

o‘z tasarrufidagi obyektlarning favqulodda vaziyatlar sharoitlarida harakat qilishga shayligini ta’minlaydi;

tarmoqning va o‘z tasarrufidagi obyektlarning favqulodda vaziyatlar sharoitlarida barqaror ishslashini oshirishga qaratilgan tadbirlarni ishlab chiqadi hamda amalga oshiradi;

o‘z tasarrufidagi obyektlarda favqulodda vaziyatlar ro‘y berishi xavfi to‘g‘risidagi yoki favqulodda vaziyatlar ro‘y bergenligi haqidagi axborotni maxsus vakolatli davlat organiga tezkorlik bilan kiritadi;

favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish bo‘yicha harakatlar rejalarini, nizomlar, qoidalar va yo‘riqnomalarni kelishib olish uchun maxsus vakolatli davlat organiga taqdim etadi;

o‘z tasarrufidagi obyektlarning xodimlarini favqulodda vaziyatlardagi muhofazalanish usullariga va harakatlarga o‘rgatadi;

o‘z tasarrufidagi xavf darajasi yuqori bo‘lgan obyektlarda favqulodda vaziyatlar ro‘y berishi xavfi to‘g‘risida yoki favqulodda vaziyatlar ro‘y bergenligi haqida aholiga xabar berishning va aholini xabardor qilishning ichki hamda obyektga oid avtomatlashtirilgan tizimlarini yaratadi va ularni doimiy shay holatda saqlab turadi;

aholining va hududlarning muhofaza qilinganlik holati to‘g‘risida axborot taqdim etadi, shuningdek aholiga va tarmoq xodimlariga favqulodda vaziyat ro‘y berishi xavfi to‘g‘risida yoki favqulodda vaziyat ro‘y bergenligi haqida tezkorlik bilan xabar beradi;

favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish uchun moddiy va moliyaviy resurslar zaxiralarini yaratadi, ushbu maqsadlar uchun har yilgi ajratmalarni belgilaydi hamda markazlashtirilgan ta’mintoni amalga oshiradi;

favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ularni bartaraf etishga doir rejalgara muvofiq o‘z tasarrufidagi ishlab chiqarish obyektlarida va ijtimoiy obyektlarda, shuningdek ularga tutash hududlarda qutqaruv ishlarining hamda kechiktirib bo‘lmaydigan boshqa ishlarning tashkil etilishi, moliyalashtirilishi va amalga oshirilishini ta’minlaydi;

o‘ta muhim va toifalangan obyektlarni hamda ularning xodimlarini favqulodda vaziyatlar sharoitlarida o‘z faoliyatini davom ettirishi ta’minlanadigan punktlarga evakuatsiya qilish tadbirlarini amalga oshiradi;

favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ularni bartaraf etish uchun jalb etiladigan maxsus kuchlar va vositalarning tashkil etilishini, tayyorgarligini hamda shay holatda saqlab turilishini ta’minlaydi;

o‘z tasarrufidagi obyektlarni loyihalashtirish, qurish va rekonstruksiya qilish chog‘ida favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish masalalariga doir talablarning bajarilishini nazorat qiladi;

favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish chog‘ida halok bo‘lgan yoki jabrlangan xodimlarga kompensatsiyalar to‘laydi;

boshqa davlat boshqaruvi organlari bilan favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish masalalari bo‘yicha hamkorlikni amalga oshiradi.

Davlat boshqaruvi organlari qonunchilikka muvofiq boshqa vakolatlarni ham amalga oshirishi mumkin.

Davlat boshqaruvi organlari o‘z tasarrufidagi o‘ta muhim, toifalangan hamda potensial xavf manbai bo‘lgan obyektlarda favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish bo‘yicha mutaxassislarining shtat lavozimlarini joriy etadi. Boshqa obyektlarda mas’ul shaxslar tayinlanadi.

12-modda. Tashkilotlarning favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasidagi huquq va majburiyatlar

Tashkilotlar quyidagi huquqlarga ega:

ro‘y berishi mumkin bo‘lgan favqulodda vaziyatlar to‘g‘risida, ularning ro‘y bergenligi, shuningdek zarur xavfsizlik va muhofaza choralar haqida xabardor bo‘lish;

davlat boshqaruvi organlariga favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish masalalari yuzasidan murojaat etish va hamkorlik qilish;

zarur bo‘lganda, favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish uchun davlat organlaridan, shuningdek boshqa tashkilotlardan moliyaviy resurslarni hamda kuchlar va vositalar resurslarini so‘rab olish.

Tashkilotlar:

xodimlarni, ishlab chiqarish va ijtimoiy soha obyektlarini favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish bo‘yicha zarur choralarini rejalashtirishi, moliyalashtirishi va amalga oshirishi;

xavf darajasi yuqori bo‘lgan obyektlarning xavfsizlik deklaratsiyasini ishlab chiqishi va taqdim etishi;

xodimlarni favqulodda vaziyatlar sharoitlaridagi muhofazalanish usullariga va harakatlarga o‘rgatishi;

xabar berishning avtomatlashtirilgan ichki va obyekt tizimlarini yaratishi hamda doimiy shay holatda saqlab turishi va favqulodda vaziyatlar ro‘y berishi xavfi to‘g‘risida yoki favqulodda vaziyatlar ro‘y bergenligi haqida xodimlarga o‘z vaqtida xabar berishi;

favqulodda vaziyatlar sharoitlarida obyektlarning barqaror faoliyat ko‘rsatishini va xodimlarning hayot faoliyatini ta’minlashi;

zarur bo‘lganda, muhandislik-himoya inshootlarining oldindan qurilishini ta’minlashi va ularni doimiy shay holatda saqlab turishi;

favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish uchun moliyaviy va moddiy resurslar zaxiralarini yaratishi;

favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ularni bartaraf etish uchun jalg etiladigan kuchlar va vositalarni yaratishi, ularning tayyorgarligini hamda shay holatda saqlab turilishini ta’minlashi;

maxsus vakolathi davlat organining hududiy bo‘linmasini o‘z hududida favqulodda vaziyatlar ro‘y berishi xavfi to‘g‘risida yoki favqulodda vaziyatlar ro‘y bergenligi haqida tezkorlik bilan xabardor qilishi;

favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ularni bartaraf etish bo‘yicha harakatlar rejalariga muvofiq o‘z tasarrufidagi obyektlarda avariya-qutqaruv ishlari amalga oshirilishini ta’minlashi;

ixtisoslashtirilgan qutqaruv xizmatlarini va qutqaruv tuzilmalarini belgilangan tartibda tashkil etishi, ularni shaxsiy tarkib, texnika va mol-mulk bilan butlashi;

evakuatsiyaga oid tadbirlarni belgilangan tartibda amalga oshirishi va odamlarni joylashtirish uchun oldindan joylarni tayyorlashi;

favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasida axborot taqdim etishi;

favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish chog‘ida halok bo‘lgan yoki jabrlangan xodimlarga kompensatsiyalar to‘lashi shart.

Tashkilotlar qonunchilikka muvofiq boshqa huquqlarga ham ega bo‘lishi va ularning zimmasida o‘zga majburiyatlar bo‘lishi mumkin.

3-bob. Fuqarolar o‘zini o‘zi boshqarish organlarining, nodavlat notijorat tashkilotlarining hamda ommaviy axborot vositalarining favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ularni bartaraf etishda ishtirok etishi

13-modda. Fuqarolar o‘zini o‘zi boshqarish organlarining favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ularni bartaraf etishda ishtirok etishi

Fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari:

favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasidagi vazifalarni hal qilishda mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlariga va boshqa tashkilotlarga ko‘maklashadi;

favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish tadbirlariga fuqarolarni jalg etadi;

aholini va hududlarni tabiiy hamda texnogen xususiyatli favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish to‘g‘risidagi qonunchilikka riosa etilishi ustidan jamoatchilik nazoratini amalga oshiradi.

Fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari qonunchilikka muvofiq boshqa tadbirlarda ham ishtirok etishi mumkin.

14-modda. Nodavlat notijorat tashkilotlarining favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ularni bartaraf etishda ishtirok etishi

Nodavlat notijorat tashkilotlari:

favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ularni bartaraf etishda ishtirok etishi;

aholini va hududlarni tabiiy hamda texnogen xususiyatli favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish to‘g‘risidagi qonunchilikka riosa etilishi ustidan jamoatchilik nazoratini amalga oshirishda ishtirok etishi;

favqulodda vaziyatlar manbalari hamda ularni bartaraf etish choralarini to‘g‘risida davlat hokimiyati va boshqaruvi organlaridan, shuningdek tashkilotlardan axborot olishi mumkin.

Nodavlat notijorat tashkilotlari qonunchilikka muvofiq boshqa tadbirlarda ham ishtirok etishi mumkin.

15-modda. Ommaviy axborot vositalarining favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ularni bartaraf etishda ishtirok etishi

Ommaviy axborot vositalari:

favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasidagi davlat dasturlarini va boshqa dasturlarni amalga oshirishda ishtirok etadi;

favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ularni bartaraf etishga doir tadbirlarni yoritadi;

favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasidagi bilimlarni targ‘ib qilishda ishtirok etadi;

aholini va hududlarni tabiiy hamda texnogen xususiyatlari favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish to‘g‘risidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan jamoatchilik nazoratini amalga oshiradi.

Ommaviy axborot vositalari qonunchilikka muvofiq boshqa tadbirlarda ham ishtirok etishi mumkin.

4-bob. Fuqarolarning favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasidagi huquq va majburiyatlar

16-modda. Fuqarolarning favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasidagi huquqlari

Fuqarolar quyidagi huquqlarga ega:

favqulodda vaziyat ro‘y berganda hayoti, sog‘lig‘i va shaxsiy mol-mulkining muhofaza qilinishi;

umumiyligi va yakka muhofazalanish vositalaridan, mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlarining, davlat boshqaruvi organlari va tashkilotlarning aholini favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish uchun mo‘ljallangan boshqa mol-mulkidan foydalanish;

mamlakat hududining muayyan joylarida bo‘lganda ular duch kelishi mumkin bo‘lgan xavf-xatar darajasi to‘g‘risida hamda zarur xavfsizlik choralarini haqida xabardor bo‘lish;

favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish masalalari yuzasidan davlat organlariga murojaat etish;

favqulodda vaziyatlar zonalarida ishlaganligi uchun bepul tibbiy xizmat, kompensatsiyalar va boshqa imtiyozlar olish;

favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish jarayonida majburiyatlarini bajarish chog‘ida o‘z sog‘lig‘iga yetkazilgan zarar uchun kompensatsiyalar va imtiyozlar olish;

favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish majburiyatlarini bajarish chog‘ida orttirgan kasalligi munosabati bilan mehnat qobiliyatini yo‘qotgan taqdirda, nogironligi mehnatda mayib bo‘lish oqibatida kelib chiqqan xodimlar uchun belgilangan tartibda pensiya ta’mintoni olish;

boquvchisini favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish majburiyatlarini bajarish chog‘ida orttirgan mayiblik yoki kasallikdan halok bo‘lganligi yoki vafot etganligi munosabati bilan yo‘qotganda, mehnatda mayib bo‘lish tufayli halok bo‘lgan shaxsning oila a’zolari uchun belgilangan tartibda pensiya ta’mintoni olish.

Fuqarolar qonunchilikka muvofiq boshqa huquqlarga ham ega bo‘lishi mumkin.

Davlat ijtimoiy sug‘urtasi tartibi va shartlari, kompensatsiyalar hamda imtiyozlarning turlari va miqdorlari qonunchilikda belgilanadi.

17-modda. Fuqarolarning favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasidagi majburiyatlar

Fuqarolar:

xavfsizlik choralariga rioya etishi, ishlab chiqarish intizomining va texnologik intizomning, ekologik xavfsizlik talablarining favqulodda vaziyatlar ro'y berishiga olib kelishi mumkin bo'lgan buzilishlariga yo'l qo'ymasligi;

favqulodda vaziyatlardan muhofazalanishning asosiy usullarini, jabrlanganlarga birinchi tibbiy yordam ko'rsatish yo'llarini o'rganishi hamda o'z bilimlari va amaliy ko'nikmalarini takomillashtirishi;

favqulodda vaziyatlar ro'y berishiga olib kelishi mumkin bo'lgan avariyalar, ofatlar, halokatlar va yong'inlar xavfidan darak beruvchi aniqlangan alomatlar to'g'risida tegishli organlarni xabardor qilishi;

favqulodda vaziyatlar ro'y berishi xavfi sharoitlaridagi va favqulodda vaziyatlar ro'y bergan sharoitlardagi ogohlantirish signallarini, yurish-turish qoidalarini hamda harakat qilish tartibini, umumiy va yakka muhofazalanish vositalaridan foydalanish usullarini bilishi;

zarur bo'lganda, qutqaruv ishlarini va kechiktirib bo'lmaydigan boshqa ishlarni amalga oshirishga ko'maklashishi shart.

Fuqarolarning zimmasida qonunchilikka muvofiq boshqa majburiyatlar ham bo'lishi mumkin.

18-modda. Chet el fuqarolarining hamda fuqaroligi bo'limgan shaxslarning favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasidagi huquq va majburiyatlar

O'zbekiston Respublikasi hududida turgan chet el fuqarolari va fuqaroligi bo'limgan shaxslar favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasida O'zbekiston Respublikasi fuqarolari bilan teng huquqlarga ega bo'ladi hamda ularning zimmasida majburiyatlar bo'ladi.

5-bob. Favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilishni ta'minlash tizimi

19-modda. O'zbekiston Respublikasi favqulodda vaziyatlarning oldini olish va bunday vaziyatlarda harakat qilish davlat tizimi

Favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish O'zbekiston Respublikasi favqulodda vaziyatlarning oldini olish va bunday vaziyatlarda harakat qilish davlat tizimi (bundan buyon matnda Favqulodda vaziyatlar davlat tizimi deb yuritiladi) tomonidan ta'minlanadi.

Favqulodda vaziyatlar davlat tizimi favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasida vakolatlarga ega bo'lgan yoki zimmasida majburiyatlar bo'lgan vazirliklarning, davlat qo'mitalarining, idoralarning, Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashining, viloyatlar, Toshkent shahar, shuningdek tumanlar, shaharlar hokimliklarining hamda tashkilotlarning boshqaruv organlarini, kuchlari va vositalarini birlashtiradi.

Favqulodda vaziyatlar davlat tizimi hududiy, funksional va axborot-boshqaruv quyi tizimlaridan iborat, shuningdek respublika, mahalliy hamda obyekt darajalariga ega bo‘ladi.

Favqulodda vaziyatlar davlat tizimining tarkibi va faoliyati tartibi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan belgilanadi.

20-modda. Favqulodda vaziyatlar davlat tizimini boshqarish

Favqulodda vaziyatlar davlat tizimini boshqarish:

respublika darajasida — maxsus vakolatli davlat organi;

mahalliy darajada — maxsus vakolatli davlat organining hududiy bo‘linmalari;

obyekt darajasida — obyekt rahbari tomonidan amalga oshiriladi.

21-modda. Favqulodda vaziyatlar davlat tizimining rejimlari

Prognоз qilingan yoki ro‘y bergan favqulodda vaziyatning ko‘lami va holatiga qarab muayyan hududda Favqulodda vaziyatlar davlat tizimining quyidagi rejimlari o‘rnataladi:

kundalik rejim — muayyan hududda, obyektda favqulodda vaziyatlar ro‘y berishi xavfi mavjud bo‘lmaganda;

yuqori tayyorgarlik rejimi — favqulodda vaziyatlar ro‘y berishi xavfi mavjud bo‘lganda;

favqulodda vaziyat rejimi — favqulodda vaziyatlar ro‘y berganda va favqulodda vaziyatlar davrida.

Yuqori tayyorgarlik va favqulodda vaziyat rejimlari ro‘y bergan favqulodda vaziyatning turiga qarab O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining, Qoraqalpog‘iston Respublikasi Vazirlar Kengashining, viloyatlar, Toshkent shahar, tumanlar va shaharlar hokimliklarining, shuningdek tegishli obyektlar rahbarlarining qarorlari bilan joriy etiladi.

22-modda. Favqulodda vaziyatlar davlat tizimi kundalik rejimining asosiy tadbirdi

Favqulodda vaziyatlar davlat tizimi tomonidan kundalik rejimda amalga oshiriladigan asosiy tadbirdi quyidagilardan iborat:

atrof tabiiy muhitning holati, xavf darajasi yuqori bo‘lgan obyektlardagi va ularga tutash hududlardagi vaziyat ustidan nazorat qilish hamda kuzatish, ro‘y berishi mumkin bo‘lgan favqulodda vaziyatlarni prognoz qilish, ularning ijtimoiy-iqtisodiy oqibatlarini baholash;

favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasidagi axborotni to‘plash, tahlil qilish va almashish;

favqulodda vaziyatlarning oldini olish bo‘yicha maqsadli va ilmiy-texnik dasturlar hamda tadbirdi rejalashtirish va amalga oshirish;

aholini, moddiy va madaniy boyliklarni xavfsiz hududlarga evakuatsiya qilish, evakuatsiya qilingan aholi vaqtincha joylashtirilgan joylarda ularning hayot faoliyatini

ta'minlash bo'yicha tadbirlarni rejalashtirish, shuningdek tegishli tayyorgarlik tadbirlarini amalga oshirish;

favqulodda vaziyatlarda harakat qilishga doir tadbirlarni rejalashtirish;

aholini favqulodda vaziyatlarda harakat qilishga va muhofazalanish usullariga o'rgatish;

aholiga xabar berishning va uni xabardor qilishning avtomatlashtirilgan tizimi shayligini ta'minlash hamda nazorat qilish;

favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish uchun moliyaviy va moddiy resurslar zaxiralarini yaratish hamda ularning o'rnini to'ldirib borish;

sug'urtaning maqsadli turlarini amalga oshirish.

23-modda. Favqulodda vaziyatlar davlat tizimi yuqori tayyorgarlik rejimining asosiy tadbirlari

Favqulodda vaziyatlar davlat tizimi tomonidan yuqori tayyorgarlik rejimida amalga oshiriladigan asosiy tadbirlar quyidagilardan iborat:

favqulodda vaziyatlar ro'y berishi xavfi to'g'risida yoki favqulodda vaziyatlar ro'y beraganligi haqida davlat boshqaruvi organlariga, mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlariga va tashkilotlarga xabar berish, shuningdek aholini xabardor qilish;

atrof tabiiy muhitning holati, xavf darajasi yuqori bo'lган obyektlardagi va ularga tutash hududlardagi vaziyat ustidan monitoringni kuchaytirish, favqulodda vaziyatlarning ro'y berishi ehtimolini, ko'lamlari hamda oqibatlarini prognoz qilish;

favqulodda vaziyatlar ro'y berishi mumkin bo'lган hududlarda ularning ro'y berishi xavfini baholash uchun tezkor guruhlarni tashkil etish, tahdid soluvchi omillarni bartaraf etish bo'yicha takliflar ishlab chiqish;

ro'y berishi mumkin bo'lган favqulodda vaziyatlarning oldini olish bo'yicha tezkor tadbirlarni va, zarur bo'lganda, aholini xavfsiz hududlarga evakuatsiya qilishni amalga oshirish;

favqulodda vaziyatlar sharoitlarida aholini va atrof tabiiy muhitni muhofaza qilish, shuningdek turar joy binolarining, hayot ta'minoti tizimlarining, obyektlar hamda iqtisodiyot tarmoqlarining barqaror faoliyat ko'rsatishini ta'minlash choralarini ko'rish;

Favqulodda vaziyatlar davlat tizimiga kirdigan davlat boshqaruvi organlari va tashkilotlar rahbarlarining kecha-kunduz navbatchiligini tashkil etish;

Favqulodda vaziyatlar davlat tizimiga kirdigan davlat boshqaruvi organlarining va tashkilotlarning tezkor boshqaruvi bo'linmalarini o'rtasida axborot almashinuvini kuchaytirish;

Favqulodda vaziyatlar davlat tizimining kuchlari va vositalarini shay holatga keltirish, faoliyatni yuqori tayyorgarlik rejimiga o'tkazish, ularning harakatlari rejalarini aniqlashtirish hamda zarur bo'lganda, ularni favqulodda vaziyatlar ro'y berishi mumkinligi taxmin qilinayotgan hududga yo'naltirish.

24-modda. Favqulodda vaziyatlar davlat tizimi favqulodda vaziyat rejimining asosiy tadbirdlari

Favqulodda vaziyatlar davlat tizimi tomonidan favqulodda vaziyat rejimida amalga oshiriladigan asosiy tadbirdlar quyidagilardan iborat:

favqulodda vaziyatlar ro'y berganligi haqida davlat boshqaruvi organlariga, mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlariga va tashkilotlarga xabar berish, shuningdek aholini xabardor qilish;

favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ularni bartaraf etishga doir rejalarini amalga kiritish;

aholining, moddiy va madaniy qimmatliklarning xavfsiz hududlarga evakuatsiya qilinishini tashkil etish;

favqulodda vaziyat zonasining chegaralarini belgilash, o'rab olish (to'sib qo'yish), unga kirish-chiqish rejimini va unda harakatlanish rejimini belgilash;

favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish uchun kuchlarni jalg etish, mazkur tuzilmalar tomonidan favqulodda vaziyatlarning kengayishiga yo'l qo'ymaslikka va ularning birlamchi sabablarini bartaraf etishga doir ishlarni, qutqaruv ishlarini hamda kechiktirib bo'lmaydigan boshqa ishlarni amalga oshirish;

iqtisodiyot obyektlarining barqaror faoliyat ko'rsatishini, shuningdek jabrlangan aholining hayot faoliyati sharoitlarini ta'minlash ishlarini tashkil etish;

favqulodda vaziyatlar zonalarida atrof tabiiy muhitning holati, avariya obyektlaridagi va ularga tutash hududlardagi vaziyat yuzasidan monitoring olib borish;

evakuatsiya qilingan aholini vaqtinchalik joylashtirish va uning hayot faoliyatini ta'minlash, tibbiy yordam ko'rsatilishini tashkil etish hamda aholining vaqtincha bandligini ta'minlash bo'yicha choralar ko'rish;

favqulodda vaziyatlar zonalarida epidemiyaga qarshi va sanitariya-gigiyena tadbirdarini bajarish;

infratuzilma obyektlarini tiklash, ijtimoiy ahamiyatga molik obyektlarning faoliyatini yo'lga qo'yish;

jabrlangan aholiga moddiy yordam ko'rsatish, jismoniy va yuridik shaxslarga yetkazilgan zararni kompensatsiya qilish bo'yicha tadbirdarni amalga oshirish.

25-modda. Aholini va mutaxassislarni favqulodda vaziyatlarda harakat qilishga tayyorlash

Aholini maktabgacha, umumiy o'rta, o'rta maxsus, professional va oliy ta'lim tashkilotlarida, ishlab chiqarishda hamda yashash joyida favqulodda vaziyatlarda harakat qilishga o'rgatish umumiy va majburiydir.

Favqulodda vaziyatlar davlat tizimining rahbarlarini va mutaxassislarini tayyorlash hamda qayta tayyorlash o‘rtta maxsus, professional va oliv ta’lim tashkilotlarida, malaka oshirish muassasalarida, kurslarda, maxsus o‘quv-uslubiyat markazlarida hamda ish joyida amalga oshiriladi.

Aholini favqulodda vaziyatlarda harakat qilishga tayyorlashga doir tadbirlarga uslubiy rahbarlik va ularni nazorat qilish maxsus vakolatli davlat organi tomonidan amalga oshiriladi.

Aholini va mutaxassislarni favqulodda vaziyatlarda harakat qilishga tayyorlash tartibi qonunchilikda belgilanadi.

26-modda. Favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasidagi bilimlarni targ‘ib etish

Favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasidagi bilimlarni targ‘ib etish, tashkiliy-huquqiy shakli va idoraviy mansubligidan qat’i nazar, barcha tashkilotlar tomonidan ta’milnadi.

27-modda. Favqulodda vaziyatlar monitoringi va ularni oldindan prognoz qilish

Favqulodda vaziyatlar monitoringi va ularni oldindan prognoz qilish Favqulodda vaziyatlar monitoringi, axborot almashish va prognoz qilishning yagona tizimiga kiruvchi davlat boshqaruvi organlari hamda tashkilotlar tomonidan amalga oshiriladi.

Favqulodda vaziyatlar monitoringining va ushbu vaziyatlarni oldindan prognoz qilishning asosiy vazifalari quyidagilardan iborat:

favqulodda vaziyatlarga olib keluvchi potensial manbalarni barvaqt aniqlash, ular ustidan tizimli kuzatuv va nazoratni tashkil etish hamda amalga oshirish;

favqulodda vaziyatlar monitoringiga va ularni prognoz qilishga doir axborotni, shuningdek ularning ro‘y berishi hamda oqibatlari to‘g‘risidagi ma’lumotlarni doimiy ravishda va avtomatlashtirilgan tarzda almashishni ta’minalash;

favqulodda vaziyatlarga olib keluvchi xavfli tabiiy, texnogen va ekologik jarayonlarning rivojlanish ehtimolini, xususiyatlari hamda ko‘lamini oldindan prognoz qilish;

favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ularni bartaraf etishga, shuningdek ularning oqibatlarini kamaytirishga oid tavsiyalarni ishlab chiqish.

28-modda. Favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasidagi axborot

Favqulodda vaziyatlarning prognozlari, ularning ro‘y berishi va oqibatlari, tegishli hududlardagi radiatsiyaviy, kimyoviy, tibbiy-biologik, yong‘in-portlash, seysmik va ekologik xavfsizlik to‘g‘risidagi, shuningdek favqulodda vaziyatlar ro‘y berishiga olib kelishi mumkin bo‘lgan boshqa omillar haqidagi ma’lumotlar favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasidagi axborotni tashkil etadi.

Agar qonunda boshqacha qoida nazarda tutilmagan bo‘lsa, favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasidagi axborot ochiqdir.

Favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasidagi axborotni yashirish, o‘z vaqtida taqdim etmaslik yoki bila turib yolg‘on axborot taqdim etish taqiqlanadi.

Favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasidagi axborot bilan ta’minalash tartibi qonunchilikda belgilanadi.

29-modda. Aholini favqulodda vaziyat ro‘y berishi xavfi to‘g‘risida yoki favqulodda vaziyat ro‘y bergenligi haqida xabardor qilish

Davlat boshqaruvi organlari, mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlari va tashkilotlar favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish holati, aholining xavfsizligini ta’minalash bo‘yicha ko‘rilayotgan choralar, prognoz qilinayotgan yoki ro‘y bergen favqulodda vaziyatlar, ulardan muhofazalanish usullari to‘g‘risida ommaviy axborot vositalari, shu jumladan maxsus texnika vositalari orqali aholini o‘z vaqtida va ishonchli tarzda xabardor qilishi shart.

Aholi favqulodda vaziyat ro‘y berishi xavfi to‘g‘risida yoki favqulodda vaziyat ro‘y bergenligi haqida darhol xabardor qilinadi. Axborotda fuqarolarga bunday vaziyatlarda harakat qilish va zarur muhofaza choralarini bajarish tartibi yetkaziladi.

Aholini favqulodda vaziyat ro‘y berishi xavfi to‘g‘risida yoki favqulodda vaziyat ro‘y bergenligi haqida xabar berish va xabardor qilishning avtomatlashtirilgan tizimi, shuningdek ommaviy axborot vositalari orqali amalga oshiriladi.

Favqulodda vaziyat ro‘y berishi xavfi to‘g‘risidagi yoki favqulodda vaziyat ro‘y bergenligi haqidagi axborot respublika va mahalliy televideniye hamda radio kanallari orqali darhol xabar qilinadi.

30-modda. Favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasidagi davlat ekspertizasi

Xavf darajasi yuqori bo‘lgan obyektlar, texnik jihatdan murakkab va noyob obyektlar loyiha hujjatlarining favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish talablariga rioya etilishi nuqtai nazaridan davlat ekspertizasi maxsus vakolatli davlat organi tomonidan amalga oshiriladi.

31-modda. Favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish uchun moliyaviy va moddiy resurslar zaxiralari

Favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish uchun moliyaviy va moddiy resurslar zaxiralari ulardan favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish uchun shoshilinch tarzda foydalanish maqsadida oldindan yaratiladi.

Favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish uchun moliyaviy va moddiy resurslar zaxiralari ro‘y berishi mumkin bo‘lgan favqulodda vaziyatlarning prognozidan, favqulodda vaziyatlarning ko‘lamidan, shuningdek hududning tabiiy, iqtisodiy va boshqa o‘ziga xos xususiyatlaridan kelib

chiqqan holda davlat boshqaruvi organlari, mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlari va tashkilotlar tomonidan yaratiladi.

Favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish uchun moliyaviy va moddiy resurslar zaxiralari favqulodda vaziyatlarni bartaraf etishga mo‘ljallangan oziq-ovqat mahsulotlarining maxsus zaxiralarini, kiyim-kechaklarni, dori vositalarini, tibbiy buyumlarni, tibbiy texnikani, qurilish materiallarini, neft mahsulotlarini, umumiy va yakka muhofazalanish vositalarini hamda boshqa moddiy resurslarni, shuningdek favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish chog‘idagi kutilmagan xarajatlarning o‘rnini to‘ldirish uchun mo‘ljallangan pul mablag‘larini o‘z ichiga oladi.

6-bob. Favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish tartibi

32-modda. Favqulodda vaziyatlarni e’lon qilish

Favqulodda vaziyatlarni e’lon qilish:

